

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ
ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

**СОХИБОВА ЛОЛА ЖОНБОВЕНА
ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ЭПИСТЕМОЛОГИЯНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ**

Ихтисослик: – Ғарб фалсафаси ва тарихи

**Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
ф.ф.д.проф., Н.А.Шермухамедова**

Тошкент-2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I БОБ. ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ЭПИСТЕМОЛОГИЯНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ	
1.1. “Эпистемология” тушунчасининг мазмуни.....	
1.2. Эпистемологиянинг тарихий-назарий асослари.....	
1.3. Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг намоён бўлиш шакллари.....	
II БОБ. ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ЭПИСТЕМОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛГАН ОМИЛЛАР	
2.1. Классик эпистемологияда ишонч ва билимга муносабат: моҳият ва шакллар.	
2.2. Ноклассик эпистемологиянинг ижтимоий-маданий ва теологик талқинлари.....	
2.2. Постноклассик эпистемологиянинг ўзига хос хусусиятлари	
III БОБ. ФАЛСАФАДА ЗАМОНАВИЙ ЭПИСТЕМОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС РИВОЖИ	
3.1. Фан фалсафасида эпистемологик ёндашувларнинг роли.....	
3.2. Ғарб фалсафасида эпистемологик ёндашувларни ўрганишдаги муаммолар ва вазифалар.....	
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

К И Р И Ш

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Ҳаёт ҳақиқатини англаш ва билиш учун аввало инсонда билим бўлмоғи лозим. Чунки, инсоннинг комиллик даражаси унинг билим асосидаги эзгу фаолияти билан эришиш мумкин бўлган маънавий юксакликдир. Шундай экан, узлуксиз таълим бериш ва мақсадли тарбиялаш орқалигина комиллик сифатларига эга бўлган баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Шу боисдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи тобора давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Зеро, “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бугун жамиятнинг энг катга бойлигидир”¹.

Инсонни тарбиялаш, унга таълим бериш, юксак қадриятли, дунёқараши кенг қамровли чуқур, билимдон ҳамда соғлом ёш-авлодни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахсни ижтимоийлаштириш, уни ҳар томонлама шакллантириш, камолга етказиш, ривожлантириш энг муҳим вазифадир. Айни шунинг учун ҳам истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли Давлат сиёсати туфайли юртимизда миллий кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва маърифий асоси яратилди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2008 йил “Ёшлар йили” деб номланган бўлса, 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги”, 2010 “Баркамол авлод йили” деб аталиши ёшларимизнинг ҳар томонлама жамиятда ўз ўринларини эгаллашлари учун барча имкониятлар мавжудлигидан дарак беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – 56 б.

аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”¹. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ёш авлод билимни янада ривожлантиришда эпистемологик ёндашувнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Эпистемология назарий фалсафанинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, унда инсоннинг дунёни билиш имконияти, инсоннинг ўзлигини англаш жараёни, билимлар табиати ва уларнинг ўзига хос мазмун-моҳияти акс эттирилади.

Эпистемологик нуқтаи-назардан билим ўз-ўзини ташкил этувчи мураккаб тизим сифатида доимий ўзгаришлар юз бериб келади. Бу ўзгаришлар мутахассислар томонидан билим эволюцияси, илмий революция, инсон билимларидаги реформа, билимлар трансформацияси деб аталади. Бундай ўзгаришлар XX асрдан бошлаб шунчалик кўп ва кенг қамровли бўла бошладики, оқибатда билимнинг янги соҳалари айниқса унинг трансдисциплинар жиҳатларига алоҳида эътибор қаратила бошлади.

Замонавий фалсафа ва фаннинг муваффақиятини ишончли ахборот ва билимларнинг ривожланганлик даражаси ташкил этади. Хатто ишончли ахборот билимларнинг таркиби, структурасига, уларнинг аҳамиятига катта таъсир кўрсатади. Масалан, замонавий ахборот технологияларининг ютуқлари асосида илмий билимларнинг инновациялар тарзида амалиётга жорий қилиш тезлиги ортди, мавжуд билимларнинг осонгина эскириб қолиши тезлашди. Бу ҳолат олимлар олдида бугунги кунда фалсафа ва хатто фан учун ҳам қандай билимлар зарурлиги, қандай билимларни узатиш, билимларнинг ривожланиш динамикаси, билимларнинг турли соҳалардаги инновацияларга айланиш тезлиги, билимларнинг ривожланиш цикллари, бир фан соҳасидаги билимнинг иккинчи соҳага ўтиши масалалари, билимларни

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 74-75.

бошқариш, сунъий интеллект, ахборот маданияти каби кўплаб масалаларни эпистемологик тадқиқ этишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйди.

Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг шаклланиши масаласини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш мамлакатимизда эндигина шаклланаётган замонавий билиш назариясига оид илмий тадқиқот ишларини ёритишга хизмат қилади. Шундай экан, бугунги кунда фалсафанинг билиш соҳасида содир бўлаётган ўзгаришларнинг эпистемологик нуқтаи-назардан ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга. Зеро, бу эпистемологик ёндашувда устувор бўлган илмийлик мезонларини аниқлаш ва билимларнинг тизимли хусусиятларини холис ёритишдаги ўринини англаш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Билиш назарияси ва унинг турли йўналишларини тадқиқ этиш бўйича кўпгина олимлар, файласуфлар изланишлар олиб борганлар. Бироқ, уларнинг баъзиларигина гносеология ва эпистемологиянинг фарқли жиҳатларига ўз эътиборларини қаратганлар.

“Гносеология” (юнонча γνῶσις — «билиш» ва λόγος — «таълимот, фан») атамаси илк маротаба немис мумтоз фалсафасида XVIII асрда қўлланилган бўлса, “эпистемология” (юнонча ἐπιστήμη, «билим» ва λόγος — «сўз, таълимот») XX асрда англо-америка фалсафаси вакиллари томонидан илмий муомалага киритилган¹.

МДХ доирасида Ғарб эпистемологиясининг турли томонларини ўзида акс эттирган илмий тадқиқот ишлари О.Д.Игнатов, А.М.Леонов, Е.О.Труфанова, Л.О.Ерошенко, Л.Ю.Соколова, Б.Пазолини, В.А.Гайденко, А.С.Токовенко каби олимлар томонидан олиб борилган². Бугунги кунга

¹Қаранг: Гносеология в системе философского мировоззрения. — М., 1983. — 383 с. Елсуков А. Н. История античной гносеологии. — Минск, 1992. — 82 с. Кезин А. В. Эволюционная эпистемология: современная междисциплинарная парадигма // Вестник Московского университета. — Серия 7. Философия. — 1994. — № 5. — С.3-11. Никитин Е. П. Исторические судьбы гносеологии // Философские исследования. — 1993. — № 1. — С.61-70. Пиаже Ж. Генетическая эпистемология // Вопросы философии. — 1993. — № 5. Соколов А. В. О персоналистической гносеологии // Вопросы философии. — № 4. — С.121-137. Фурманов Ю. Р. Критика метафизического разума в эволюционной теории познания // Философские науки. — 1991. — № 8. — С.34-50. Эволюционная эпистемология и логика социальных наук. — М., 2000. — 463 с.

² Игнатов О.Д. Онтология и эпистемология онтологии в философии науки Уилларда Куайна : дис. ... канд. филос. наук : 09.00.08 Москва, 2006. - 194 с. Леонов А.М. Эпистемология сложности в контексте компьютерных наук : диссертация... д-ра филос. наук : 09.00.01 Якутск, 2006. - 356 с. Труфанова Е.О.

келиб, эпистемология йўналиши икки гуруҳга ажралган. Улардан биринчи анъанавий рационализм инқирози натижасида юзага келган иррационалистик характерга эга бўлган эпистемология бўлса, иккинчиси ноклассик рационал ғоялар билан суғорилган, ижтимоий–маданий жараёнларни тадқиқ этишга йўналтирилган ҳамда илмийлик мезонларини ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган ноклассик эпистемологиядир. Шу нуқтаи назардан қараганда, тадқиқот мавзуи доирасидаги муаммоларни ўрганишда Н.М.Денисова, Е.Н.Ищенко, А.М.Леонов С.Е.Салова, А.Е.Никитин, А.И.Субботин, И.А.Ахмедов, А.В.Попов каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади¹.

Ўз навбатида В.А.Лекторский, В.Н.Садовский, В.Л.Махлин, К.А.Суриков, Л.Г.Пугачева, Ю.Л.Качанов, А.В. Кезин, В.П.Визгин каби олимларнинг илмий ишлари тадқиқотимиз учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади². Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўлишича,

Единство и множественность Я как проблема эпистемологии : диссертация... канд. филос. наук : 09.00.01 Москва, 2007. - 189 с. Ерошенко Л.О. Расширение предметного поля неклассической эпистемологии и модальности реальности : Дис. ... канд. филос. наук : 09.00.01 : Ростов н/Д, 2005. - 153 с. Соколова Л.Ю. Французская историческая эпистемология : дис. ... д-ра филос. наук : 09.00.03 СПб., 2006. - 354 с. Пазолини Б. Соотношение эпистемологии и герменевтики в неопрагматизме Р. Рорти : Дис. ... канд. филос. наук : 09.00.01, 09.00.03 Новосибирск, 2005. - 167 с. Гайдено В.А. Феминистская эпистемология как постнеклассический феномен: Дис... канд. филос. наук: 09.00.02 / Сумский гос. педагогический ун-т им. - К., 2000. - 165 л. Токовенко А.С. Эволюционная эпистемология: история, современное состояние, перспективы развития : Дис... д-ра филос. наук: 09.00.03 / Киевский ун-т им. Тараса Шевченко. — К., 1994. — 322 с.

¹ Денисова Н.М. Эволюционная эпистемология: генезис и основные направления : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Ростов-на-Дону, 2005. Ищенко Е.Н. Современная эпистемология в контексте гуманитарного познания : диссертация ... доктора философских наук : 09.00.01. Воронеж, 2005. Леонов А.М. Эпистемология сложности в контексте компьютерных наук : диссертация ... доктора философских наук : 09.00.01. Якутск, 2006. Салова С.Е. Эволюционная эпистемология Конрада Лоренца : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Москва, 2007. Никитин А.Е. Эпистемология искусственного интеллекта : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Архангельск, 2007. Субботин А.И. Эпистемные характеристики антропологического опыта сознания в рационалистической философии XIX - XX века : автореферат дис. ... доктора философских наук : 09.00.13. Ростов-на-Дону, 2007. Ахмедов И.А. Гносеологические особенности нового социального знания : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01. Махачкала, 2006. Попов А.В. Демаркация научного и религиозного сознания : философский анализ : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01. Магнитогорск, 2008.

² Лекторский В.А. Эпистемология классическая и неклассическая. Изд.3 2009. - 256 с. Садовский В.Н. Эволюционная эпистемология Карла Поппера и логика социальных наук: Карл Поппер и его критики. Изд.3 2008. 464 с. Махлин В.Л. Второе сознание: Подступы к гуманитарной эпистемологии. 2009. 632 с. Суриков К.А., Пугачева Л.Г. Ум, в котором мы живем. Технологии навигации реального мира: эпистемология объективной реальности. 2005. 136 с. Суриков К.А., Пугачева Л.Г. Эпистемология. Шесть философских эссе. 2002. - 56 с. Качанов Ю.Л. Эпистемология социальной науки. 2007. - 232 с. Кезин А.В. Натуралистические подходы в эпистемологии XX века. 2006. - 100 с. Визгин В.П. Эпистемология Гастона Башляра и история науки. 1996. - 264 с.

эпистемологияда илмий хамжамият консенсуси, интерсубъективлик концепцияси, логоцентризм ва деконструкция кабилар устуворлик қилади. Шунингдек, бугунги кунда эпистемологияни ривожланиши натижасида ижтимоий эпистемология, билим социологияси каби соҳалар тобора ривожланиб бормоқда.

Илмий билимлар ривожи ундаги туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ушбу жиҳати билан боғлиқ айрим масалалар О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Б.Каримов, Н.А.Шермухаммедова, Е.Д.Каменов, Р.М.Имамалиева, Б.Тураев, Э.Р.Кадыров, З.Давронов, К.У.Утуров, Э.М.Иззетова, Ш. Қахҳорова, Г.Ғаффорова каби олимлар илмий ишларида тадқиқ этилганини қайд этиш зарур¹.

Юқоридаги илмий адабиётлар ва изланишлар Ғарб фалсафасида эпистемологияни шаклланиши мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганини кўрсатади. Бу тадқиқот мавзуини илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот дастури билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети, “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасининг илмий тадқиқотлар доирасига киради.

¹ Қаранг: Файзуллаев А.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук, 2006. Абдуллаева М.Н. Пространство возможностей познания/ Восток–Запад: аспекты взаимодействия материалы научной конференции. Ташкент, 12 мая 2006 года –С.211–212. Абдуллаева М.Н. Роль научного знания в современной цивилизации/ Ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари мавзусидаги Республика илмий–назарий конференция. 1–қисм, Самарқанд, 2006., 51–14–17 б. Каримов Б. Эманация концепцияси ва ҳозирги замон илмий дунёкараши. –Тошкент: ТДТУ, 2001. Шермухаммедова Н. Социально–философские аспекты формирования стиля научного мышления: Автореф. Дисс...докт.филос.наук. – Тошкент: Университет, 2002. – 35 с. Каменов Е.Д. Принцип самоорганизации и его роль в познании системы «природа – общество». Автореф. Дисс...к.филос.н. – Ташкент, 1995. Имамалиева Р.М. Природа связи и форма её проявления. Дис. д–ра филос.н. – Т.,1990. Тураев Б. Философское обоснование концепции о развитии пространство–временной структуры бытия (онтологические и гносеологические аспекты). Автореф. Дис. д–ра филос.н. –Т., 1994; Тураев Б. Информационное свойство пространства и времени / Естествознание и философия. – Спб., 1992; Кадыров Э.Р. Диалектика категорий «элемент» и «структура» в процессе научного познания. Дис. кан. филос.н. –Т., 1996; Давронов З. Принцип детерминизма и его роль в научном познании. Автореф. Дис. д–ра филос.н. –Т., 1999; Утуров К.У. Проблема упорядочённого состояния материи (философско–методологический анализ): Дис. д–ра филос.н. –Т., 2002. Иззетова Э.М. Проблема взаимоотношения научного познания и гуманистических идеалов. Дис. д–ра филос.н. –Т., 2002.

Тадқиқотнинг мақсади. Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг шаклланишининг тарихий ва илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

– фалсафа ва фан методологияси нуқтаи-назаридан эпистемология тушунчасига таъриф бериш;

– эпистемологиянинг тарихий-назарий асосларини таҳлил қилиш;

– Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг намоён бўлиш шаклларини илмий таҳлил қилиш;

– классик эпистемологияда ишонч ва билимга муносабат муносабатни турли ёндашувлар ва талқинлар асосида таҳлил қилиш;

– ноклассик эпистемологиянинг ижтимоий-маданий ва теологик талқинларини фалсафий тадқиқ этиш;

– постноклассик эпистемологиянинг синергетик табиатини ўрганиш;

– фан фалсафасида эпистемологик ёндашувларнинг ролини тадқиқ қилиш;

– Ғарб фалсафасида эпистемологик ёндашувларни ўрганишдаги муаммолар ва вазифаларни аниқлашга доир тақлиф-тавсиялар, илмий-назарий хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти. Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг шаклланиш хусусиятларидир.

Тадқиқот предмети. Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг шаклланишининг тарихий ва илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг янги тафаккурни шакллантириш, маънавий баркамоллик, миллий истиқлол ғоясининг мазмун–моҳиятини аҳоли қалби ва онгига сингдириш масалаларига бағишланган асарларида баён этилган хулоса, фикрлар ва мулоҳазалар диссертациянинг назарий – методологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонлик ва хориж олимларининг билиш фалсафаси, эпистемология асосий йўналишлари, улардаги ўзига хос жиҳатлар, зиддият ва ўхшашликлар билан боғлиқ муаммолар таҳлиliga бағишланган илмий изланишлари тадқиқотнинг назарий манбаи бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг методлари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усулларига таянилди.

Тадқиқот гипотезаси:

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– фалсафа ва фан методологияси нуқтаи-назаридан эпистемология тушунчасига янгича таъриф берилганлиги;

– эпистемологиянинг тарихий-назарий асослари атрофлича таҳлил қилинганлиги;

– Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг намоён бўлиш шаклларини илмий таҳлил қилиш зарурати;

– классик эпистемологияда ишонч ва билимга муносабат муносабатини турли ёндашувлар ва талқинлар асосида таҳлил қилиш лозимлиги;

– ноклассик эпистемологиянинг ижтимоий-маданий ва теологик талқинлари тизимлаштириш зарурати;

– постноклассик эпистемологиянинг синергетик табиатининг ўрганиш лозимлиги;

– фан фалсафасида эпистемологик ёндашувларнинг ролини тадқиқ қилиш зарурати;

– Ғарб фалсафасида эпистемологик ёндашувларни ўрганишдаги муаммолар ва вазифаларни аниқлашга доир таклиф-тавсиялар, илмий-назарий хулосаларни ишлаб чиқиш заруриятидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– фалсафа ва фан методологияси нуқтаи-назаридан эпистемология тушунчасига таъриф берилди;

- эпистемологиянинг тарихий-назарий асослари таҳлил қилинди;
- Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг намоён бўлиш шакллари илмий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинди;
- классик эпистемологияда ишонч ва билимга муносабат муносабат фалсафа ва фандаги турли ёндашувлар ва талқинлар асосида таҳлил қилинди;
- ноклассик эпистемологиянинг ижтимоий-маданий ва теологик талқинлари фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилинди;
- постноклассик эпистемологиянинг синергетик табиати ўрганилди;
- фан фалсафасида эпистемологик ёндашувларнинг роли тадқиқ қилинди;
- Ғарб фалсафасида эпистемологик ёндашувларни ўрганишдаги муаммолар ва вазифаларни аниқлашга доир таклиф ва тавсиялар, илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқотда келтирилган хулосалар фалсафа ва фан методологияси олдида турган вазифаларни ҳал қилишда замондош олимларимизнинг билиш назарияси, эпистемология йўналишлари бўйича олиб бораётган фаолиятига маълум даражада ҳисса қўшиш унинг назарий аҳамиятини белгилайди.

Диссертациядаги илмий таҳлиллар ва хулосалардан олий ўқув юртларида бакалаврият, магистратура ва аспирантурада “Фалсафа ва фан методологияси”, “Билиш фалсафаси”, “Фанларнинг фалсафий масалалари”, “Илмий ижодиёт методологияси” каби курслардан маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда фойдаланиш, шунингдек, жамиятни модернизациялаштириш жараёнида илмий билимларни юксалтиришга йўналтирилган тадбирлардан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамадан ўтказилиши: диссертация Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида бажарилган ва муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: тадқиқотнинг асосий натижалари ва илмий хулосалар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедрасида бакалавр ва магистр талабалари учун мўлжалланган дастурларда, маъруза ва семинарларда фойдаланилди. Шунингдек, муаллифнинг республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий–назарий ҳамда илмий–услубий анжуманларда қилинган маърузаларда баён қилинган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги: диссертациянинг асосий мазмуни, унда асосланган илмий–назарий ғоялар, фикр ва мулоҳазалар, ишлаб чиқилган хулосалар ва тавсиялар тадқиқотчининг Республика илмий анжуманлар материалларига кирган 5 та тезисда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши: диссертация ҳажми 90 бет бўлиб, “Кириш”, учта боб, саккизта параграф, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат.

I БОБ. ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ЭПИСТЕМОЛОГИЯНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1. “Эпистемология” тушунчасининг мазмуни

Эпистемология аслида Ғарб фалсафасига оид тушунча бўлиб, ишонч ва билим ҳақидаги теологик ғояларнинг билиш доирасида илгари сурилган таъриф – тавсифлар асосида шаклланган фалсафий йўналиш ҳисобланади. Замонавий фалсафада эпистемология билимнинг ишончли ёки ишончсиз эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи илм–фаннинг назарий-методологик ва қадриятлар системаси илмий муаммоларни ечишдаги янги гносеологик намуна сифатида ҳам қабул қилинмоқда.

Эпистемология – билиш жараёнининг моҳияти, билимнинг воқеаликка бўлган муносабати, билиш жараёнининг умумий асослари, унинг ҳақиқатлигини, шарт-шароитларини аниқловчи каби муаммоларни тадқиқ этувчи фалсафанинг қисмидир. Билим нима, билим қандай тузилган, билимнинг қандай турлари мавжуд каби муаммолар ҳам э.га тегишли.

Эпистемология учун аксарият ҳолларда билиш жараёнининг барча хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга эмас. Эпистемологияда воқеликни реал ҳолатларини ифодаловчи ҳақиқатлик хусусиятига эга билимларни ўзига хосликлари инобатга олинади.

Эпистемологиянинг асосий муаммолари: билимнинг тузилиши, билимнинг қандай турлари мавжуд? Билим «ҳаёт»нинг умумий қоидалари, ўзгаришлари ва ривожланиши илмий–назарий ва амалий фаолиятда билимни объективлиги ва жорий этиш механизмларнинг моҳияти.

Тарихан эпистемология тўғрисида тасаввур антик даврда шакллана бошлаган. XX асрга қадар, эпистемология ўзининг институтцион шаклларига эга эмасди, унинг муаммолари асосан гносеология ва мантиқ доирасида ингиз аналитик анъаналари асосида ривожланган. XIX асарнинг охирларида эпистемология муаммолари гносеологиядан ажрала бошлади. Билимни

тадқиқ этиш методлари, аналитик, операцион, норматив, структуравий - функционал йўналишлар ривожлана бошлади. 1970 й.ларда К.Поппер эпистемологиянинг эркинлигини (эмансипация) онтологик жиҳатдан асослаб берди, «учинчи дунё» (билимнинг объектив моҳияти) ва билиш жараёни билувчи субъектсиз концепциясини таклиф қилди.

Ҳозирги вақтда билимнинг объектга бўлган муносабати бевосита билиш жараёнининг доирасидан чиқмоқда. Инсон фаолиятининг: муҳандислик, бошқариш, лойиҳалаштириш, таълим каби турларида билимнинг функцияларини ўрганиш зарур. Билимни таснифлаш тобора тармоқланади ва дифференциялашади: амалий - методологик, табиий - илмий, гуманитар, муҳандислик – техник билимлари билан бир қаторда унинг айрим ҳолларда учрайдиган вариантлари ҳам таъкидланмоқда.

Эпистемология билиш жараёни объектив мавжуд бўлган воқеалар тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўллари тавсифлайди ва шу билан ҳақиқатлик белгисига эгаллигини ақс этади.

Замонавий фалсафий йўналишнинг ҳар бирининг ўзига хос эпистемологияси мавжуд. Сцентизм оқимларда (неопозитивизм, танқидий рационализмга, неореализм ва б.), антисцентизм оқимларда (экзистенциализм, фалсафий антропология, фалсафий-диний йўналишлар ва бошқалар) нисбатан эпистемология изланишлар кўпроқ қўлланилади.

Ҳозирги замон фалсафасида ижтимоий эпистемология асосида олиб борилаётган изланишлар кенгайиб бормоқда. Ижтимоий эпистемология – билимни ижтимоийликка, ижтимоийликни билимга бўлган муносабатини, ижтимоий институтларни қайта қуриш муаммолари кабиларни ўрганади.

Бизнингча, асл «episteme» яъни билим интеллектуал (ақлий) идрок қилиш натижаси бўлиб, у ўзида олам борлиқнинг маъноси ва аввалдан берилган тартибини намоён қилади. Билимнинг эпистетик сифати инсон ички дунёсининг ҳолатини ифодалайди. Билимнинг эпистемик сифатида одатда шубҳаланиш, ишонч ҳолати, эрк, ишонтириш сингари ҳолатлар

назарда тутилади. Билимнинг бу ҳолатларининг табиати турли белгиларнинг мужассамланишидан иборат бўлади. Масалан, билимнинг ҳар бир ҳолати ўзида бошқа информация элементлари ҳамда эмоцияларнинг баҳоли – қадриятли сифатлари, эрк хоссаси, онгсизлик психика элементларини мужассамлаштириши, шунингдек, бошқа психик ва жисм – тана омилларининг таъсирида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, биз бирор нарсада айбдорлигимизни англасак, кўркув ҳиссини сезамиз, ҳаяжонланамиз, ўзимизнинг ишончимизни ифодалаймиз ёки қониқиш лаззатланиш ҳиссини сезамиз, бундай ҳолатларнинг умумий белгилари уларнинг ишончлилигининг, қаноатланганлигининг, ёқимлилигининг, қадриятлилигининг ва бошқалар билан белгиланади.

Эпистемология (юнонча *πιστήμη*, «билим» и *λόγος* — «сўз, таълимот») – билиш назарияси ва фалсафанинг ҳозирги кундаги махсус соҳаси сифатида эътиборга олинмоқда. Мазкур тушунча асосан XX асрдан бошлаб инглиз – америка фалсафасида кенг қўлланила бошлаган. Бироқ, фалсафанинг бу йўналиши ўзининг ўзоқ ўтмишига эга. Жумладан, эпистемологик масалаларни қадимги давр юнон фалсафасида Пармениднинг “Ҳақиқат ва муносабат”, Афлотуннинг “Диалог”, Арастуниг “Аналитика” асарларида учратиш мумкин. Ўрта асрларда эса билим ва ишонч тўғрисидаги схоластик қарашларда ҳам эпистемология муаммолари таҳлил этилганлигини кўриш мумкин. Янги давр фалсафасида гносеологик қарашларга муқобил равишда рационализмга қарши шаклланган ёки уни тўлдирган муаммо сифатидаги баҳс – мунозараларда намоён бўлганлигини келтириб ўтиш ўринлидир. Кейинчалик, эпистемология ҳақиқат муаммоси, билим ва маъно, тушуниш ва тушунтириш, тажриба, идрок, интуиция, интерсубъективлик, конструкция, деконструкция, когерентлик, дефляционизм, фаллибилизм ва бошқалар шу каби тушунчаларни таҳлил қилиш хусусидаги ёндошувлар асосида янада бой маъно – мазмун касб этиб борган.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, МДХ доирасида чоп этилган адабиётларда гносеология атамаси эпистемологияга нисбатан умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган билиш назарияси деб қабул қилинган. Бироқ, Ғарб адабиётларида эпистемология нафақат илмий билиш назарияси балки умумий билиш назарияси деб ҳам юритилади. Чунки, эпистемология ҳам гносеология каби билиш назарияси сифатида антик даврдан бошлаб ривожланиб, такомиллашиб келган. Тўғри бу даврда эпистемологик ёндашувнинг асл мақсади ҳақиқат ва унинг маъно–мазмунини чуқурроқ очишга қаратилган. Масалан, Парменид биринчилардан бўлиб, фикр ва ҳақиқат ўртасида фарқ мавжудлигини эпистемологик жиҳатдан таҳлил қилган. Жумладан, Парменид “Ҳақиқат бу борлиқни билиш, унинг асосий мезони эса бетакрорлик, доимийлик ва абадийликдан иборатдир”¹ деб ёзади. Бундан маълум бўладики, Парменид ҳақиқатни фазо ва вақтда мавжудлиги шартидан эмас, соф фикрий хараakterистикаларидан келиб чиқиб аниқлайди.

Сукрот эса, “Ҳар бир одам ўз фикрига эга бўлиши мумкин, аммо ҳақиқат барча учун битта бўлиши лозим”², деб ҳисоблайди. Ҳақиқат бу ерда консенсус сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Сукрот диалог усулининг ижодий қисми ана шундай ҳақиқатга эришишга қаратилган эди. Сукрот, биринчи бўлиб, билимни тушунча даражасига кўтариб дастлабки эпистемологик назарияга асос солади. Сукрот ҳақиқатни топишидаги ўз усулини “доялик маҳорати” билан солиштирган. Кейинчалик эса ақидапарастликка қарши қаратилган унинг танқидий савол бериш усули “Сукрот истехзоси” номини олган.

Аристотель ҳақиқат масаласи рационал тафаккурни асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек у “...ҳақиқат ҳақида бизни ўраб турган ашёлар ошқора ўзгариши ва ҳеч вақт бир ҳолатдагина қолмаслиги

¹ Робинсон Т. Парменид на пути истинного знания бытия (on coming-to-know of the real) // Универсум платоновской мысли. Рационализм или философская религия? Эпистемология Платона. — СПб., 1997. — С.49-62.

² Кессиди Ф. Х. Сократ. СПб.: Алетея, 2001. — 352 с.

асосида ҳукм чиқариш бемаъниликдир. Негаки, ҳақиқатни ахтаришда шундан келиб чиқиш зарурки, мавжуд ашёлар бизга кўринган ҳолатда қоладилар ва ҳеч қандай ўзгаришларга учрамайдилар”¹ деб ёзади.

Августин “Илоҳий ҳақиқатни инсон билимларининг асоси ва бош манбаси”², деб эълон қилади. Ўта ҳиссиётли ҳақиқатларни билиш воситаси сифатида илоҳий ҳақиқатни қайд этади. Ўз навбатида у “Инсон ҳақиқатни билишга бевосита “ички маърифат” ва “руҳни илоҳий нур билан ёритиш” орқали муяссар бўлади”³ дейди.

Аквиналик Фома эса ҳақиқатни “Ақл ва нарсанинг мувофиқлиги» сифатида таърифлайди. Шунинг учун ҳам у “Ташқи нарсаларнинг таъсири натижасида билувчида уларга мувофиқ келадиган (ҳис–туйғули сиймолар) пайдо бўладика, ақл улардан билинаётган нарсанинг “ақлий қиёфасини” идрок этади ва шу йўл билан унинг моҳиятини билиб олади”⁴ деган хулосага келади. Схоластлар бўлса “Инсон билимларнинг мақсади, ҳеч қачон ўзгармас равишда берилган “илоҳий ҳақиқат”ни билишга эришишдир”⁵, - деб ҳисоблаганлар. Пьер Абеляр эса “Билимнинг мақсади–ҳақиқат, диалектика эса–ҳақиқатни ва ёлғонни ажратиш санъатидир”⁶, - деб ёзади.

Билишнинг турли масалаларини ўзида ифода этган ғояларга Шарқда хусусан Ўрта Осиёда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Абу Наср Форобий “Ҳақиқий билим изланилади ва таҳмин қилинади”³, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам мутафаккир “Ҳамма одамлар ҳам ҳақиқатни турли йўллар билан ўзлаштиришга қодирлар, улар турли воситалар билан ўз

¹ Гайденко П. П. Понятие времени в античной философии (Аристотель, Плотин, Августин) // Время, истина, субстанция: от античной рациональности к средневековой. — М., 1991.— С. 1-18.

² Марру А. И. Св. Августин и августинизм. М., 1998.

³ Столяров А. А. Свобода воли как проблема европейского морального сознания. М., 1999.

⁴ Жильсон Э. Философ и теология. — М., 1995.

⁵ Гайденко В. П., Смирнов Г. А. Западноевропейская наука в средние века. — М.: Наука, 1989.

⁶ Лосев А. Ф. Зарождение номиналистической диалектики средневековья: Эригена и Абеляр // Историко-философский ежегодник '88. — М., 1988. — С.57-71.

³ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 61 б.

руҳиятларида турли хил илмлар орттиришга интиладилар ва унга эришадилар ҳам”¹ дейди.

Абу Райҳон Беруний эса юксак ақл–заковат, ҳар қандай нарсага танқидий нуқтаи назардан ёндашиш, ҳақиқатни фақат тажрибалар, тадқиқотлар олиб бориш йўли билан аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди. Шунингдек, аллома илоҳий ҳақиқат яъни Худо ҳақида гапириб “Азалдан унда олимлик бор. Ҳеч бир вақт билимсиз бўлган эмас. Унинг зоти–олим. У, аввал илмсиз бўлиб, кейин илм ўрганган зот эмас”,²– деб ёзади. Дарҳақиқат, Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида билишнинг турли масалаларига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг бу ҳақдаги ғоялари бизгача етиб келганлиги эса эътиборга моликдир.

Инглиз олими Ф.Бекон ҳақиқатни ўзига хос эпистемологик жиҳати ҳақида тўхталиб ўтади. Шунингдек, у ҳақиқатни билишдаги тўсиқларни бирма–бир санаб ўтади. Унинг фикрича, ҳақиқатни топиш йўлида тўртта тўсиқ бор: ҳеч нарса асослаб беролмаган, нолайиқ равишда обрў орттирган шахслар олдида бўйин эгиш, машҳур бўлиб кетган фикрларга узоқ муддат одатланиб қолиш, оломоннинг асосланмаган ҳукми ва ниҳоят олимлар томонидан ёлғон донишмандлик ниқоби остида ўз жоҳилликларини яширишларидир³. Мазкур ҳолатни Ф.Бекон жоҳиллик билан қиёслайди. Ва унга қарши “Билим–кучдир”⁴ деган ғояни илгари суради. Шунинг учун ҳам у “Жоҳилликдан ҳам кўра кўпроқ хавfli нарса йўқ... Жоҳиллик зулматини кувувчи донишмандликни ўрганишдан ҳам кўра лойиқроқ ҳеч нарса йўқдир, бутун дунёнинг фаровонлиги ана шунга боғлиқдир”⁵ деб ёзади.

И.Кант эса “Илоҳий ҳақиқатнинг мавжудлиги “ақл билан тушуниб етиладиган” дунёга ишониш билан тушунтирилади. Унинг борлиги назарий

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 67 б.

² Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон.//Танланган асарлар. II–жилд.–Т.: Фан, 1965. –Б.39.

³ Нарский И. С. // Бэкон Ф. Соч.: В 2 т. Т. 2. М., 1978. С. 521.

⁴ Субботин А. Л. Фрэнсис Бэкон. М.: Мысль, 1974.-175 с.

⁵ История философии. Москва 1941. Том–1, стр–473.

исбот қилинадиган ҳақиқат эмас, аммо ҳақиқатлиги аён бўлмаса ҳам исботсиз асос қилиб олинадиган зарурий қоида ёки “амалий” ақлнинг талабидир”¹ деб ёзади. Гегел эса “Ҳақиқат ўзида, ўзининг бирлигида турли туманликни, жумладан, воқеъликнинг қарама–қарши томонларини ҳам сиғдира олсагина ҳақиқат бўла олади”² деб ҳисоблайди. Шу маънода Гегел “Мажхул ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳамма вақт муайян”³, - деган хулосага келади.

Ҳозирги эпистемологик қарашлар ривожига эътибор берадиган бўлсак, мазкур соҳадаги ўзгаришлар асосан ўрта асрлардан бошлаб яхлит тизимга солинганлигига ҳамда шу давр билиш ва билим масаласида кескин бурилиш бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, XVII асрдан бошлаб онтологиянинг эпистемология устидан ҳукумролиги масаласи шубҳа остига олина бошланган. Ва, оқибатда борлиқ эмас, балки, билиш ҳақидаги таълимот бошланғич фалсафий билим сифатида кўрила бошланган. Шунинг учун ҳам бу давр кейинроқ, гносеологик қарашлар ривожига катта таъсир кўрсатган янги давр фалсафасига қиёсланган. Бундай билиш ва билим муносабатлари моҳиятини тушунишда Декарт - “Ақлни бошқариш қоидалари”, Локкнинг “Инсоний онг ҳақида тажриба”, “Инсон онги ҳақида янги тажриба”, Лейбницга тегишли, Берклининг “Одамзот билими бошланишининг талқини”, Юмнинг “Инсон табиати ҳақида талқин”, Кантнинг “Соф ақл танқиди” ва бошқа шу каби файласуфларнинг асарлари муҳим манба ҳисобланган. Шу ўринда қизиқ бир савол туғулади. Нима учун бу илғор файласуфлар нега аждодларига ўхшаб Худо, коинот ҳақида эмас балки, одамзот ақли ва одам табиати ҳақида баҳамжихатликда ўйлай бошлади экан?. Бизнингча, уларни оддий, аммо узоққа олиб борувчи рационал фаолият ва ғоя бошқарган. Чунки, инсоннинг ақлий қобилияти ва тафаккур инерцияси

¹ Иммануил Кант. Критика чистого разума. — М., 1994, 574 с.

² Ильин И. А. Философия Гегеля как учение о конкретности Бога и человека. — СПб., 1994. — 542 с.

³ Гайм Рудольф. Гегель и его время. Лекции о первоначальном возникновении, развитии, сущности и достоинстве философии Гегеля. Перевод с немецкого П. Л. Соляникова. — СПб., 2006. — 392 с.

чексиз ва ранг-баранглиги билан бошқа мавжудотлардан алоҳида ажралиб туради. Шу маънода, инсон ўзидаги бундай ранг-барангликни билишга вақти ҳам, кучи ҳам етмайди. Бироқ оламни билишда одамлар қўллайдиган қурол - инсоний ҳис-туйғу ҳам ақлий билишда деярли бир хил маъно – мазмунга эга. Шу маънода, эпистемолгия гносеологиядан билиш муаммосини инсондан бошлаш оддийроқ ва мақсадга мувофиқ эканлигини ва билиш имкониятлари, чегараларини ҳам у билан боғлаш лозимлигини таъкидлаши билан кескин фарқ қиладиган ғоялари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Яъни эпистемология бу масалада субъектнинг билими ва унинг ақлий қобилиятига кўпроқ эътибор бериб, унинг фаолиятига оид интерсубъективликни ёқлайди.

Гносеологиядан фарқли равишда эпистемологик билим доирасида ҳақиқатга олиб боришнинг икки йўли бор. Буларнинг биринчиси, скептик эпистемология тарафдорлари танлаган йўл бўлса, иккинчиси эса радикал гумондан бошлашни таклиф қилган йўл. Шунинг учун ҳам агар бирор нарсани аниқ билишимизни исботламасак, унинг мавжудлигини таъкидлашнинг, у иллюзия ёки фантазия эмаслигини айтиш керак бўлмай қолади.

XIX асрнинг 2-ярми – XX асрнинг бошларида фанни фақат эпистемологик зарурият қизиқтиради деган фикрни У. Уэвелл, П. Дюкгем ва ҳоказолар ёқлаган. Шундай қилиб, У .Уэвелл : “Аввалги ҳақиқатлар рад этилмайди балки ҳазм қилинади, инкор қилинмайди балки кенгайтирилади ; ва ҳар бир фан тарихи, қайсики шундай қилиб инқилоблар алмашинувидек, кўринса, ҳақиқатда тараққиётлар қаторидир”.¹ Дюкгем тахминича, фан яланғоч жойдан бошланмайди. Кўп ҳолларда, янги илмий ғоя ўз ажодларига эга бўлади. Фандаги ҳар бир ютуқ аста-секин келади, бу ютуқларни озроқ ўзгартирса бўлади, аммо мутлақо инкор қилиб бўлмайди. Унинг фикрича, назарий тизим ривожидида аста-секинлик билан ўзгаришлар бўлади. “Биронта ҳам кутилмаган ва ҳеч қандай асосланмайдиган гипотезалар туғилиш

¹ Уэвелл. В.История индуктивных наук от древнейшего и настоящего времени. Т.1. Спб.,1867, С. 10

моменти бўлмайди”¹. Бироқ эпистемологик зарурият натижаси сифатида келиб чиққан кашфиётлар билан бир қаторда тасодиф билан қилинганлари ҳам бор. Кўп кашфиётлар уларгача мавжуд назария ёки гипотезаларга таянмаган. Айниқса бу “вақтидан илгари” илмий кашфиётларга тааллуқли. Улар бу турдаги концепциялар билан тушунтирилмайди.

Ҳозирда Г. Буттерфильд, Т.Кун, Ж.Моно ва бошқалар томонидан фан ривожига режалаштирилган, анланган, зарур, мантиқий операциялар оқибати, ғоялар, назариялар, қаттиқ муҳокамалар оқибати нуқтаи-назари билан қаралмоқда ва ривожлантирилмоқда. Хусусан, Кун фикрича, фан ривожидаврий илдизли трансформация ва илғор тасаввурлар алмашинуви орқали, яъни мудом рўй берувчи илмий инқилоблар, эски парадигмаларнинг янгилар билан алмашинуви орқали, қайсики ўзига нафақат назариялар, балки фанда ҳаракат усулларини ўз ичига олувчи парадигмалар орқали рўй беради.

² Аммо бу ривожланиш олдин билган нарсаларнинг аста-аста давомий ўсиши билан юзага келади. И.Лакатос шунингдек, “илмий инқилоблар, бир тадқиқот программаси бошқасини суриб чиқаришидан иборат”³.

Ж.Моно таъкидлашича, илмий кашфиёт жараёни доимо назарий мулоҳаза ва таҳлилни ўз ичига олади, кейин фактнинг эксперименти ёки муҳокамаси келади⁴. Эпистемология эса фақат назарий ёки экспериментал мулоҳазаларгагина эмас, балки, ижтимоий – маданий ва хатто диний ғояларнинг конструктив жиҳатларини ҳам ўзлаштиришга ундайди. Бундан кўринадики, эпистемология гносеологиядан фарқли равишда янгича тафаккур қилиш ва инсон билимининг кенг имкониятларини очиб беришда фундаментал аҳамият касб этади. Бу маънода, эпистемология ўзида катта ижодий потенциални қамраб олган таълим сифатида ҳам намоён бўлади.

¹ Дюкгем П. Физическая теория, ее цель и строение. Спб. 1910.С. 301

² Кун. Т. Структура научных революций. М., 1957 С. 78, 94, 95

³ Лакатос. И. История науки и ее рациональные реконструкции. –Структура и развития науки. М., 197, С. 216-217

⁴ Monool J. The Analisis of Scientific Method and Logic of Scientific discovery/ The Creative Process in Science and Medicine. N.Y. 1975. P. 4

Хулоса қилиб айтганда, эпистемология классик рационализмдаги билиш ва билимлар тараққиёти бизни билим ва тафаккурларимиз ва ҳаракатларимизни онгли ва онгсиз йўналтиришган анаънавий механизмлар ортиқ тўғри келмаслигини исботлаб бермоқда. Ва, улар бизнинг нафақат илмий фаолиятимизда, балки, кундалик тажрибамиз доирасида ҳам ўзини вазифасини бажариб бўлган билимларни танқид қилиш асосида янги билимларга зарурат сезилаётганлигини кўрсатиб бермоқда. Шунингдек, анаънавий билиш ва билим муносабатларига янгича маъно – мазмун баҳш этувчи ноанаънавий билимларнинг тадрижий хусусиятига эътибор бериш кераклигини турли даражадаги илмий далиллар орқали исботламоқда.

1.2. Эпистемологиянинг тарихий-назарий асослари

Ҳозиргача бўлган эпистемологик қарашларнинг тарихий ривожига эътибор берадиган бўлсак, мазкур соҳадаги ўзгаришлар асосан Европада ўрта асрлардан бошлаб яхлит тизимга солинганлигига ҳамда шу даврда билиш ва билим масаласида кескин бурилиш бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, XVII асрдан бошлаб онтологиянинг гносеология устидан ҳукумролиги масаласи шубҳа остига олиниб, оқибатда борлиқ эмас, балки, билиш ҳақидаги таълимот бошланғич фалсафий билим сифатида кўрила бошланди. Шунинг учун ҳам бу давр кейинроқ, гносеологик қарашлар ривожига катта таъсир кўрсатган янги давр фалсафасига қиёсланган. Бундай билиш ва билим муносабатлари моҳиятини тушунишда Декартнинг -“Ақлни бошқариш қоидалари”, Локкнинг “Инсоний онг ҳақида тажриба”, “Инсон онги ҳақида янги тажриба”, Лейбницга тегишли, Берклининг “Одамзот билими бошланишининг талқини”, Юмнинг “Инсон табиати ҳақида талқин”, Кантнинг “Соф ақл танқиди” ва бошқа шу каби файласуфларнинг асарлари муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда қизиқ бир савол туғулади. Нима учун бу илғор файласуфлар нега аждодларига ўхшаб Худо, коинот ҳақида эмас балки, одамзот ақли ва одам табиати ҳақида баҳамжихатликда ўйлай

бошлади? Бизнингча, уларни оддий, аммо узоққа олиб борувчи рационал фаолият ва ғоя бошқарган. Чунки, инсоннинг ақлий қобилияти ва тафаккур инерцияси чексиз ва ранг-баранглиги билан бошқа мавжудотлардан алоҳида ажралиб туради. Шу маънода, инсон ўзидаги бундай ранг-барангликни билишга вақти ҳам, кучи ҳам етмайди. Бироқ, оламни билишда одамлар кўллайдиган қурол - инсоний ҳис-туйғу ҳам ақлий билишда деярли бир хил маъно – мазмунга эга. Шу маънода, эпистемология гносеологиядан билиш муаммосини инсондан бошлаш оддийроқ ва мақсадга мувофиқ эканлигини ва билиш имкониятлари, чегараларини ҳам у билан боғлаш лозимлигини таъкидлаши билан кескин фарқ қиладиган ғоялари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Яъни, эпистемология бу масалада субъектнинг билими ва унинг ақлий қобилиятига кўпроқ эътибор бериб, унинг фаолиятига оид интересубъективликни ёқлайди. Гносеологиядан фарқли равишда эпистемологик билим доирасида ҳақиқатга олиб боришнинг икки йўли бор дейиш мумкин. Буларнинг биринчиси, скептик эпистемология тарафдорлари танлаган йўл бўлса, иккинчиси эса радикал гумондан бошлашни таклиф қилган йўл. Шунинг учун ҳам агар бирор нарсани аниқ билишимизни исботламасак, унинг мавжудлигини таъкидлашнинг, у иллюзия ёки фантазия эмаслигини айтиш керак бўлмай қолади.

XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида фанни фақат эпистемологик зарурият кизиқтиради деган фикрни У. Уэвелл, П. Дюкгем ва ҳоказолар ёқлаган. Шундай қилиб, У. Уэвелл “Аввалги ҳақиқатлар рад этилмайди балки ҳазм қилинади, инкор қилинмайди балки кенгайтирилади ва ҳар бир фан тарихи инқилоблар алмашинувидек кўринса ҳам, ҳақиқатда тараққиётлар гаровидир¹” дейди. Дюкгем назарида фан яланғоч жойдан бошланмайди. Балки, кўп ҳолларда, янги илмий ғоя ўз тарихий асосларига эга бўлади. Фандаги ҳар бир ютуқ аста-секин келади, бу ютуқларни озроқ ўзгартирса бўлади, аммо мутлақо инкор қилиб бўлмайди. Унинг фикрича, назарий тизим

¹ Қаранг. Уэвелл. В.История индуктивных наук от древнейшего и настоящего времени. Т.1. Спб.,1867, С. 10

ривожиди аста-секинлик билан ўзгаришлар бўлади. “Биронта ҳам кутилмаган ва ҳеч қандай асосланмайдиган гипотезалар туғилиш momenti бўлмайди”.¹ Бироқ эпистемологик зарурият натижаси сифатида келиб чиққан кашфиётлар билан бир қаторда тасодиф билан қилинганлари ҳам бор. Кўп кашфиётлар уларгача мавжуд назария ёки гипотезаларга таянмаган. Айниқса бу “вақтидан илгари” юз берган илмий кашфиётларга тааллуқли. Улар бу турдаги концепциялар билан тушунтирилмайди.

Ҳозирда Г. Буттерфильд, Т.Кун, Ж.Моно ва бошқалар томонидан фан ривожига режалаштирилган, анланган, зарур, мантиқий операциялар, ғоялар, назариялар, қаттиқ муҳокамалар нуқтаи-назари билан қаралмоқда ва ривожлантирилмоқда. Хусусан, Кун фикрича, фан ривожиди даврий илдишли трансформация ва илғор тасаввурлар алмашинуви орқали, яъни, мудом рўй берувчи илмий инқилоблар, эски парадигмаларнинг янгилари билан алмашинуви орқали, шунингдек, нафақат назариялар, балки фанда ҳаракат усуллари ўз ичига олувчи парадигмалар орқали рўй беради.² Аммо бу ривожланиш, олдин маълум бўлган нарсаларнинг аста-аста давомий ўсиши билан юзага келади. Шу маънода, И.Лакатос “илмий инқилоблар бир тадқиқот программасининг бошқасини суриб чиқаришидан иборат”³, деган эди. Ж.Мононинг таъкидлашича, илмий кашфиёт жараёни доимо назарий мулоҳаза ва таҳлилни ўз ичига олади, кейин фактнинг эксперименти ёки муҳокамаси келади⁴. Эпистемология эса фақат назарий ёки экспериментал мулоҳазаларгагина эмас, балки, ижтимоий – маданий ва ҳатто диний ғояларнинг конструктив жиҳатларини ҳам ўзлаштиришга ундайди. Бундан кўринадики, эпистемология гносеологиядан фарқли равишда янгича тафаккур қилиш ва инсон билимининг кенг имкониятларини очиб беришда

¹ Қаранг. Дюкгем П. Физическая теория, ее цель и строение. Спб. 1910.С. 301

² Қаранг. Кун. Т. Структура научных революций. М., 1957 С. 78, 94, 95

³ Қаранг. Лакатос. И. История науки и ее рациональные реконструкции. –Структура и развития науки. М., 197, С. 216-217

⁴ Қаранг. Monool J. The Analisis of Scientific Method and Logic of Scientific discovery/ The Creative Process in Science and Medicine. N.Y. 1975. P. 4

фундаментал аҳамият касб этади. Бу маънода, эпистемология ўзида катта ижодий салоҳиятни қамраб олган таълимот сифатида ҳам намоён бўлади. Умуман олганда, билимларимиз мустаҳкамликка қурилиши керакки, шундагина у ишончли ва хатосиз бўлади. Қолаверса, билиш назариясининг эътиборли мавқеида туради.

Эпистемологиянинг фалсафий-эмпирик мазмунига эътибор қиладиган бўлсак, анъанавий табиат оламининг ўзига хос ички моҳиятини англаймиз. Бу ерда эмпиризмнинг бош принципи ўзини намоён қилади, бизнинг ҳамма билимларимиз ўзимизнинг ҳис-туйғуларимиз ҳосиласи бўлади. Фақат муҳокама қилиш ва сезги аъзолари билан ҳам бевосита тасвирлаш мумкин. Аксинча, ҳамма қолган муҳокама қилиниши керак бўлган ишлар далиллашга мухтож бўлади ва уларни фақат муҳокамали ҳис қилиш усулидан олиш мумкин бўлади. Шунингдек, эпистемологиянинг яна бир муҳим икки жиҳати ҳақида гапирадиган бўлсак, эпистемологиянинг алоҳида эътиборли жиҳати борки, билим, ғоялар тушунарли бўлган муайян ҳолатга таянади. Айнан мана шунга кўра, у биринчи бўлиб, фундамент бўлиши мумкин ва иккинчиси эса ундаги ишончлилик ва ҳақиқийлик тамойиллари қолган барча билимларга етарлича асос бўлиши мумкин. Шунингдек, у бизнинг тасаввур қилишимиз ва бизда табиат олами тўғрисида қатъий ишонч уйғотиши, тарихимиз ва келажагимиз ҳақида бошқаларнинг муносабатини ҳам кўрсатиб бериши зарур. Шу маънода, илғор илмий билишда эпистемологик методологиянинг ўз ўрни ва аҳамиятига эга¹. У нормалар, «рецептлар» ва усулларнинг қатъий, бир маъноли йиғиндиси шаклида эмас, балки инсон фаолиятининг умумий тамойиллари, қоидалари, шунингдек, инсон яхлит тафаккурининг эпистемологик ва мослашувчан тизими сифатида реал фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам фаолиятнинг умумий вазифасини ишлаб чиқиш, объектив воқелик мавжудлигининг умумий қонунларига мумкин қадар тўла мувофиқ

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Кохановский В.П. Диалектико-материалистический метод.—Ростов н/Д, 1992; Шу муаллиф. Нужна ли диалектика современной науке? // Научная мысль Кавказа. 1998. №2. -С 48-60.

бўлган категориал шаклларни ривожлантириш эпистемологик методологиянинг муҳим вазифасидир. Аммо бундай шаклларнинг ҳаммаси ҳам объектив воқеликни айнан акс эттиравермайди ва ўз-ўзидан методологик тамойилга айланавермайди. Методологик тамойилга айланиш учун эпистемологиянинг умумий қоидалари реал дунёни билиш ва ўзгартиришда субъектнинг ҳаракат усуллари (бошқа даражадаги қоидалар билан муштаракликда) белгилайдиган норматив талаблар, ўзига хос кўрсатмалар шаклига кириши лозим. Эпистемологик-мантиқий тамойилларнинг, умуман, барча ижтимоий нормаларнинг объектив белгиланганлиги улардан келгусида билиш ва воқеликни амалий ўзлаштириш воситаси сифатида субъектив фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Табиийки, эпистемологик методни фикрлаш тарзи олдиндан ўлчанган ва қафолатланган универсал мантиқий схемаларга боғлаш мумкин эмас. Аммо, олимларни «ривожланиш», «қарама-қаршилик», «сабабият» сингари тушунчаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг асосида таърифланган регулятив тамойиллар қизиқтиради. Бунда улар мазкур тамойиллар реал илмий тадқиқотни амалга оширишга қандай ёрдам бериши мумкинлигини, тегишли предмет соҳасини мувофиқ тарзда тушуниш ва ҳақиқатнинг тагига етишга улар қандай кўмаклашиши мумкинлигини аниқ билишни истайдилар. Шунинг учун ҳам олимларнинг амалий фалсафани умумий эпистемологик тамойиллар билан маълум фандаги муайян вазифаларни ҳал қилишнинг методологик тажрибаси ўртасидаги ўзига хос кўприкни яратишга чақириқлари ҳозиргача янграб келмоқда.

Юқорида айтилганларни эпистемологик методнинг айрим муҳим тамойиллари мисолида исботлашга ҳаракат қиламиз:

1. Объективлик – воқеликни унинг реал қонуниятлари ва умумий шаклларида эътироф этишга асосланган фалсафий, эпистемологик тамойил. Мазкур тамойилнинг асосий мазмунини қуйидаги талаблар шаклида ифода этиш мумкин:

- унинг бутун ҳажми ва ривожланишида ҳиссий-предмет фаолияти (амалиёт)дан келиб чиқиш;
- билиш субъекти ва ҳаракатнинг фаол ролини англаб етиш ҳамда рўёбга чиқариш;
- фактларнинг йиғиндисидан келиб чиқиш ва нарсалар мантиғини тушунчалар мантиғида ифодалай олиш;
- предметнинг барча шаклий ўзгаришлари негизи сифатида унинг ички бирлиги (субстанцияси)ни аниқлаш;
- мазкур предметга мувофиқ бўлган методлар тизимини тўғри танлаш ва уни онгли равишда, изчил амалга ошириш;
- предметни тегишли ижтимоий-маданий нуқтаи назардан, маълум дунёқарашлар доирасида кўриб чиқиш;
- барча жараёнлар ва ҳодисаларга конструктив-танқидий ёндашиш ҳамда мазкур предметнинг мантиғига қараб иш тутиш.

2. Ҳар томонламалилик – воқеликнинг барча ҳодисалари ўртасидаги умумий алоқани ифода этувчи билиш ва бошқа фаолият шаклларидаги фалсафий, эпистемологик тамойили. У қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

- тадқиқот предметини ажратиш ва унинг чегараларини белгилаш;
- уни яхлит, «кўп жиҳатли» кўриб чиқиш;
- предметнинг ҳар бир томонини соф шаклда ўрганиш;
- кенг ва чуқур жараён – билишни унинг интенсив ҳамда экстенсив томонлари бирлигида амалга ошириш;
- предметнинг моҳиятини, бош жиҳатини, унинг субстанционал хоссасини ажратиш.
- ҳар томонламалилик муайянлик ва тизимлилик тамойиллари умумилмий тамойил билан узвий боғлиқ.

3. Муайянлик – нарсани ёки ўзаро боғланган нарсалар тизимини ўзининг барча томон ва алоқалари мажмуида ифода этувчи фалсафий категория сифатида билимни муайян ҳиссий тарзда (эмпирик босқичда) ёки муайян фикрий тарзда (назарий босқичда) акс эттиради. Мазкур категория негизида муайянлик эпистемологик тамойили юзага келади. У бир қанча талабларни ўз ичига олади:

- айти ҳодисани унинг субстанционал белгисидан (бош, муҳим жиҳатидан) «ажратиш» ва уни эпистемологик тарзда қисмларга ажратилган бутун ҳодиса сифатида акс эттириш;
- умумийнинг хусусийда, моҳиятнинг ҳодисаларда, қонуннинг қонун модификацияларида акс этишини кузатиш;
- жой, вақтнинг турли-туман шартларини ҳамда мазкур предметнинг борлигини ўзгартирувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш;
- умумий ва хусусийнинг махсус механизмини аниқлаш;
- мазкур предметни у қайси тизимнинг унсури бўлса, ўша тизим таркибида кўриб чиқиш;
- ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак сингари ҳолатлар (вақт босқичлари)нинг яхлит узлуксиз бирлиги шаклида вақт ўқи бўйлаб йўналган воқеликнинг билим тарзида ўз-ўзини ривожлантиришини методологик тарзда ифода этувчи фалсафий тамойил сифатида муҳим жиҳатларни ҳисобга олиш.

Мазкур тамойил қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

- тадқиқот предметининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;
- ўтмишни тиклаш–генезисни, унинг вужудга келишини ҳамда тарихий ҳаракатининг асосий босқичларини кўриб чиқиш;
- келажакни башорат қилиш, предметнинг бундан буён ривожланиши тенденцияларини прогноз қилиш.

Реал қарама-қаршиликларни акс эттирувчи тафаккурдаги қарама-қаршиликни фикрнинг чалкашлиги ва ноизчиллигини ифода этувчи ҳамда формал мантиқ қонунлари билан тақиқланган «мантиқий» қарама-қаршиликлардан фарқлаш лозим. Эпистемологик тамойиллар нотўғри амалга оширилган ҳамда қўлланилган тақдирда уларнинг кўп сонли талаблари бажарилмаслиги, бинобарин, ҳақиқат йўлидан чалғиш ва янглишишлар содир бўлиши мумкин. Объективизм ва субъективизм, бирёқламалик ёки предметнинг тасодифан ажратиб олинган жиҳатларини субъектив бирлаштириш, унинг моҳиятига зид иш тутиш ёки уни иккинчи даражали, номухим жиҳатларга алмаштириш, жой, вақт ва бошқа белгиланган шартларни эътиборга олмасдан предметга абстракт ёндашиш, уни нотанқидий кўриб чиқиш, ўтмишни модернизация ёки архаизация қилиш, предметнинг вужудга келиш шартларини унинг ўзи билан айнийлаштириш (аралаштириш), қарама-қаршиликни бартараф этишни унинг жиҳатларини «мўътадиллаштириш» деб тушуниш шулар жумласидандир.

Эпистемология ва ноклассик эпистемологияни бир-биридан ажратишда, одатда, эпистемологиянинг амалий аҳамиятга эгалиги, фалсафада эса амалиёт йўқлигини эътироф қилиш лозим. Шу маънода, фалсафадаги мулоҳазалар эса амалий аҳамиятга эга эмас, фойдасиз ва баъзида, ҳаттоки зарарли ҳам деб тушунилади. Бу маънода Ф.Франкнинг фалсафа ҳам амалий мақсадларга хизмат қилади, деган эътирозини эслаш муҳимдир. Эпистемология физик ва химик қурилмаларнинг илмий методларини яратишга хизмат қилувчи билимларнинг муайян структурасини яратса, фалсафа инсон хулқини йўналтиришга ёрдам берувчи методларни яратади. Натижада, у ўз амалий мақсадига эпистемологиянинг ўзидан ҳам илгарироқ тўғри йўл билан келади. Кўп олимлар бундай парадоксал вазиятни фалсафа энг умумий тамойиллар ва соф ақл тажрибалари ўртасида яқин мос келишликни талаб қилади, деб изоҳлайди. Эпистемология кундалик тушунишдан узоқлашиб, ўзининг умумий тамойилларини ифодаланишида

назарий соҳага тобора чуқурлашиб боради. Классик механика қонунларининг дефиницияларини ёки Коперникнинг гелиоцентрик системаси ва шу кабиларни эслайлик. Эпистемологиянинг ютуғи соф ақл дунёсининг мавҳум тимсоллар дунёси билан алмашинувидадир, олим учун кундалик тилдан воз кечиш мавҳум тимсоллар тилидан фойдалана олиш ва уларни ягона тизим билан боғлаш фавқулотда муҳим ҳисобланади. Демак, фалсафа ўзидаги трансцендентликка қарамасдан эпистемологияга нисбатан кундалик соф ақлга яқинроқ туради.

Эпистемология ва фалсафанинг демаркацияга (ажратишга) интилиши эпистемологияни экзистенциал тушунчалардан, мафкуравий қатламлардан, иррационал мифлардан, квазиилмий ҳодисалардан халос қилишга қаратилган. Айни пайтда эпистемология мезонларидан бири амалий текширув (верификация) унинг ҳали етарли эмаслигидан, бу айнан шу назарияни тасдиқловчи далиллар билан учрашиши мумкинлигидан далолат беради. Амалий билим назариянинг ҳақиқийлигига тўла ишонтира олмайди, зеро назарияга зид биргина далилнинг ўзи уни инкор қилишга, фальсификациялашга имкон беради. Анъанавий мисол сифатида биологлар Австралияда қора оққушларни кўрмагунларича ҳамма оққушларни оқ деб ҳисоблаганлар. К.Поппер илмийлик мезони сифатида назарияни қатъий инкор қилишни, яъни, уни фальсификациялашни таклиф қилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий техника инқилоби шароитида эпистемологиянинг ижтимоий, маданий функциялари ва мақомини англаш эҳтиёжига жавоб сифатида янги постнолассик эпистемология бўлди. Дарҳақиқат, эпистемология муаммолари ҳар доим файласуф ва методологларнинг диққатини тортган. У ривожланар экан, фалсафа бир аср илгари «билимлар фалсафаси» деб ном олган янги махсус йўналиш сифатида шаклланди. Шу маънода, фалсафа ва эпистемология позитивизм чегарасида, эпистемологиянинг метафизика мақомидан воз кечган шароитига мос келади ва ўзида табиат ҳақидаги илмий қарашларни физика контекстида

муассамлаштиради. Муаммонинг бундай қўйилиши позитивизмнинг пайдо бўлгани каби асосиз эмас. Билимнинг бошқа соҳалари – математика, кимё, биология ва албатта, физикадаги улкан ютуқлар эпистемологияни янада долзарб эканлигини кўрсатади. Фалсафанинг ўзи мукамал тизим сифатида талқин қилинган ва айнан шу маънода кенг тарқалган бўлсада, фалсафа ва эпистемологиянинг ўзаро муносабатлари ҳозирги замон файласуфлари учун долзарб муаммо ҳисобланади. Масалан, Р.Рорти ноклассик эпистемологиянинг классик эпистемологиядан аста-секинлик билан ажралишини эпистемологиянинг негизини ташкил қилувчи билиш назариясининг алоҳида мақомга эга бўлиши билан изоҳлайди. Бундай фикр тарихий фалсафий анъанага ижобий ёндашиш билан мустаҳкамланади. Кант томонидан бизнинг билимларимиз имконияти қандай бўлиши мумкин, деб қўйган саволи Оврўпа фалсафасидаги рационализмнинг ривожланиш дастури бўлди дейиш мумкин.

Тарихий кетма-кетликда фалсафа ва эпистемологиянинг ўзаро муносабатининг таҳлилини қуйидагича кўриш мумкин:

- Эпистемология фалсафадан ажралиб чиқди.
- Фалсафа ўзида «соф ақлнинг манбаи» функциясини сақлашга ҳаракат қилиб, асосий назарий билиш ва методологик муаммони яратди ва уни барча йўналишларда қўллади.
- ҳозирги замон фалсафаси эпистемология негизида пайдо бўлди.

Эпистемология ўзида ижтимоий аҳамиятли натижа мезонларини ўз натижалари сифатида сақламайди. Бу эса унинг натижалари инсоният учун ҳам зарар ва ҳам фойда сифатида қўлланилиши мумкин. Натижада, эпистемология ютуқларидаги салбий оқибатлар юзасидаги мулоҳазалар эпистемологияга эмас, фалсафага тааллуқли бўлиб қолади. Айнан эпистемологиянинг антропологик ўлчови бир бутунлик сифатида эпистемологиянинг инсоният олдидаги масъулияти нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши керак. Демак, эпистемология(илмий билим) ютуқлари жамиятда

назоратсиз қолмайди ва улар тўсатдан намоён бўла олмайди. «Homo sapiens» инсон зотининг мавжудлигига хавф солиниши билан боғлиқ энг янги илмий технологик ишланмаларнинг салбий оқибатларини бартараф қилишнинг зарурлигига таянувчи назорат функциялари эпистемология чегарасидан чиқади. Бироқ уни амалга ошириш фақат фалсафанинг зиммасида бўла олмайди. Бунда эпистемология бевосита ҳуқуқий мафкуравий давлат институтларининг ижтимоий фикри ёрдамига муҳтож. Эпистемологиянинг ижобий вазифаси шундаки, гуманистик (инсонпарварлик) характердаги илмий тадқиқот натижаларининг йиғиндисини баҳоловчи «ҳакам» вазифасини бажарар экан, у илмий тадқиқотлар тараққиётнинг мантиғига мос равишда ривожланиб, ахлоқий дунёқарашли муаммолар типини яратади.

Эпистемологиядаги туб ўзгаришлар доимо унинг фалсафий асосларини янада чуқурлашуви билан боғлиқ. Кимки ҳозирги замон эпистемологияси ҳақида қониқарли тушунчага эга бўлишни хоҳласа, яхши фалсафий тафаккурга эга бўлиши кераклигига ишонадилар. Фалсафа ўз доирасидан хусусий ва махсус эпистемологик муаммоларини чиқариб ташласа-да, унда инсониятнинг барча маънавий билим тажрибалари мужассамлашади. У дунёни ҳис қилишнинг ижтимоий ва шахсий томонларини, инсон ҳаёти тажрибаларининг хусусий билимлар қизиқтирмайдиган алоҳида турларини англайди. Бироқ, ўз предметига кўра, автономлашган ва иерархиялаштирилган баъзи алоҳида билимлардан фарқли ўлароқ, фалсафа уларнинг ҳар бири билан кесишув чегарасига эга. Бу «табиатшуносликнинг фалсафий муаммолари» деб ном олган соҳа бўлиб, унда фалсафа учун табиатшунослик эпистемологиясининг муҳим ва катта аҳамияти таъкидланади. Моҳиятига кўра, у фундаментал илмий кашфиётларга на ижобий, на салбий таъсир қилмаса-да, уларга фалсафий билим нуктаи назаридан ёрдам беради. Зеро, табиатшунослик ва гуманитар эпистемологиядаги ҳар бир кашфиёт билан фалсафа ўз шаклини ўзгартиради. Дарҳақиқат, эпистемология тараққиёти ривожланар экан, бир вақтнинг ўзида

фалсафа ҳам ривожланади, яъни у эпистемологиядаги ўзгариш билан ўзидаги ўзгаришни мувофиқлаштиради. Эпистемология ҳақидаги фалсафада табиий ва техник билимнинг ўзаро узлуксиз боғлиқлиги ва уларнинг оламдаги фундаментал физик воқеаларни тушунишга ёрдам бериши эътироф қилинади.

Эпистемологиянинг иккиёқламали вазифаси мулоҳаза юритадиган бўлсак, дунёнинг илмий образига ўз-ўзидан идентификациялашга интилиш, илмий хулосалардаги яқдиллик ва қандайдир янги нарсани билишга йўналганлиги фалсафа ва эпистемология орасида ажралиш содир бўлгандагина янада ёрқинроқ намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Шунда уни қандайдир бир тафаккур тизими воситасида эгаллаш мумкин эмаслиги аниқланади. Кўпчилик, эпистемология фақат техник билим беради ва шунинг учун у техникавий кадрга эга, деб ҳисоблайди. Оламни чуқур ўрганиш ва англаш учун эпистемология яратган қонун, тамойилларнинг муҳимлигини тушунтира оладиган, айти пайтда аниқ амалий билим бера олмайдиган фалсафа зарур. Айнан мана шунинг ўзи эпистемология ва фалсафанинг ажралишини кўрсатадиган стандарт усулдир. Бироқ, фалсафа ва эпистемологиядаги ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғлиқлик борлигига шак-шубҳа йўқ. Фалсафанинг «ҳозирги замон илмий манзараси ва унинг эволюцияси» деб ном олган таркибий қисми, фалсафа ва эпистемологияни бир-биридан ажратувчи ҳамда боғловчи кичик бир бўғиндир. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, ҳозирги замон фалсафаси эпистемологиянинг ютуқларини ўзида акс эттиради ва уларни фалсафий талқин қилади. Эпистемология ва фалсафанинг ўзаро таъсир нуқталарини ифодаловчи тезис, кўйидаги вазиятларни ҳисобга олган ҳолда асосланади: фалсафа оламни назарий англаш шакли сифатида намоён бўлади ва ўзида инсон тафаккури тарихини мужассамлаштирган категориал аппаратга таянади. «Методология» деб аталмиш қисмида, ҳозирги замон фалсафаси аниқ эпистемологик аппаратни англашни, тўлдиришни таклиф қилади. Шунингдек,

эпистемологиянинг назарий асослари муаммосини ва илмий билимнинг рақобатлашувчи моделларини ҳал қилади. Тадқиқотчилар янги илмий назарияларни илгари сурганда илмий билимга нисбатан фалсафанинг эвристик функциясини ажратадилар. Айнан фалсафий тадқиқотлар эпистемологиядаги ўз-ўзини англашни шакллантиради, ўзига тегишли имконият ва истиқболларини тушунишни ривожлантиради, унинг келгусидаги тараққиётига йўналтиради.

Хулоса қилиб айтганда, эпистемология классик рационализмдаги билиш ва билимлар тараққиёти бизни билим ва тафаккурларимиз ва ҳаракатларимизни онгли ва онгсиз йўналтиришган анаънавий механизмлар ортиқ тўғри келмаслигини исботлаб бермоқда. Ва, улар бизнинг нафақат илмий фаолиятимизда, балки, кундалик тажрибамиз доирасида ҳам ўзини вазифасини бажариб бўлган билимларни танқид қилиш асосида янги билимларга зарурат сезилаётганлигини кўрсатиб бермоқда. Шунингдек, анаънавий билиш ва билим муносабатларига янгича маъно – мазмун баҳш этувчи ноанаънавий билимларнинг тадрижий хусусиятига эътибор бериш кераклигини турли даражадаги илмий далиллар орқали исботламоқда.

1.3. Ғарб фалсафасида эпистемологиянинг намоён бўлиш шакллари

Билиш фалсафасига оид муаммолар доираси ҳар бир даврда ўзига хос маъно ва мазмун касб этиб борган. Хусусан, билиш фалсафасининг муҳим соҳаси ҳисобланган эпистемологиянинг тарихий ривожланиш босқичларини кўздан кечирадиган бўлсак, шарқ ва ғарб фалсафий тафаккури ривожига ўзига хос ўрин тутиб, аста секинлик билан бугунги замонавий кўринишигача бўлган мураккаб босқични босиб ўтганлигини кузатишимиз мумкин.

Маълумки, эпистемология билимнинг табиатини, ўзига хос хусусиятларини, унинг ишончлилиги масаласига оид фалсафанинг муайян

соҳаси сифатида ғарб фалсафий назариялари ишлаб чиқилишидан анча илгари шарқда юзага келган илк диний-фалсафий фикрлар билан бир қаторда шаклланган. Фикримизнинг исботи сифатида шуни қайд этиб ўтиш лозимки, авваламбор, билиш ва билим муаммоси нафақат шарқда, балки ғарбда ҳам диний билимлар негизда юзага келиб, кейинчалик мустақил ўрганиш соҳаси сифатида ажралиб чиққанлиги, уни ўз-ўзидан юзага келмаганлигини кўрсатади.¹ Масалан, инсоният тараққиётининг бешиги бўлган Ҳиндистонда илк илмий билимлар юзага келганлигини аксарият олимлар яқдиллик билан таъкидлайдилар. Хоссатан, эпистемологияга оид қарашларнинг илк куртакларини ҳам ”веда”ларга боғлайдилар². Ҳақиқатдан ҳам холис назар билан қарайдиган бўлсак ”Веда” деган номнинг ўзи ҳам қадимий санскрит тилида “сирли билим”, “билим” деган маъноларни англатади. Уни ҳозирги амалдаги замонавий тилларга таржима қилинганда ҳам “билим” сўзига маънодош сўзлар келиб чиқади. Шу маънода, эпистемологиянинг ҳам илк куртакларини Ведаларда кўриш мумкин. Масалан, Ведада ”видья” деган сўз учрайди. Бу сўз ведашунос олимларнинг фикрича, “илоҳий билим”, “маърифий билим” ёки “Мен” ҳақидаги билим”ни англатади³. Баъзи бир тадқиқотчилар ҳинд фалсафасида эпистемологияга оид эмас, балки гносеологияга доир қарашлар мавжуд деб ҳисоблайдилар⁴. Бизнинг фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Негаки, ҳинд фалсафасида учрайдиган билиш назариясига тегишли масалаларда айнан билиш жараёни ҳақидагина эмас, балки билим, билимнинг моҳияти ва билимнинг ҳақиқийлиги борасида ҳам анчагина салмоқли фикрларни учратиш мумкин. Худди шу масала юзасидан ведалар асосида махсус асар ёзган ҳинд олими Сай Бабанинг тушунтиришича, ведаларда билиш жараёнидан кўра, билим ва унинг ҳақиқийлиги муаммоси кўпроқ ёритилган. Унинг фикрича, “билимнинг олий

¹ Қаранг. Гуннар С, Нильс Г. История философии. М. 1999. 47.

² Бу ҳақда қаранг. История философия. 1-том. 1997. с-79-84.

³ Қаранг. Радхакришнан. Индийская философия. I-том. Санкт-Петербург, 1994, с 78.

⁴ Бу ҳақда қаранг. История философия. 1-том. 1997. с-107.

ва тубан даражага бўлиниши, ҳақиқий билим “видя” эканлиги, шунингдек, “ажняна” жаҳолат, тубан дунёвий билимлар сифатида тасниф қилиши¹” ҳинд фалсафасида ҳам эпистемологияга оид илк назарий қарашлар мавжуд эканлигини кўрсатади.

Эпистемология қадимги шарқда ҳар томонлама ўрганилган бўлсада, алоҳида йўналиш сифатида янги даврда ривожлана бошлади. Эпистемология гносеологиянинг уч асосий анъанаси сенсуализм (ёки эмпиризм), рационализм (ёки интеллектуализм) ва агностицизм (ёки позитивизмда ўзининг ёрқин ифодасини топган скептицизм) билан боғлиқ. Немис мумтоз фалсафасининг асосчиси Кант гносеологияга бўлган муносабатига қараб файласуфларни шундай ажратади: тафаккуримизнинг ҳар қандай билиш предметига муносабат нуқтаи назаридан айрим файласуфлар фақат сенсуалист, бошқа файласуфлар эса фақат интеллектуалист бўлганлар. Эпикурни сенсуализмнинг, Платонни эса интеллектуализмнинг энг илғор вакили, деб ҳисоблаш мумкин. Биринчи йўналиш тарафдорлари фақат ҳиссий предметлар ҳақиқий, қолган ҳамма нарса хаёлот маҳсули, деб қараганлар, иккинчи йўналиш тарафдорлари эса, аксинча, сезгилар фақат тасаввур қилиш имконини беради, ҳақиқий нарсани эса фақат тафаккур билиши мумкин деб кўрсатганлар. Биринчи йўналиш вакиллари тафаккурда акс этган тушунчаларнинг реаллигини инкор этмаганлар, аммо уни фақат мантиқий реаллик деб ҳисоблаганлар, иккинчи йўналиш вакиллари эса уни мистик реаллик деб кўрсатганлар. Билиш соф тафаккур негизида тажрибадан вужудга келадими ёки ундан қатъи назар, тафаккурда ўз манбаига эга бўладими, деган масалага муносабат нуқтаи назаридан Аристотелни эмпирикларнинг, Платонни эса нологистларнинг етакчиси деб ҳисоблаш мумкин. Янги даврда Локк биринчи йўлдан, Лейбниц эса иккинчи йўлдан борди, аммо улар мазкур масаланинг ечимини топа олмадилар. Нима бўлганда ҳам, эмпирик тизимдан Эпикур Аристотель ва Локка нисбатан анча

¹ Қаранг. Сай Баба. Билимлар сарчашмаси.//Жаҳон адабиёти журнали. 2007 йил, июль сони, 107-бет.

изчил фойдаланди. “чунки у ўз хулосалари билан ҳеч қачон тажриба доирасидан четга чиқмади»¹.

Илмий билиш (эпистемология) муаммоси қадимда ҳам, ҳозир ҳам олим ёки мутахассис яшаган давр, уни ўраб турган муҳит, ижтимоий жараёнлар ва воқеалар билан узвий алоқадорликда, боғлиқликда изоҳланади. Ўтмишда олимлар мазкур масалага кўпроқ эътибор берганликлари тасодифий эмас, балки заруриятдир. Улар давр тарозиси тамал тошларини қўйган, замона зайлларига таъсир кўрсатадиган, кишилар учун маънавий мезонлар мавқеига эга бўлган тушунча ва тамойилларни шарҳлаганлар, таҳлил қилганлар ҳамда уларни амалиётда қўллаш йўлларини изоҳлаб берганлар. Масалага тарихийлик ва замонавийлик, анъана ва янгиланиш нуқтаи назаридан ёндашиш бу борадаги муаммоларни тўғри англаш ва уларни ечишнинг самарали йўлларини топиш имконини беради. Эпистемологияга оид қарашларнинг фалсафий асосларини, табиийки, қадимги билиш ҳақидаги таълимотлардан кидириш керак. Эпистемологиянинг тарихий тараққиёт босқичлари ўзига хос илмий-методологик аҳамиятга эга. Эпистемология фалсафий билишнинг махсус соҳаси бўлиб уни тараққий этиши ҳар бир худудда ўзига хос ва мос тарзда амалга ошган. Жумладан, оламни билиш муаммосининг миллатимизга хос фалсафий таҳлили, аввало, қадимги нақллар, ривоят, афсона, ҳикоят ва дostonларга, яъни, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Уларда дунёнинг мифологик манзараси хилма-хил талқинда ўз ифодасини топган. Ушбу дунёқарашда умумбашарий ва умуминсоний масалаларга кўпроқ эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона, ҳикоят ёки дostonлари орқали оламнинг яралиши, табиат ҳодисалари, коинот ва одамзод алоқалари, инсон онги ва тафаккурининг моҳияти, мазмуни кабиларга алоҳида эътибор берганлар, уларнинг аҳамиятини турлича изоҳлаганлар. Оламнинг билиб олинган

¹ Қаранг. Кант И. Собрание сочинений. М., 1994. -С. 497.

қонунлари, нарса ва воқеаларнинг анланган хусусиятларидан фойдаланганлар, анланмаганларини илоҳийлаштирганлар. Таниқли файласуф Қ.Назаров таъбири билан айтганда, билиш фалсафаси юртимиз тарихида ўз ўтмишига эга, унинг илдизлари жуда қадим даврларга, «Авесто» замонларига бориб тақалади. Ватанимизда яшаган алломаларимиз қарашларида билиш, инсон онги ва тафаккури муаммосига катта эътибор берилган. Турли мутафаккир ва олимлар мансуб бўлган хилма-хил оқимлар ва тариқатлар бирор шаклдаги ғоя ва тушунчалар тизимига эътиқод қилганлар, у ёки бу тамойилни турлича талқин қилиш йўллари кўрсатиб берганлар. Юртимизда яшаган Зардўшт, Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг қарийб барчаси ўз даврида муайян билимлар тизимига таянганлар, бу соҳадаги масалаларга муносабатларини билдирганлар¹.

Умуман олганда, эпистемология атамасини шаклланиши Афлотуннинг устози Сукрот (мил.авв. 470-399 йиллар) нинг фалсафий таълимотларида ўзига хос аҳамият касб этган. Лекин бу Сукротдан олдин эпистемология мавжуд бўлган эмас деган маънони билдирмайди. Чунки эпистемология атамасини вужудга келгунига қадар ҳам мантиқий фикрлашнинг юксак намунаси бўлган диалектика доимо мавжуд бўлган. Иккинчи томондан эса шундай юксак таълимотни ривожда Сукротни тутган ўрни ҳам юқори бўлган. Сукрот бу атамани баҳслашиш жараёнида ҳақиқатга етишувдан астойдил манфаатдор бўлган томонларнинг муайян муаммони ечиш жараёнида олиб борадиган фикрий кураши, самарали баҳси, суҳбат юритиш жараёни ёки санъатини таъриф ва тасниф этиш учун киритган эди. Бундай диалоглар фалсафий баҳсда қатнашаётганлар онгида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳом ҳаёлларни, соҳталикларни, чекланганликларни, бирёқламалиликни ва бошқа фикрий хатоликларни фош этишда ўзаро ёрдам

¹ Қаранг. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. Тошкент. 2006 йил. 8-бет.

бериш орқали ҳақиқий билим сари ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган эди. Бунда қарама -қарши нуқтаи назарга эга бўлган икки индивид учрашиб, баҳс олиб боради: баҳслашаётган ҳар икки томон бир-бирининг фикри нотўғри эканини исботлашга уринади; қатнашаётганлар тезисларининг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши баҳсни ҳаракатлантириб туради. Афлотун ҳам ўз устози изидан бориб баҳслашиш санъатини юксак қадрланган. У “диалектикани фалсафий муаммоларни ечиш учун тўғри билимга эга бўлиш ва бу саволларга жавоб бериш” дея таърифлаган ҳамда ўзининг кўплаб диалогларида бунинг намуналарини кўрсатган эди. Афлотун ўз таълимотини айти шундай диалоглар шаклида инсониятга мерос қилиб қолдиргани ҳам унинг тўғри билим сифатида мавжуд бўлган эпистемологияга юқори баҳо берганлигини кўрсатади. Афлотуннинг шогирди Арасту ҳам, Арастунинг шарҳловчиси ҳисобланган Абу Наср Фаробий ҳам эпистемологияни тўғри билим маъносида тушунганлар ва юксак қадрланганлар. Абу Наср Фаробий ўзининг “Арасту фалсафаси” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “ Арасту бир санъат ҳақида гапирди. Бу санъат туфайли инсон ҳар қандай изланадиган мақсад ҳақида эҳтимолӣ ахборот берувчи ҳар бир қиёс (силлогизм)ни зудлик билан билиб олиш қобилиятига эришиш бўйича машқлар қилади. Бу санъат инсоннинг ўзи ва бошқа биров ўртасидаги мавжуд нарсани ўрганиш жараёнида тез фурсатда қиёслар топиш қобилиятига эришишга тайёргарлик кўришда бир восита бўлади. Бундай тайёргарлик ўз моҳияти бўйича бу санъатдан инсон ва унинг руҳияти орасидаги ҳолатни тадқиқ этишда фойдаланиш имконини беради. Инсон ва унинг руҳияти орасидаги ҳолатни тадқиқ этишда инсон ўз қобилиятидан жуда эҳтиёткорлик ва нозокат билан фойдаланади, чунки одам ўзи ва руҳияти орасидаги тадқиқ этаётган ҳолатни тасаввур этаётган чоғида уни биров кузатаётган, текшираётганини ва шунинг учун таҳсинга сазовор эҳтиёткорликни намоён этади. Шунинг учун бу санъат инсонни, ўзи ва бошқа

бир одам орасидаги мавжуд ҳолатни тадқиқ этишда фойдаланишга савол ва жавоб шаклида тайёрлайди.

Шу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, юқорида зикр этилган нуқтаи назардан, ҳақиқий билимга ақлий мушоҳада олиб боради, деб ҳисоблайдиган, аммо тажриба доирасидан четга чиқмайдиган файласуфлар эмпириклар деб аталади. Тажриба доирасидан четга чиқадиган файласуфлар, Кант терминологиясига кўра, метафизиклар деб аталади. Эпикур ҳам, Аристотель ҳам, Локк ҳам ҳақиқий билимни фақат тафаккур соҳасида олиш мумкин, эмпирик материал эса фақат фикр тўғрисидаги билимни, яъни эҳтимолли, тахминий билимни беради, деб кўрсатади. Бу, энг аввало, Ф. Бэконнинг «Янги органон», Р. Декартнинг «Метод ҳақида мулоҳазалар», А. Арно ва П. Николнинг «Пор-Роял мантиғи» («Мантиқ ёки фикрлаш санъати») асарларининг нашр этилиши билан боғлиқ. Ф. Бэконнинг бош асари – «Янги органон ёки табиатни талқин қилиш учун ҳақиқий кўрсатмалар» асарида фалсафадаги янги йўналиш–фан фалсафаси ва методологияси асослаб берилган. «Биз ҳозирги кунда равнақ топаётган ёки тўғрироқ ва баркамолроқ бўлиши мумкин бўлган бошқа бирор-бир фалсафасини инкор этишга ҳаракат қилаётганимиз йўқ. Мазкур умумэтироф этилган фалсафа ва шунга ўхшаган бошқа фалсафалар баҳслашиш, маърузалар қилиш ва таълим бериш мақсадларида ундан фойдаланишларига ҳам қаршилигимиз йўқ. Боз устига, биз муомалага киритаётган билимлар ҳақидаги фалсафа бундай ишлар учун унча фойдали бўлмаслигини очик эътироф этамиз». Фикрининг давомида Бэкон ўзи белгилаган фан соҳаси (илмий билиш методологияси) пухта ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади. «Кашф этилган соҳаларда ҳам одамлар фандан кўра кўпроқ тажрибага таянишлари керак. Биз биладиган фанлар эса, моҳият эътибори билан, янги ишларни кашф этиш ва кўрсатиш усуллари эмас, балки маълум нарсалар ёки

ходисаларнинг муштараклигидир¹». Кўриниб турибдики, бу ерда илмий билиш методологиясини ҳамда маълум билимларни амалда қўллаш методологиясини ишлаб чиқиш муаммоси кўтарилган. Бэкон, шунингдек, мантиқни танқид қилади. «ҳозир мавжуд фанлар янги кашфиётлар қилиш учун қандай фойдасиз бўлса, ҳозирги мавжуд мантиқ ҳам билимларни кашф этиш учун шундай фойдасиздир. Ҳозирда амалда бўлган мантиқ ҳақиқатнинг тагига етишдан кўра, кўпроқ умумэйтироф этилган тушунчаларда асосланган хатоларни мустаҳкамлаш ва сақлашга хизмат қилади. Шунинг учун унинг фойдасидан ҳам кўра кўпроқ зарари тегади»².

Бу ерда Бэкон билан умумий муаммога тўқнаш келамиз. Бир томондан, тайёр илмий назарий конструкциялар ва мантиқий тизимлар маълум билимни муфассаллаштириш воситаси бўлиб хизмат қила олади, аммо улар маълум билимнинг мазмунига ҳеч нарса қўша олмайдилар, бошқа томондан эса, янги билимларни бирон-бир изчил алгоритм ёрдамида олиш мумкин эмас (шунинг учун ҳам улар янги билимлар, яъни маълум билим тизимидан келиб чиқмайдиган билимлар ҳисобланади). Мазкур хусусият илмий билишнинг ҳар қандай методологияси фақат тавсия хусусиятига эга бўлган тамойиллар, умумий қоидалар, истаклар тизими тарзида тузилиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда методологик принцип ва ёндашувлар илмий билиш учун умумийлик, зарурийлик мақомига эга эмаслиги кўрсатиб ўтилиши шарт. Ф.Бэкон учун методология тажриба ҳақиқий билимнинг манбаи, бинобарин, билимни тузишда «бирдан-бир умид ҳақиқий индукция»да, деган гносеологик шартга асосланади³. Агар Бэконнинг таълимоти схема даражасигача соддалаштирилмаса, уни рационализмга қарама-қарши тўғри чизик тарзида ифода этиш мумкин эмас, бинобарин, у «соф эмпиризм» бўлмайди. Масалан, Локкнинг қараши ҳам «соф сенсуализм»дан узоқ.

¹ Қаранг. Бэкон Ф. Новый органон, или истинные указания для истолкования природы. 2-х т. М.: 1972. -С. 6.

² Қаранг. Ўша асар. 5-бет.

³ Қаранг. Бэкон Ф. Новый органон, или истинные указания для истолкования природы. 2-х т. М.: 1972. -С. 14.

Бэконнинг билишида энг муҳими ҳақиқий билимга етиш йўлида фикрнинг ўзгаришидир. «Интеллектуализм» ва «рационализм»нинг «сенсуализм» ва «эмпиризм»га томон ўзгаришига қуйидаги фикр яхши изоҳ беради: «ҳақиқатни топиш ва кашф этишининг икки йўли бор ва бўлиши мумкин. Бири сезгилар ва хусусий мушоҳадалардан энг умумий аксиомаларга қараб интилади, бу асосларга ва уларнинг ҳақиқийлигига таяниб, ўрта аксиомаларни муҳокама қилади, кашф этади, «мустаҳкам» метафизик ҳақиқатлар (тушунчалар, ғоялар, тамойиллар)ни англатадиган «олий аксиомалар»дан фарқли ўлароқ, «ўрта аксиомалар» деганда умумий билимларни тушуниш лозим. Бу йўлдан ҳозиргача фойдаланадилар. Бошқа йўл аксиомани сезгилар ва хусусий ҳолатлардан келтириб чиқаради, бунда у энг умумий аксиомани топмағунича аста-секин ва узлуксиз юксалиб боради. Бу йўл ҳақиқий, аммо синалмаган йўлдир». Мазкур фикрга аниқлик киритиш учун Бэкон уни яна бошқа сўзлар билан ҳам такрорлайди: «Иккала йўл ҳам сезгилар ва хусусий ҳолатлардан келиб чиқади ва олий даражадаги умумийликлар билан хотималанади. Аммо уларнинг ўртасидаги фарқ жуда каттадир. Зеро, биринчи йўл тажриба ва хусусий ҳолатларга юзаки ёндашса, иккинчи йўл уларда муфассал тўхталади. Биринчи йўл дарҳол умумий, мавҳум ва фойдасиз жиҳатларни аниқласа, иккинчи йўл аста-секин табиатга мувофиқ даражага кўтарилади»¹.

Шуни қайд этиш керакки, асарда танқид қилинган «интеллектуал-рационалистлар» ва «метафизиклар»га Бэкон эмпирист кўзи билан қарайди. Бу уларнинг билимлари юзаки тажрибага асосланади, ваҳоланки, метафизиклар тажрибада кўрилмаган, тажрибадан юқори билимга даъво қиладилар, деган қарашида кўринади. Бэконнинг фикрича, метафизиклар ўз билимларини сезги ва тажрибадан онгсиз тарзда оладилар, аммо улар тажрибани билим манбаи деб эътироф этмаганликлари туфайли, бундай билим чекланган ва юзаки бўлади.

¹ Қаранг. Бэкон Ф. Новый органон, или истинные указания для истолкования природы. 2-х т. М., 1972. -С. 5.

Илмий билиш ҳақидаги таълимотнинг шаклланишида Галилейнинг роли фақат моҳият-эътибори билан у ҳозирги замон экспериментал ва назарий табиатшунослигининг асосларини яратганлигида эмас, балки у илмий ҳамжамиятга Аристотелнинг обрўси таъсирини енгишга ёрдам берганида ҳамдир. Бошқача қилиб айтганда, Галилей фанда муайян шахснинг обрўсига таянишни эмас, балки билимнинг тажрибада тасдиқланиши ва назарий изчиллигини унинг ҳақиқийлиги мезони деб белгилади. Фанда ҳукм сурган Аристотель мафкурасига қарши Галилейнинг кескин кураши, масалан, унинг «Франческо Инголига мактуб»и (1624)да ўз ифодасини топган. «Табиат князлар, император ва монархларнинг қарорлари, ҳукмлари устидан кулади. Зотан, уларнинг талабларига биноан табиат ўз қонун ва қоидаларини заррача ўзгартирмаган бўлар эди. Аристотель одам бўлган, кўзлари билан кўрган, қулоқлари билан эшитган, ақли билан фикрлаган; мен ҳам одамман, кўзларим билан ундан ҳам кўпроқ нарсаларни кўраман; фикрлаш масаласига келсак, у менга қараганда кўпроқ нарсалар ҳақида фикр юритганлигига ишонаман; аммо иккаламиз ҳам муҳокама қилган масалалар юзасидан қайси биримиз яхшироқ фикр юритганимиз обрўимиздан эмас, балки келтирган далилларимиздан аён бўлади»¹.

Янги илмий билиш методологиясини ишлаб чиқиш йўлида Галилей ташлаган иккинчи кадам, Аристотелнинг формал мантиғини ва унинг асосиз фикрларини танқид қилиш дунё ҳақидаги билимларнинг тузилишига асосланади. «Маълумки, мантиқ нафақат фалсафада, балки илмий билиш жараёнида ҳам қўлланиладиган асбобдир, бирорта ҳам куй чалишни билмасдан моҳир асбобсоз уста бўлиш мумкин бўлмаганидек, мантиқдан тўғри фойдаланишни билмасдан буюк мантиқчи бўлиш мумкин эмас; поэтика қоидаларини кўпчилик ёддан билади, аммо тўрт мисра шеър битиш ҳаммининг ҳам қўлидан келвермайди, бошқалар эса, Леонардо де

¹ Қаранг. Галилей Г. Послание к Франческо Инголи // Антология мировой философии. В 4-х т. М., 1979. Т. 2. -С. 226.

Винчининг барча кўрсатмаларини билгани ҳолда, ҳатто курсининг расмини ҳам чиза олмайди»¹. Бундан Галилей билиш методи «исботловчи фанлар»да тажрибага асосланиши керак, деган хулоса чиқаради.

Янги давр Ғарб фалсафасида эпистемология муаммолари доираси кенгайтирилиб асосан табиатшунослик фанлари тизимида ва илмий билишнинг махсус йўналиши сифатида Декарт, Сипиноза, Лейбнец асарларида² ўз ифодасини топган. Олмон файласуфи Гадамер эса герменевтикани рационал эпистемология билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Полани эса эпистемологиянинг шахсий билим мазмунини белгилаб берувчи ва билимнинг таркибий қисмларини тадқиқ этувчи йўналиш сифатида таъриф ҳамда тасниф этган³. Шунингдек, эпистемологияни илмий билиш чегарасини белгилаб берувчи ва билимнинг манбасини ташкил этувчи фундаментал таълимот сифатида эътироф этган.

Замонавий фалсафий концепцияларда эпистемология классик, ноклассик ва постноклассик босқичларга таснифлаб тадқиқ этилиши билан бирга уни мураккаб мантикий операциялар билан боғлиқ ҳолда олиб қаралмоқда. Герменевтиканинг асосчиларидан бири Ф.Шлейермахер эпистемологияни инсон илмий билишининг тартибга солинган формада намоён бўлишидир, деб ҳисоблайди⁴. Тарихий анъанавийликни давом эттиришнинг тарафдори бўлган Дильтей матнни пайдо бўлиш вазиятини илмий ўзгартириш орқали бу категорияни ўрганиш лозимлигини таъкидлайди⁵. Бизнингча, Ф.Шлейермахер ва Дильтей илмий тафаккурга инсоннинг руҳий – маънавий ҳолатига бевосита таъсир қилишини эътироф этиши маълум маънода тўғри ёндашувдир. Зеро, улар фикрича, илмий тафаккур тарихан шаклланувчи гносеологик механизмлар билан аниқланади.

¹ Қаранг. Галилей Г. Послание к Франческо Инголи // Антология мировой философии. В 4-х т. М., 1979. Т. 2. -С. 228.

² Қаранг. Бакрадзе К. С. История новой философии Избр. Философия труды В. т.4Тибилиси, 1977.

³ Полани М. Личностное знание. На пути к посткритической философии. М.:Прогресс, 2004-С. 78

⁴ Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. –С.189.

⁵Қаранг. Дильтей В. Описательная психология. –М.: Наука, 1995, -С.315.

Эпистемологиянинг тадрижий хусусияти тўғрисида АҚШ олимлари Крон, Кюпперслар ҳам фикр юритиб, “бу таълимот илмий тадқиқот жараёнини бутун жабҳасини қамраб олади”¹ деган хулосага келганлар. Собиқ иттифоқ даврида ҳам илмий тафаккурга оид тушунчалар файласуф ва табиатшуносларнинг диққат марказида бўлган эди. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борганлар орасида Л.В.Свкорцов², Л.В.Медянцева³ кабиларнинг ижодини алоҳида қайд этиш мумкин. Гарчанд ўша даврда илмий билиш, эпистемология масаласига доир китоб ва рисоалар чоп қилинган, тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, уларда бу масалага марксизм нуқтаи назаридан ёндашув шаклланган.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, илмий билиш тараққиёти ҳам ўзига хос диалектик табиатга эга. Шунингдек уни инқилобий ва тадрижий жиҳатини кўрсатиб берадиган хусусиятини диалектика қонунлари асосида тушуниш ва тушунтириш мумкин. Илмий билишнинг ҳозирги даврдаги нозичли харктерли моделларини ўрганиш унинг истиқболдаги стандартларини белгилаб олишда эпистемологиянинг илмий аҳамиятли жиҳатидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Қаранг. Krohn W. Koppers G. Self-organization: A. New Approach to Evolutionary Epistemology. State Univ. of N.Y. Press. 1989 p. 151-152.

² Қаранг. Свкорцов А.В. Субъект истории и социальное самосознание. -М.:Политиздат, 1983. -304 с.

³ Қаранг.Меданцева Л.В. социальная активность творческой интеллигенции. -М.:Наука, 1985. -280 с.

II БОБ. ҒАРБ ФАЛСАҒАСИДА ЭПИСТЕМОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛГАН ОМИЛЛАР

2.1. Классик эпистемологияда ишонч ва билимга муносабат: моҳият ва шакллар

Шубҳадан фарқли равишда ишончда яширин эмоционал зўриқиш мавжуд. Инсоннинг ҳаддан ташқари манфаатдорлик ҳолатини ифодалар экан, ишонч инсоннинг бирор бир нарсага, бирор кишига мутлақо имони комил бўлгани учун, унда ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайди. Ишончда билим элементлари эмоционал онгга «пайвандланган», унинг структураларида шундай «сочилган»ки, улар бир – бири билан мутлақо боғланмаган. Ишонган одам онгининг ташқи плани мутлақо сокин кўринади, ҳатто ақл маъносида ҳам. Ишончнинг эмоционаллиги – унинг чуқурлик хусусиятидир. Таърифига кўра ишончда шубҳа бўлмайди, чунки шубҳаланувчи одам – ишонмайдиган одамдир.

Умид феномени онгнинг шундай ҳолати тарзида тушуниладиги, у келажак образи сифатида гавдаланади. Умид ишонч билан мустаҳкам боғланган. Умид онгга ишонч билан бирга киради. Умиднинг рационалиги кўзга ташланади, чунки келажак образини яратишда когнитив омиллар ҳам иштирок этади. Тағри, умид образи бўлган бундай келажак образи анча хиралашган бўлади. Агар умид образининг шаклланишида билимлар кам бўлса, бу образ жуда мўрт бўлади ва ҳаётнинг реал қийинчиликларига урилганда чоклари сўкилиб кетади. Агар умид образи ишончга ва унинг эмоционал – қадриятли ресурсларига таянса, у инсоннинг яшашига ва ҳатто энг фожиали ҳаёт вазиятларидан ҳам чиқиб кетишига ёрдам беради.

Одамларнинг (инсонларнинг) билиш, мулоқот ва кундалик ҳаётининг уларнинг эмоционал тажрибалари ресурсларига боғлиқ бўлиши критик вазиятлар деб аталадиган ҳолатларда принципиал аҳамият касб этади. Бундай вазиятлар инсоннинг дунё билан, бошқа одмлар ва ўз – ўзи билан ўрнатилган амалдаги алоқаларини бузадиган турли – туман ҳолатлар таъсирида юзага

келади. Улар стихияли офатлар, катастрофалар, ижтимоий конфликтлар ва зиддиятлар (урушлар ва революциялар) туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Кризис ҳодисалари инсон ҳулқини дестабилизация қилади, унга хаос элементини киритади, ҳаётини режаларини бузади, мақсадларга эришишни қийинлаштиради. Инсонинг ички маънавий кризиси унда ишончсизлик, кўркўв, ҳимоясизлик, ҳавотир, ҳавф – хатар туйғусини уйғотади ва бор бўлган идеал ва қадриятларни йўқотади. Инсон ташқаридан бўладиган тазийқларга дуч келиши – стрессни бошидан кечириши ёки ички истиробларга – фрустрацияга дуч келиши мумкин. Кризис унинг аҳамияти инсон ҳаёти ва мавжудлигига кескин, ҳал қилувчи ўзгаришларга қодир бўлган пайтда ўз кульминациясига етади. Кризис инсонни ўз мавжудлигининг ана шу даврини бошидан кечиришга мажбур қилади ва ундан чиқиш йўллари ахтаришга ундайди. Кризисдаги кечинмаларнинг принципиал маъноси уларнинг эмоционал туйинганлиги ва мураккаблиги билан чекланиб қолмайди, балки билиш, мулоқот, ҳаёт қадриятларини қайта баҳолашни кўзда тутаяди.

Турли туман ҳаёлий тўқималар, туйғулар, сезгилардаги алданишлар борлиқнинг ҳиссий характеристикалари шубҳали ва унча ишонарли эмасдир: баъзан нарсалар биз уларни қабуллаганимиздек бўлавермайди. Лекин шу билан бирга, нарсалар ҳаммавақт ҳам биз фикрлаганимиздек ҳам бўлавермайди. Лекин шу билан бирга, нарсалар ҳаммавақт ҳам биз фикрлаганимиздек ҳам бўлавермайди. Бинобарин, ақл ҳам сезгилардан кам бўлмаган ҳолда уйдирма ва янглишишларни юзага келтириши мумкин. Декарт борлиқнинг шундай турини топишга ҳаракат қилдики, унинг ишончли бўлиши ҳар қандай шубҳалардан холи бўлсин.

Декарт шундай мулоҳаза юритади. Ҳар қандай фикрнинг мазмуни шубҳали бўлиши мумкин, бироқ фикрлаш актининг ўзи шубҳасиздир, чунки мен фикрлар эканман, мен унинг айнан амалга оширилиш акти пайтида бевосита кечинаман, яъни мен ўзимни муайян борлиққа тегишли актни

амалга ошираётган тарзида хис этаман. Фикрланаётган ғоянинг ҳақиқийлиги тўғрисида шубҳаланиш мумкин, бироқ унинг борлиги тўғрисида шубҳаланиб бўлмайди: «Мен фикрляпман, демак, мен борман».

Декарт томонидан илгари сурилган бу машҳур тезис фикр борлигининг абсолют ишончли эканлиги деб тушунилади. Борлиқни бевосита фикрлаш деб аниқлаш учун шунинг ўзи етарлидек туюлади (бор бўлиши – бу фикрлашдир, фикрлаш жараёнида бўлишдир). Борлиқни фикрлаш деб таърифлаш борлиқни барқарорлик деб тан олиш эмас, балки қарор топиш деб тушуниш, классик анъананинг борлиқнинг қарор топиш эканига ҳеч қандай йўл қўймай, уни барқарор, абадий ва ўзгармас деб қарашидан воз кечишни талаб қилар эди. бироқ фикрлаш – бу доимо фақат абадий ўзгаришда, ҳаракатда бўлган жараёндир ва унинг турғунлиги тўғрисида маълум маънода – худди велосипедда кетаётган одамнинг фақат велосипед юраётганидагина мувозанатда бўлишига ўзшабтибгина гапириш мумкин. Шундай қилиб, Декарт анъанага содиқ қолган ҳолда борлиқни фикрлаш деб эмас, фикрлаётган нарса деб тушунади.

Бинобарин, борлиқни инсон фаоллиги деб таърифлашга бевосита яқин келади – ю, бироқ «чегарани босиб ўтолмай», субстанционал схема чегараларида қолади.

Декарт фикрлаш таркибида икки компонентни: фикрловчи ва фикрланувчи – яъни фикрлашнинг асоси (субъектини) ва фикрнинг мазмуни бўлган (объектини) томонларини ажратади. Субъект ва объект мустақил, бир – бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган субстанциялар – фикрловчи ва фазовий субстанциялардир. Ана шу даврдан бошлаб Европа фалсафасида бу икки субстанциялардан қайси бири мустақил (бирламчи) ва қайси бири ҳосила (иккиламчи) деб аниқлаш борасида қизғин баҳс бошланади. Кейинги уч юз йил давомида фалсафанинг бу «асосий масала»сига турли жавоблар бериш файласуфларни материалистлар ва идеалистлар деб икки «лагерга» бўлиб келди. Материалистлар фазовий (моддий) субстанцияни, идеалистлар,

аксинча, фикрловчи (рухий) субстанцияни, бирламчи деб тан оладилар. Бироқ улар орасидаги кескин келишмовчиликларга қарамай, улар ҳам булар ҳам, умумевропанинг метафизик анъаналарга содиқ қолиб, борлиқнинг жараёнли субстанционал изоҳлашни афзал кўриб келдилар.

Декартнинг ўзи унинг мулоҳазалари фикрлашнинг абсолют ўз – ўзидан ишончлилигини исботлаб беради, деб фараз қилади. Қолган барчаси ҳақиқий мавжуд деб қаралиши учун унинг борлиғи тегишли фикрнинг равшанлиги ва аниқлиги билан тасдиқланмоғи керак. Демак, Декартнинг «шарофати» туфайли фикрлашнинг равшанлиги ва аниқлиги борлиқ билан борлиқ эмсликнинг критерийси бўлиб қолади. Картезианликнинг «биз аниқ равшан қабуллаётган барча нарса – ҳақиқийдир», - деган қондаси янгиевропача фаннинг асосий принципларидан бири бўлиб қолади, «равшан ва аниқ» билим олишнинг ўзига хос механизми сифатида борлиқ ва борлиқ эмасликнинг бош арбитри ролини ўйнайди. Борлиқнинг тотал равишда рационаллашиши рўй беради, унда, мавжуд бўлган чегараси «илмий билинганликнинг чегараси билан устима – кет тушади. Бунинг натижасида кейинчалик Хайдеггер томонидан «борлиқнинг унитилиши» деб аталадиган ҳодиса рўй беради: биз қандайдир «объектив ҳақиқат»ларга умид қилиб, ўзимизнинг хис ва туйғуларимизга ишонмай кўямиз, бу «объектив ҳақиқатлар» формаллаштирилган методлар ва процедуралар воситасида кашф қилинган ва асосланган бўлади, илмий фикрлашнинг равшанлиги ва аниқлигини кафолатлайди. Бироқ бизнинг фанимизнинг «объектив ҳақиқатлари»да ҳақиқатан ҳам борлиқнинг ҳақиқатлиги намоён қилинганми, бу борлиқ бизнинг тажрибаларимизнинг субъектив шаклларига нисбатан бўлмаган ҳолда «ўз - ўзидан» қандай мавжуд деган саволларга тўла ишонч борми?

Борлиқ «ўзида». У ёки бу назариянинг объектив ҳақиқийлигига шубҳа билан қараш фалсафа тарихи ва фанда одатдаги ҳодисадир. Бироқ Иммануэл Кант бундай шубҳага абсолют радикал тус беради ва бирор конкрет

назариянинг эмас, умуман объектив билимнинг ўзини бўлишини шубҳа остига қўяди. Инсон билиш тажрибаси структурасини критик (танқидий) таҳлил қилиш шундай ҳулосага олиб келадики, бизнинг ҳисларимиз ва ақлимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд борлиқ – объектив реаллик бизнинг билишимизга қўл етмас, биз учун билиб бўлмасдир. Кант инсон билимининг тажрибадан бошланиши масаласидан келиб чиқади. Гарчи инсон билими тажрибадан бошланса – да, бу деган сўз у батамом ва тўлалигича тажрибадан келиб чиқади, дегани эмас. Воқеъилик ходисаларини ҳиссий қабуллашдан бошланиб, билим объектлар ҳақидаги ҳукмлар тарзида шаклланади. Бундай ҳукмларга диққат билан назар солсак, биз ҳам Кантга эргашиб, ҳақиқатан ҳам уларда ҳиссий тасаввурларда илғаб олинган бир нарсани эканлигини айтишимиз мумкин. Масалан, энг содда, энг эмпирик ҳукмни олайлик. «Тошни ёритаётган Қуёш, уни исистади». Биз бу ҳукмни шакллантирганимизда нима рўй беради? Тасаввурларнинг калейдоскопдаги ўхшаш оқимидан икки «туғун» ажратиб олинади, улар марказга қараб «тўкилиб» икки объект – «Қуёш» ва «тош» ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Бу объектлар орасида шундай муносабат ўрнатиладики, бунда «Қуёш» объекти «тош» объектига таъсир этади ва унинг ҳиссий қабуллаш мумкин бўлган характеристикаларидан бирини ўзгартиради. «Қуёш»да – бевосита ҳиссий қабуллаш даражасида – биз турли – туман тасаввурлар ҳаосига эга бўлами; «чиқиш»да – ҳукмлар даражасида, икки локаллашган объектнинг муносабатлари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қиламиз, бу тасаввурда уларнинг ҳар бирида ўзига тегишли хоссалар барқарор бирликка ташкилланган. Биз объект ҳақидаги эмпирик билимларимизни бошқа шу турдаги барча объектларга тарқатишимиз керак бўлган, масалан, «Қуёш ёритаётган барча тошларни қиздиради», - тарзидаги ҳукмларда вазифа бундан ҳам мураккаброқ бўлади. Қуёш ёритаётган барча тошларни қизитаётганлиги бизнинг тажрибамиздан келтириб чиқариб бўлмайди, чунки тажриба барча тошларни қамраб ололмайди. Тажриба ҳаммавақт чекланган,

тўлиқ эмас, шунинг учун тажрибавий билим ўз табиатига кўра барқарор бирликка ҳам эга бўла олмайди, қатъий равишда энг умумий ҳам бўла олмай.

Кант қўяётган моҳияти шундаки, бундай ҳукмларнинг энг умумийлиги ва зарурийлиги бевосита тажрибага асосланиши мумкин эмас, чунки ҳаммавақт унинг чегараларидан ташқари чиқади. Зарурий ва энг умумий бўлган синтетик ҳукмлар мавжуд бўлмаслиги керак, лекин ҳар ҳолда бор. Фаннинг кўп асрлик тарихи шуни кўрсатадики, синтетик ҳукмлардан чиқарилган назарий билим бор экан, фақат бор эканига эмас, самарали вазифаларни бажарар экан. Шунинг учун Кант бундай ҳукмларнинг бор – йўқлигини гапириш эмас, уларнинг шаклланиш механизмини очиб беришни бош вазифа деб билади.

Билиш жараёнида икки «хамкор» қатнашади: ҳиссий тажриба ва мулоҳаза қилувчи фикрлаш. Агар бизнинг ҳукмларимизнинг бирлиги, зарурийлиги ва энг умумийлиги бевосита ҳиссий тажрибадан чиқарилмаса – да, лекин уларда аниқ – равшан мавжуд, демак, улар ақл томонидан киритилади, чунки бошқа қаёқдан ҳам киритилсин. Кант фараз қиладики, мулоҳаза юритувчи (ҳукм чиқарувчи) фикрлаш фаолиятининг ўзи ҳиссий тасаввурлар тартибсизлигини гуруҳлаб, синтезлаштиришдан иборат, бундай синтезлаштириш аввалдан берилган универсал структураларга мувофиқ амалга оширилади, уларни Кант категориялар деб атайди.

Катнга мувофиқ, категориялар тажрибани ташкиллаштиришнинг инсон онгига аввалдан хос бўлган энг умумий схемаларидир. Агар аналогия (ўхшатишлар) тилида гапирсак, бу схемаларнинг ишлашини қуйидагича тасвирлаш мумкин. Китобни кўз олдимизга келтирсак. Унда шундай қимматли информация борки, ўқиб чиққач, биз уни ўзимизга оламиз дейлик. Бироқ минглаб китобни хона бурчагига айқош – уйқош қўйсак, информация қиймати нолга айланади, чунки тартибсиз қаланиб ётган китоблар уюмидан информацияни амалда олиб бўлмайди. Шундай бўлмаслиги учун ҳар бир кутубхонада у ишга тушмасдан аввал тузилган китоблар гуруҳлари

классификацияси бор. Масалан, кутубхона учун олинган ҳар бир китоб, универсал классификацияда ўзи учун ажратилган жойга қуйилиб, ўзига ўхшаш турдаги китоблар қаторидан жой олади ва шу туфайли уни истаган вақтда топиш ва фойдаланиш мумкин.

Категориялар системаси қаери биландир шундай кутубхона универсал классификациясига ўзшайди. Қандайдир тажриба бошлангунига қадар ҳар қандай одамнинг онгида шу тажрибани (бўлғуси тажрибани) ташкил қилишга доир универсал категориялар схемаси мавжуд бўлади. Шунинг учун тажрибани тартиблаштириш у тамом бўлганидан кейин эмас, «бевосита уни ўтказиш пайтида амалга оширилади. Кант категориялари Аристотелнинг категорияларидан фарқли ўлароқ борлиқ категориялари эмас, балки фикрлаш категорияларидир. Улар ҳиссий тасаввурларнинг спонтан оқими билан оприор синтетик ҳукмларнинг универсал – энг умумий конструкциялари орасидаги «оралиқ»да амалда бўлади. Бундай ҳукмларнинг бирилиги ва энг умумийлиги айнан категориялар туфайли таъминланади, чунки категориялар ақл фаолиятининг системалаштирувчи универсал принципларидир. Демакки, бундай ҳукмларнинг предметлари бўлган объектларнинг бирилиги ҳам ва уларда ифодаланган қонуниятларнинг универсаллиги табиатда эмас, фақат фикрловчи субъектнинг тасаввурида мавжуд бўлади. Инсоннинг ақли томонидан амалга оширилган категориал синтез айнан тажриба системасини, ёки – худди шунинг ўзи – табиат системасини яратади.

2.2. Ноклассик эпистемологиянинг ижтимоий-маданий ва теологик талқинлари

Илмий билимлар соҳасида турли йўналишларни умумлаштириш билан бирга уларни тизимлаштириш ва шу асосда методологик жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг назаримизда, бу билим жамиятнинг моддий амалий ҳаётида ёки унинг маънавий бойишида, қолаверса, янги илмий тадқиқотларни, янги тадқиқот дастурларини яратишга

хизмат қилади. Оламдаги нарса ва ҳодисаларни англашга йуналтирилган инсон фаолиятининг алоҳида хусусияти сифатидаги эпистемология билан эпистемологик методология ва эпистемология мантиғи, шунингдек эпистемология ёки билиш назарияси шуғулланади. Эпистемологиянинг барча йўналишларига алоқадор бўлган билим ва унинг ҳақиқийлиги масаласи алоҳида предмет бўлиб, одатда тарихий илмий тадқиқотларда «нима, қаерда ва қачон» каби далилий изоҳлаш билан чегараланилади. Тадқиқот предметининг барча қисмларга бўлинишини тахминий эканлигини ҳам таъкидлаш керак. Масалан, эпистемологиянинг предметга оид ташкил қилиниши муаммоси, билим турларининг шаклланиши ва ривожланиши, илмий билимларнинг интеграцияси, синтези, дифференцияси, ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири фаолият сифатида, билим тизими сифатида, эпистемология муаммоларини таҳлили ва йўналишлари билим тизими сифатида хизмат қилади. Эпистемологияни ўзига хос ижтимоий ҳодиса ва институт сифатида тушунишга нисбатан асосий ёндашувларни кўриб чиқамиз. Эпистемологияни формал ижтимоий институт сифатида содда ва аниқ тушуниш учун 1) институт сифатидаги эпистемологияга ва 2) жамоа сифатидаги эпистемологияга «давлат ижтимоий гуруҳининг барча характерли хусусиятлари» хослигини инобатга олиш керак. Биринчи вазиятда биз ташкилотлар тизими ва ташкил қилиш шакллари бошқариш тизими (раҳбар ва унинг қўл остидагиларининг лавозимлари), иерархия тизими (унвон ва даражалар), ташкилотлар тизими (кафедралар, илмий, институтлар, жамият, академиялар, семинарлар тизими, конференциялар, конгресслар, кенгашлар), ҳуқуқий назорат қилиш тизими, ишлаб чиқариш воситалари тизими (инструментал-экспериментал асбоблар, лаборатория хоналари, ахборот тизими) кабиларни назарда тутганмиз. Иккинчи вазиятда биз олимлар жамоасида ҳар қандай инсоният жамоасининг типик хусусиятларини кўришимиз мумкин.

Эпистемология муаммолари ушбу ишнинг предмети бўлмаганлиги учун, биз юқоридаги изоҳлар билан чегараланамиз ва қуйида илмий билиш шаклланишининг тарихий-мантиқий тамойилларига таяниб, аксарият ҳолда Эпистемология ва эпистемология методологияси муаммоларини таҳлил қиламиз. Эпистемология ва илмий билиш жараёни бир бутун тизим сифатида турли соҳаларнинг қисмларидан ташкил топган. Билиш предметини дастлабки таҳлилида илмий билим ва эпистемологияни икки асосий бўлимга: табиатшунослик ва руҳ ҳақидаги билимларга бўлиш мумкин.

XX аср ўрталаридан инсоннинг маънавий-ижодий фаолияти ва табиатнинг идеал объектлари: интеллект, онг, худо, Платон ғоялари, дин, санъат, жамият, давлат, ҳуқуқ, иқтисод кабиларни ўрганувчи барча фалсафа соҳалари руҳ ҳақидаги билим деб атала бошланди. Теология, диншунослик, эстетика, социология, этика-эстетика, иқтисод, ҳуқуқшунослик кабилар ҳам руҳ ҳақидаги билимлар, деб аталди. Мантиқий-предметли даражада янги илмий соҳаларнинг пайдо бўлиши масаласи кўриб чиқилганда, уларни илмий билимлар тизимида баъзи билим соҳаларининг автоматлашувига олиб келувчи учта асосий таркибий қисмларга: предмет, метод, мақсадли билишга ажратиш мумкин. Бундай таркибий қисмга бўлиниш, албатта, муаммони соддалаштиради ва схемалаштиради. Бир қараганда бундай ёндашув етарли даражада тўғри ва ҳатто кенг тарқалгандек туюлади. Лекин, «билим ва илмий билиш» тушунчасида берилган предмет соҳаларидаги тадқиқотларнинг бошқа томони, унинг фундаментал ва амалий соҳаларни методологик таҳлил қилганда намоён бўлади. Бундай бўлиниш муаммоларига алоҳида тўхталмоқ керак. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни бир-бирига қарши қўйиш билан боғлиқ (лингвистик жиҳатдан «ва» боғловчиси билан ифодаланувчи) хато шундан келиб чиқадики, кўпинча амалий техник-муҳандислик фаолияти соҳасида фундаментал билимлар олинмайди ва қўлланилмайди (ёки кам қўлланилади); бинобарин, фундаментал тадқиқотлар соҳасидан олинувчи янги билимнинг кўпгина бўлимлари амалда қўлланилмай қолиб кетади.

Бундан хулоса шуки, фундаментал ва амалий тадқиқотларни қарама-қарши кўйиш тадқиқотчи фаолиятининг предмети ёки методини фарқлашга (улар мос келиши ҳам мумкин) эмас, балки тадқиқотчи фаолиятининг мақсадини ва унга мос келувчи кадриятларга оид мўлжалларни фарқлашга асосланиши мумкин. «Кимёнинг фойдаси ҳақида сўз кетганда» маърузасида олим: «Ўрганиш орқали эгалланган билимни илмий ва бадиийликка бўлади.

Илмий билим нарсалар ҳақида аниқ тушунча беради, яширин ҳаракат ва сабаб хоссаларини очиқ беради; бадиийлик инсон фойдасини бойитиши учун уларни қўллайди. Илмий билимлар биздаги туғма ва шаклланган қизиқишларни қондиради; бадиийлик янгилик излайди. Илмий билимлар бадиийликка йўл очади, бадиийлик илмий билимлар тараққиётини жадаллаштиради. Ҳар иккаласи келишилган ҳолда умумий фойда учун хизмат қилади¹». М.В.Ломоносов ижодида бадиийлик сунъий далилларни яратишдаги фаолиятнинг барча соҳаларида инсондаги ижодий рух, техника ускуналари, металлургия, меъморчилик, тасвирий санъатда намоён бўлади. Унинг фикрича: «Бадиийлик жамият эҳтиёжини қондирувчи нарсаларга гўзаллик ато этади»². Юқоридаги сўзларда илмий ва бадиий билимлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик етарли асосланган. Шунингдек, кимё ҳам бадиий-илмий ва техник билимлар соҳасига тегишли эканлиги эътироф этилган.

Илмий билишни ўрганиш тарихида натурфалсафага алоҳида эътибор берилган. Агар, натурфалсафа ривожини табиатшунослар Галилей, Ньютон ижоди билан боғлиқ бўлса, Р.Декарт ва Ф.Бэкон ижоди билан боғлиқ фалсафа ва фан методологияси натурфалсафадан ажралиб чиқди. Фалсафа ва фан методологияси масалаларини ўрганишга ўтар эканмиз, дунёни эстетик ва диний билишда қатор хусусиятларга кўра фарқ қилувчи оламни билишнинг ўзига хос таърифларини таҳлил қиламиз. Билиш ва илмий билиш

¹ Қаранг. Ломоносов М.В. Слово о пользе химии. Полн собр. Соч. М.: 1951. Т 2. С 349.

² Қаранг. Ўша асар. М.: 1951. Т 2 С 348.

тушунчаларининг турли таърифлари мавжуд. Фалсафа энциклопедик луғати»да (М.1983) «Эпистемология» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Эпистемология реаллик ҳақидаги объектив билимларни тайёрлаш ва назарий системалаштириш функцияси хос бўлган инсон фаолияти соҳасидир. Тарихий тараққиётда эпистемология жамиятда ишлаб чиқариш кучига ва муҳим ижтимоий институтга айланади.

Эпистемология тушунчаси ўзида янги билимни эгаллашдаги фаолият ва шу фаолият натижасида дунёнинг илмий манзараси ҳақидаги шу давргача бўлган илмий билимларни мужассамлаштиради». «Эпистемология» атамаси илмий билимнинг алоҳида соҳаларини белгилашда ҳам ишлатилади¹. Яқин йилларда нашр қилинган «Қисқача фалсафа энциклопедияси»да шунга ўхшаш таъриф берилади: «Эпистемология (юнонча episteme, лотинча scientia)-реаллик ҳақидаги объектив билимларни яратиш ва назарий схемалаштириш функциясига эга бўлган инсон фаолиятининг соҳасидир»². Барча давр ва халқларда мавжуд бўлган маданият тармоғи сифатида эпистемология яратувчилари мустақил функцияни бажарувчи юнонлар бўлиб, кейинчалик, буни маданий ҳаётнинг алоҳида идеали сифатида Европа халқларига етказдилар. Аниқроғи, Европа халқлари бу идеални қабул қилганлар. Эпистемология инсон билимининг моҳиятини ташкил қилади³.

Шу маънода, «эпистемология» ва «илмий билиш» тушунчаларига баъзи файласуфлар берган таърифлар билан танишиб чиқиш масаланинг моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Иммануэл Кант «билиш ва илмий билимнинг асосий белгилари тизимлиликдир», деб ҳисоблаган. Кант фикрича, илмий билим «соф ақл архитектуроникасига биноан мажбурий тизимни ташкил қилувчи билимдир». Бу фикр, айниқса, «Соф ақлнинг танқиди» асаридаги «Метод ҳақидаги трансцендентал таълимот» бўлимида янада аниқроқ баён этилган: «Мен архитектуроникада тизимни қуриш

¹ Қаранг. Философский энциклопедический словарь. М.:1983. С. 403

² Қаранг. Краткий философский энциклопедический словарь. М.: 1994. С. 284.

³ Қаранг. Краткий философский энциклопедический словарь. М.: 1994. С. 287-288.

санъатини тушунаман. Чунки кундалик билим айнан тизимлилик бирлигига асосланиб эпистемология бўлади. Яъни, оддий билим агрегатидан тизимга айланади. Архитектура эса умуман бизнинг билимларимизнинг илмий томони ҳақидаги таълимотдир. Демак, у метод ҳақидаги таълимотга зарурий тарзда киритилади»¹. Кантнинг билиш жараёнига ёки илмий билимнинг моҳиятини англатувчи эпистемологияга берган барча таърифларининг муҳим томони унинг тизимли эканлигини эътироф қилишидир. У шундай ёзади: «Илмий метод тарафдорларига келсак, улар ёки догматик ёхуд скептик бўлиб ҳаракат қилишни танлашлари керак. Лекин улар барча ҳолатларда ҳам тизимлиликка риоя қилишлари керак»². Илмий билимларнинг идеаллари ва нормалари эса Кант учун математика бўлган: «Табиат ҳақидаги ҳар қандай хусусий билимда том маънодаги илмий билимни математикада қанча бўлса шунча топиш мумкин»³. Артур Шопенгауэр илмийлик эталони сифатидаги математик билим идеалини инкор қилар экан, илмий билимнинг асосий белгисини аниқлашда Кантга яқинроқ туради. Агар Кантда тизимлилик бўлса, Шопенгауэрда унга моҳият билан яқин тушунча «умумий»ликдир. Шопенгауэр фикрича, “Билимнинг мақсади кичик асосланганликдир”⁴. Бироқ, билимларнинг эпистемологик шакли билан енгиллаштирилиши билимларнинг тўлиқ асосланишига имконият яратади. Шунинг учун билимнинг илмийлиги унинг асосланганлигида, деган хулоса фақат математика ва мантиқ том маънодаги эпистемология дейилиши ёлғон. Чунки фақат уларгина ўзларидаги априорликка биноан инкор қилиб бўлмайдиган асосланган билимга эга. Улардаги устуворликни инкор қилиб бўлмайди, ўз навбатида бу уларга асосланган бўлишидан қатъи назар энг умумийликдан хусусийликка етакловчи билиш шаклининг тизимлилигида илмийликка даъво қилишига ҳуқуқ бермайди.

¹ Қаранг. И.Кант. «Критика чистого разума». Мфсьль 1994. С.591

² Қаранг. И.Кант. Метафизическое начало естествознания. ff Соч. М.1963.Т.-8 С 543

³ Қаранг. Ўша асар. С 544

⁴ Қаранг. А.Шопенгауэр. Мир: как воля и представление. ff Соб.соч. в 5-т. М. 1992. Т-1. С 395.

XX аср файласуфи Карл Ясперс эпистемологиянинг асосий белгиси сифатида унинг умумий аҳамиятлилигини ажратиб, ҳам Иммануэл Кант, ҳам Артур Шопенгауэрга ён босади. Бироқ, илмий билимнинг асосланганлиги ва методларининг мавжудлигини эътироф қилиб, Шопенгауэрдан тамомила фарқ қилади. «Ҳозирги замон илмий билимлари таснифи»да у: «эпистемологияга учта асосий белги: билиш методлари, асосланганлик ва умумий аҳамиятлилик хосдир»¹, деб ёзади. Карл Ясперс, мен илмий билимга фақат методни англаганимдагина эга бўламан, унинг воситасида мен бу билимни эгаллайман, демак, уни асослашим ва унга хос чегараларни кўрсатишим мумкин. Мен илмий билимларга фақат билимнинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилганимдагина эга бўлишим мумкин. Бу билан мен асосланмаган эҳтимолли ва ноэҳтимолли билимга эга бўламан. Мен илмий билимга фақат бу билим умумаҳамият касб этганда эга бўламан»², деб эътироф этади.

Илмий билимларни тушуниш ҳар қандай ақлли инсонга хос бўлганлиги учун мазмунан айнанлигини сақлаган ҳолда хулосалар кенг кўламда тарқалади. Якдиллик – умумаҳамиятлилик белгиси «қаерда узоқ вақт мобайнида фикрловчи фаолиятида якдилликка эришилмаса ўша ерда илмий билимнинг умумий аҳамиятлигига шубҳа пайдо бўлади»³. Умумий аҳамиятли ва ягона билим асосланганликнинг ва айниқса, ҳақиқийликнинг, яъни билимнинг объективлигини қониқарли мезони эмаслигини қайд қилишимиз керак. Тўғрироғи, бу конвенционализм мезони. Демак, биз Анри Пуанкаре ижодида яққол намоён бўлган конвенционализм нуқтаи назарига тўхталамиз. Позитивизмда билимнинг илмийлиги мезони унинг тасдиқланганлиги (верификация) ҳисобланади. Бу эса мантиқан зиддиятли бўлмаган тил ва баённомалардаги мулоҳазаларда тақдим этилган тажриба натижаларини изоҳловчи мантиқ билан боғланади. Ўз навбатида

¹ Қаранг. Ўша асар. С 304.

² Қаранг. К.Ясперс. Смысль и назначение истории. М. 1993. С 95.

³ Қаранг. К.Ясперс. Смысль и назначение истории. М. 1993. С 33.

постпозитивизм вакили Карл Поппер позитивизмдаги билим илмийлиги мезонига қарама-қарши «фальсификация» тамойилини илгари суради. Унга кўра билим «Агар унинг потенциал фальсификаторлари нолга тенг бўлмасалар¹» илмий билим сифатида қабул қилиниши мумкин. Ва ниҳоят, Пол Фейерабенднинг «Илмий билимнинг анархик назария»си асарида ҳақиқий эпистемология учун «илмий билимларнинг пролифелацияси» хосдир, эпистемологияда ўрганиладиган объектларни изоҳлаш ва тушунтириш учун турли вариантларни яратиш зарур. Бунга мос келиш тамойилида ифодаланган илмий билимнинг ворисийлигини ҳам кўшиш мумкин. Агар юқорида келтирилган таъриф ва таснифларда илмий билимнинг инвариант белгиси ажратилса, бу энг аввало, бир қарашда асосланганлик эмас, балки умумийлик ва тизимлилик бўлиб кўринадиган ва эпистемология тарихи шуни тасдиқлайди. Эпистемология соҳасида эгалланган кўп билимлар эскирган, қайта кўриб чиқилган, шунчаки инкор қилинган, лекин улар илмий билим мажмуига умумаҳамиятлилик ва тизимлиликка даъво қилувчи тасаввур шакли сифатида киради. И.Кант сўзлари билан айтганда, илмий билим ва илмий метод хусусияти бу ўзига хос архитектоникадир. Ниҳоят қатор олимларнинг ижоди таҳлили натижасида билим илмийлигининг асосий мезонлари сифатида:

Умумийлик ва тизимлилик; умумаҳамиятлилик (интерсубъективлик); объективлик (билиш субъектига боғлиқ эмаслик); махсус билиш методларининг мавжудлиги (назарий ва экспериментал); асосланганлик (верификация); танқидийлик (фальсификация); тўлдирувчанлик (корпускуляр-тўлқинли дуализмдан П.Фейерабенднинг методологик анархизмигача); ворисийлик (мос келиш тамойилида намоён бўлади) кабиларни санаш мумкин. Аввало, танланган билим илмийлиги мезонларидан мутлақо инвариантларини ажратишга ҳаракат қиламиз. Бир қараганда «энг илмий» мезонларга объективлик ва асосланганлик кирмайди.

¹ Қаранг. К.Поппер. Логика и рост научного знания. М.: 1983. С 25.

Дарҳақиқат, агар билим объективлигини объект ҳақидаги билим элементларининг сони сифатида улар қандай бўлса шундайлигича «ўз-ўзини» билиш тизимларининг таъсирсиз тушунилса, у ҳолда бу идеал эпистемология тараққиёти жараёнида йўқолади. Масалан, билим илмийлиги нормаларининг атамаларда ўзгаришининг даврийлигига диққатни жалб қилиш мумкин: мумтоз эпистемология, номумтоз эпистемология, постномумтоз (ўз навбатида, мумтоз, номумтоз, постномумтоз илмий билим). Эпистемология тараққиётининг классик давридан (классик механика, электродинамика) ноклассик даврига (объект–инсон ва унинг инструментини тадқиқ қилувчи, ягона тизим сифатидаги квант механикаси), ундан кейин эса постклассик даврга (инсон ўз-ўзидан ривожланувчи очиқ тизимлар билан алоқадорликда, билим илмийлигининг қадриятли мезонлари ролининг ортиши) ўтишини кузатиш мумкин. Физикада микрозарарларни, квант механикасида кузатилувчи тизим (объект ва унинг атрафидагилар) кузатувчи тизим (субъект ва унинг инструменти)ни на экспериментал вазиятда ва на назарий изоҳлашда ажратиш мумкин эмас. Бу ерда билим объективлиги Кантнинг бу тушунчага тажриба чегараларидагина асосга эга бўлган умумаҳамиятли билим маъносини берганлиги сифатидагина сақлаб қолади. Шу маънода, XX аср илмий билимлари Кантнинг илмийлик мезонларига тобора яқинлашганлигини кузатиш мумкин. Объективлик тушунчаси Кантда қуйидагича изоҳланади: «Демак, объектив аҳамият ва зарурий энг умумийлик айний тушунчалар, зеро биз объектни ўз-ўзидан билмасак-да, бироқ биз мулоҳазага энг умумийлик нуқтаи назаридан қараганимизда, зарурият орқали унга объектив мазмун берамиз»¹. Асосланганликка келсак, эпистемология тарихида илмий билимларнинг кейинчалик инкор қилинганлиги ёки жиддий қайта кўриб чиқилганлиги ҳақида жуда кўп мисоллар бор. Бундан улар ноилмий бўлиб қолгани йўқ, зеро эпистемология

¹ Кант И. Пропедеомы ко всякой будущей метафизика, могучей возникнут в смысле науке. М.:1983. С 240..

тарихининг жуда катта бўлимини унинг тарихи бўлмаганлиги учун чиқариб ташлаш керак бўлар эди: геоцентризм, антик даврдаги эфир ва стихиялар ҳақидаги, шунингдек, флогистон ҳақидаги таълимот.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий билим ҳақиқатни эгаллашга интилмади, чунки эпистемологияда билимнинг мутлоқ эмас, балки асосланган (верификация) мезонлари қабул қилинади. Экспериментал эпистемологияларга хос прагматиклик, техник эпистемологияларга хос терминологик изчиллик, мантиқан кетма-кетлик (назарий эпистемологияларга хос, айниқса, математика назарий физика, мантиқ) соддалик (вариантлардан бири – Э.Махнинг тафаккурни иқтисод қилиш тамойили), соф моҳиятга мос келиши. Бу мезонлар турли даврларда турли олимлар томонидан қабул қилинган. Ҳар қандай билим ҳам ворисийликка асосланмайди, айнан бир объектга берилган изоҳни қўшимча деб бўлмайди (Агар биттаси хато бўлса ёки муқобил концепция вакиллари томонидан қабул қилинмаса ёки объектнинг қўшимча изоҳи бўлмаса). ҳар қандай билим умумаҳамиятли бўла олмайди (айниқса, бу узок давр мобайнида якка кишиларгагина ёки фақат муаллифга аҳамиятли бўлган янги ғояларга тегишли).

Верификация ва фальсификация тамойилларига келсак, уларни билимларни текшириш тамойили билан қўшиш мумкин. ҳар қандай билим уни потенциал тасдиқлаш ёки инкор қилиш мумкин бўлгандагина илмий бўла олади. Афсуски, анъанавий билимларга тегишли бўлган барча билимларни текширишнинг иложи йўқ. космогик назариялар, кузатиб бўлмайдиган элементар зарралар, тарихий реконструкциялар шулар жумласидандир. Натижада, билим илмийлигининг инвариант мезонлари – унинг умумийлиги мезони (тизимлилик, тизим) ва анланган методнинг мавжудлиги (назарий ёки экспериментал билим инструментлари билиш методларининг тизими) ҳисобланади. Билим илмийлигининг учинчи мезони улардаги тарихий ворисийлик ва фальсификациялашдир. Бу «мос келиш»

тамойили ва «фальсификация» тамойилининг умумилмий аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди. Ва ниҳоят, эпистемология ва илмий билимнинг тизимлилиги (бир бутунлиги) фақат аниқ анланган методда мавжуд бўлади. Бу ҳақда Ф. В. Гегелнинг «Мантик» асарида қуйидаги фикр илгари сурилган: «Билиш билим сифатида метод билан бошқарилиши керак. Зеро, илмий билим агрегат мазмунида эмас, балки бир бутун билишдир. Шунинг учун у ўйланиб амалга ошириладиган тизимли билишни талаб қилади. Яъни анланган метод асосида элементлар ҳақидаги таълимот сифатида мантик ўз мазмунида билиш элементлари ва мукамаллашув шароитларига эга, аксинча, метод ҳақидаги умумий таълимот мантикнинг бошқа бўлаги сифатида умуман илмий билишнинг шакли ёки услуби талқин қилиниши керак».¹ Натижада биз билим ва илмий билишнинг ягона инварианти уларнинг асоси аниқ ва анланган метод деган хулосага келишимиз мумкин. Ёки бошқача қилиб айтганда, ўзида методология ёки ўз методи ҳақидаги таълимотни мужассамлаштирган билиш фаолияти соҳасигина ҳақиқий эпистемология бўлиши мумкин.

Эпистемология ва фалсафий билимларга келсак, фалсафий билимлар билим илмийлигининг юқорида келтирилган асосий мезонларига мос келмайди. Фалсафий билимда умумийлик ва тизимлилик махсус билиш методлари (гносеология) верификациялаш ва фальсификациялаш ҳамда тўлдирувчанлик бору, лекин умумаҳамиятлилик ва ворисийлик каби муҳим белгилари йўқ. Физикада илмий жамоа вакиллари томонидан, масалан, Ньютон классик механикаси, Максвелл электродинамикаси, Шредингер тенгламалари, сақланиш қонуни, кимёдаги атом молекуляр таълимоти ёки биологиядаги насл ва генетик информацияни молекуляр етказувчилар ҳақидаги таълимотлар тан олинган. Эпистемологияда эса, аксинча, барча даврларда бир-бирига қарама-қарши таълимотлар бир гуруҳ олимлар томонидан тан олинса, иккинчи гуруҳ олимлари томонидан инкор қилинган.

¹ Қаранг. Ф. В. Гегел. Логика. Сочинения М.:Т-8 1994. С. 266.

Эпистемология инсон илмий фаолиятининг барча бошқа соҳаларининг асосий методологияси бўлса-да, лекин ўз соҳасини методологик ишланмалар, яъни фалсафий таълим методологияси билан таъминлай олмаган. Бундай Эпистемология тараққиётига эпистемология сифатида эски ва мукаммал бўлмаган билимларнинг янги, янада мукаммалроқ билимлар билан алмашилиши, эски билимнинг янгича таркибий қисм, элемент сифатида намоён бўлиши каби қарашлар шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, эпистемологияга тараққиётнинг мос келиш тамойили нуқтаи назаридан қаралган. Бундай ҳолда, албатта, бошқа эпистемологияларни ўрганишдаги каби (математика, физика, биология) Эпистемология курсида асосий эътибор унинг энг сўнгги ютуғи – диалектик материализмга қаратилган. Бироқ, Эпистемология барча асосий соҳаларда эпистемология бўла олмайди. Бу эҳтимол, фалсафий билимларда мос келиш тамойилига асосланган (Илгариги билимлар янги мукаммал билимлар таркибига кирмайди, балки доимий долзарблигини сақлайди.) прогрессив тараққиёт кузатилмаганлиги ҳақидаги рад қилиб бўлмайдиган далил бўлганлиги учундир. Зеро, файласуф учун Платоннинг диалогларини, Аристотелнинг «Метафизика»сини, Августиннинг «Тавба»сини, Декартнинг «Метод ҳақида мулоҳазалар»ини ўрганиш ҳозирги замон олимларининг тадқиқотларини ўрганишдан муҳимроқ. Айни пайтда табиатшунос олимларнинг маълумоти Галилейнинг «Дунёнинг икки муҳим тизими ҳақида»ги диалоги ёки Ньютоннинг «Натурфалсафадаги дастлабки математика»сини ўрганмасдан ҳам мукаммал бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан таълимнинг фалсафий методологик муаммолари, жумладан, фалсафий таълим жуда муҳим эканлигидан далолат беради. Бунда фалсафий фикр, жумладан, унинг амалий соҳалари, масалан, ижтимоий Эпистемология жамиятни ёки тарихни ўзгартириш, технологиясини яратиши керак, деган хулоса келиб чиқмайди(фалсафий концепцияларни ижтимоий тажрибада Сиракузада Платон, Россияда Ленин қўллаганининг оқибатларини эслайлик). Эпистемология тушунчасининг

мазмунини қуйидаги қисқа таъриф билан ифодалаш мумкин: «Эпистемология англандан билиш методлари асосида тизимли билимларни яратувчи мақсадли билиш фаолиятидир». Бу ерда масала Кантнинг «Метод мавжуд ҳолатлар асосида ҳаракат қилиш воситасидир¹», деган фикрини эслашимиз кифоя.

Тарихий тараққиётда мураккаблашаётган эпистемология ва билиш муаммоси Хайдеггер таълимотида яхши ифодаланган. Англаш йўллари ҳаракат бошланган жойга қараб доимо ўзгаради. Барча билимлар ўз йўлида ўз воситалари билан ҳеч қачон эпистемология моҳиятига ета олмасалар-да, ҳар бир тадқиқотчи-ўқитувчи, у ёки бу эпистемология билан шуғулланувчи ҳар бир инсон фикрловчи мавжудот сифатида англашнинг турли даражаларида ҳаракат қилиши ва уни қўллаб-қувватлаши мумкин².

Хуллас эпистемология, илмий билиш жараёни рационал ва иррационал жиҳатларнинг диалектик бирлигидан иборатдир. Аслида бу жиҳатлар инсон фаолиятининг икки томонини, билиш, хусусан илмий билишнинг мураккаб, серқирра жараён эканлигини кўрсатади.

2.3. Постноклассик эпистемологиянинг ўзига хос хусусиятлари

Замонавий даврда инсоният олдида турган муаммолар тобора глобал, кўп қиррали, мураккаб, планетар характер касб этмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш янгича тафаккур тарзини талаб этади. Ҳозирги кунда фалсафада янгича тафаккур тарзи сифатида постноклассик эпистемология ривожланиб, турли фан соҳаларига кириб бормоқда. Мавжуд замонавий мураккаб ва глобал муаммоларни ҳал қилиш илмий билимлар синтези, уларнинг замонавий фан сифатида амал қилиниши талаб этмоқда. Бу омиллар кейинги пайтларда билимни эволюцион, эволюцион парадигма асосида ҳам таҳлил этилишининг кучайишига олиб келди. Бу парадигмага асосан билим оддий

¹ Қаранг. Кант И. Метафизические начала естествознания. Соч в 8-т. Т-8. М.: Мъсль. 1963. С 401.

² Қаранг. Хайдеггер М. Время и бѣтие. Статьи и вѣступления. М.: Республика, 1995 С.447.

тизим эмас, балки ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида таърифланмоқда. Демак биз шу ўринда эпистемологик тизим тушунчасининг таърифини келтириб ўтамиз. Бу тушунча илмий муомалага австралиялик биолог *Людвигу фон Берталанфи* (1901 – 1972), тизимли ёндошувни эса А.А. Богданов биринчи бўлиб киритган¹. Турли тизимлар мавжуд бўлиб, уларга элементлари объектлар бўлган тизимларни (электр тизими), ёки элементлари субъектлар бўлган тизимларни мисол қилиш мумкин. Тизимлар объекти, функциясига кўра турлича бўлиши мумкин, аммо тизимлар назариясига кўра уларни умумий бирлаштириб турувчи умумий хосса уларда тартиб ва тартибланганликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Тизимда элементлар ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилади. Агар бирон элемент олиб ташланса, ёки қўшилса, тизимда албатта ўзгариш юз беради. Тизимни бўлиш бу тизимни бузиш билан тенгдир. Тизимдаги элементлар ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат қиладилар ва янги билимларни вужудга келтиради. Тизимнинг ҳатти-ҳаракати унинг структураси билан белгиланади, тизим структурасидаги ўзгаришлар тизимнинг ўзгаришини билдиради.

Тизимдаги хаос ҳолатига тизимда кўп элементларнинг мавжуд бўлиши, тизимда қатъий чегараларнинг мавжуд бўлмаслиги, беқарор динамик ҳолат каби белгилар хосдир. Дарҳақиқат, эпистемологик тизимда хаос ва тартиб икки қарама-қарши ва бир-бирини тўлдирувчи моҳият сифатида қаралади. Тарихга назар ташласак, классик фан икки хил тизимларни эътироф этар эди. Улардан биринчиси детерминацияга асосланган тизимлар бўлиб, бу тизимларнинг фаолияти классик механиканинг ночизиқли тенгламаларига асосланар эди. Иккинчиси стохастик, эҳтимолли жараёнларга асосланган тизимлар². Эқорида келтирилган икки жараёнда Синергетикага асосланган ночизиқли тафаккур тарзи учинчи турдаги тизимларни ҳам эътироф этади.

¹ Ўша жойда . –С.22.

² Лесков Л.В. Футуро синергетика . универсальная теория систем. М.: Экономика, 2005. -С.38

Илмий билимлар ривожланишига синергетик ёндошув Князева фикрича, илмий билимларни очик тизим эканлиги; илмий билимлар ривожланишининг ночизиқли эканлиги; когнитив тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этишига асосланади¹. Фаннинг асосий элементи бўлган билим ҳам мураккаб тизим сифатида ташқи таъсир даражаси ва характери (глобаллашув, ахборотлашув, глобал экологик муаммолар) таъсирида нисбатан барқарор ривожланиб боради. Аммо маълум шароитда сакраш йўли билан янги макроскопик тартиб ҳосил қилади². Яъни мавжуд қонунлар, уларнинг тўғрилиги маълум чегерага эга бўлади. Фан синергетик очик тизим бўлганлиги сабабли унга доимий янги ғоялар, кашфиётлар келиб қўшилади. Баъзи ғоялар, кашфиётлар “шу даражада радикал бўлиши мумкинки, натижада билимларда чуқур сифатий ўзгаришлар”³- трансформациялар юз бериши мумкин. Фанда кучли флуктациялар янги ғоя, эксперимент тарзида содир бўлади. Уларнинг баъзилари рад этилиб, баъзилари эса бошқалари билан алмаштирилиши, ёки қабул қилиниши мумкин. Бу янги ғоялар билим тизими учун “тартиб параметрлари”⁴ бўлиб хизмат қилади.

Тартиб параметрларини Куннинг “парадигма”сига қиёслаш мумкин. Тартиб параметрлари фандаги янги билимларни яратиш йўналишларини белгилайди ёки мавжуд тартиб параметрига хос илмий изланишларнинг миқёсини кенгайтириб, кучайтириб, уларни Кун сўзи билан айтадиган бўлсак, “нормал фан” мақомига етказди. Бундай тартиб параметрлари асосида бир илмий билиш ҳолатидан иккинчисига ўтиш содир бўлади. Янги ғоя, янги парадигма, янгича илмий ёндошув билимлардаги трансформация жараёнларини содир бўлишига олиб келади. Бундай билимлардаги ўзгаришлар тасодифан яратилган кашфиёт, ғоя натижасида, ижтимоий-маданий омиллар таъсирида ҳам содир бўлиши мумкин.

¹ Князева Е.Н. Оддиссея научного разума. Синергетическое видение научного прогресса. М., 1995

² Хакен Г. Тайны природы. Синергетика наука о взаимодействии. Перевод с нем. Логанова. М.: Ижевск. -С-273.

⁴ Ўша асар. -С.272

Замонавий постноклассик фаннинг вужудга келиши ва Ўзбекистон мустақилликка эришгач республикамиз фан тизимида содир бўлган ўзгаришлар юқоридиги фикримизга мисол бўлиши мумкин. Агар биринчи мисолимизда фанда яратилган янги ғоялар (эволюционизм, синергетика) фанни ўзгаришига олиб келган бўлса, иккинчи мисолимизда фан янги сиёсий-маданий омиллар асосида ўзгарганини кўрамиз.

Фанни ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида тадқиқ этар эканмиз¹, Лесков² фикрича, фан бифуркация нуқталари ва “эволюцион ва инэволюцион”³ жараёнларидан иборат йўлни босиб ўтади. Яъни фандаги тараққиёт билим тизимининг нафақат мураккаблашувини, балки баъзида соддалашув жараёнларини ҳам билдиради. Ҳар бир янги илмий назария дастлаб қабул қилинади, маъқулланади, сўнгра эса догмага айланиб қолиши ҳам мумкин. Бу Князева фикрига кўра, фандаги инэволюцион кўрсаткич ҳисобланади. Энг катта бифуркация нуқталари илмий революциялар тарзида таърифлаш мумкин. Лесков кўрсатишича, фан тарихида содир бўлган 4 та илмий революцияни бифуркация нуқталари сифатида кўриш мумкин. Инсоният янги бешинчи илмий инқилоб арафасида бўлиб, бу илмий инқилоб асосини қаттиқ жисмлар физикасининг ютуқлари, нанотехнологиялар, молекуляр биология, нейрофизиология, психофизика, ген инженерияси ташкил этади.

Билимни бир тизим сифатида тадқиқ этишда синергетик парадигманинг аҳамияти нимада деган савол туғилиши табиий. Бу фанга нима беради? Синергетикани билимни тадқиқ этишда қўллаш энг авало классик фандаги асосий тушунчалар бўлган абсолют ҳақиқат ва абсолют билим тушунчасидан воз кечишни, сабабийликни классик тушунишни, редукционизмни, чизиқлиликни инкор этишни билдиради. Синергетика объект, субъект, онг ва

¹ Абдуллаева М.Н. Инновационная основа научного творчества // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: уаммолар, ечимлар ва истикболи: Республика илмий-амалий конференция. Самарканд, 2007. – Б.11.

² Лесков Л.В. Футуро синергетика. Универсальная теория систем. М.: Экономика, 2005. -С.129.

³ Князева Е.Н.Оддисея научного разума. Синергетическое видение научного прогресса. М., 1995.

материяга янгича қарашни келтириб чиқармоқда. Масалан, борлик категорияси борлиқлар, мавжудлик, доимий вужудга келиш сифатида таърифланмоқда. Барқарорлик тушунчаси номумвозийлик, тартиб тушунчаси хаос, эволюция тушунчаси эса коэволюция тушунчасига, алоҳидалик ўзаро боғлиқлик, когерентлик билан алмаштирилди. Бу жараён шу вақтгача мавжуд бўлган категорияларнинг йўқолишини эмас, балки уларнинг синтезини билдиради.

Билимларни ўз-ўзини ташкил этувчи тизим сифатида таърифлаш турли билимларни бир тизим сифатида кўриш имконини беради. Натижада энг аввало табиий ва гуманитар фанлар ўртасида ички алоқа мустаҳкамланади. Шарқ ва Ғарб тафаккури, янги мураккаб тизимлар ва ночизиқлилиқ, хаос ҳақидаги янги фан билан эски маданият, санъат, фан ва фалсафа боғлиқлиги эътироф этилади¹. Келажакда фан яхлит, комплекс тизимга айланади. Бу билан билишнинг замонавий муаммоларини ҳал қилиш учун зарур бўлган соҳалараро синтези таъминланади. Илмий изланишларда турли фан хулосаларидан фойдаланилади. Фаннинг гуманизациялашуви кучаяди.

Иккинчидан, билимни ўз-ўзини ташкил этувчи тизим сифатида эътироф этиш, илмий билимлар эволюцияси парадоксал тарзда ўз ичига “инэволюцион” жараёнларни ҳам олган, синергетик тизим эканлигини кўрсатади. Унинг ўз-ўзини ташкил этувчи тизим сифатида таърифлаш унинг ривожланиш механизмларини янада тўлароқ ўрганиш, тадқиқ этиш, ундан амалий фаолиятда кенг фойдаланиш имконини яратади. Шу сабабли билимлар ривожланишининг механизмларидан билимларни бошқаришда, инсоният олдида турган глобал муаммоларни ҳал қилишда муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Фанни ўз-ўзини ташкил этувчи тизим сифатида эътироф этиш унда замонавий инқироз деб таърифланаётган ҳолатлар, билимлардаги бифуркация нуқталари бўлиб, кейинчалик янги сифатий даражага ўтиш

¹ Князева Е. Синергетический вызов культуры. Синергетическая парадигма. М., 2000. -С.243-261.

жараёнларининг содир бўлишини билдиради. Бунда мазкур тартиб параметрига мос бўлмаган тасодифан пайдо бўлган ғоя ва илмий изланишларга ҳам эътибор бериш талаб этилади. Фан тизимида фақат бир ғоя, (тартиб параметри, парадигмага) урғу бериш инкор этилади. Фан бифуркация нуқталарида бир нечта эволюцион ривожланиш йўллари эътироф этилади. Фандаги инқироз деб таърифланадиган ҳолатлар, унинг тизим сифатида янги даражага ўтиш жараёнини билдиради. Шу сабабли фан бир тизим сифатида тобора мураккаблашиб, ўзида антик, классик, ноклассик, постноклассик даврларни мужассам этади. Бугунги кунда ҳам фанда ана шундай соҳалараро синтез, ўз-ўзини ташкил этиш жараёнлари унинг барча даражаларида содир бўлмоқда. Бу жараёнларни фан рефлексияси, янги постноклассик эволюцион парадигманинг вужудга келиш даври сифатида изоҳлашимиз мумкин.

Фаннинг ўз-ўзини ташкил этувчи, очиқ тизим эканлигини эътироф этиш, унинг жамият билан доимий диалог олиб боришини таъминлайди. Натижада фан жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этади, жамият эса фанни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиши зарур бўлади. Бунинг учун жамиятда фалсафий дунёқараш, ахлоқий тамойиллар, сиёсий тизим асосларини ночизиқли тафаккур асосида модернизация қилиш зарурдир. Натижада фан ва жамият бир тизим элементлари сифатида ўзаро мувофиқликда фаолият олиб борадилар, бу ўзарао мувофиқлик жамият ва фан эволюцион таракқиётидаги янги даврни бошлаб беради. Бу омиллар келажакда фаннинг ягона организм, яхлит, комплекс тизимга айланишидан дарак беради. Натижада “табиат ва инсон фаолиятининг бирлашуви, унитар антропо-космик, илмий-техник-ижтимоий-табiiй автоном қонуниятлари билан фаолият кўрсатувчи,

ўз-ўзини ўзгартирувчи комплекс бўлган фанни”¹ вужудга келиши таъминланади.

Синергетика очик, номувозанатли тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини, улардаги хоссалар ва қонуниятларни ўрганади. Синергетикада ўрганилаётган тизимлар бир қанча ёки турлича қисмлардан ташкил топган ва улар ўзаро ҳамкорликда; бу тизимлар ночизиклидир; физикавий, кимёвий, биологик тизимларни кўриб чиқиб, мувозанатсиз, очик тизимлар ҳақида фикр юритади; бу тизимлар ташқи ва ички тебранишга маҳкум; тизимлар беқарор-лашиши мумкин; уларда сифатий ўзгаришлар рўй беради; бу тизим-ларда эмерджент янги сифатлар кашф қилинади; маконий (коинотий), замон, замон–макон ёки функционал тузилмалар юзага келади; тузилмалар тартиблашган ёки хаотик бўлади; кўп ҳолларда математизация эҳтимоли бор². Бундай тизимларга хос бўлган хусусиятлар фан тизимига ҳам характерлидир.

Синергетикада фан очик, ночизикли мураккаб тизим сифатида эътироф этилади. Бу ҳақда Хакен ёзади: “Фан ҳам очик ўз ўзини ташкил этувчи тизимдир. Унинг баъзи даврлари биологияда тасвир-ланадиган ҳаётнинг пайдо бўлиш жараёнига ўхшайди. Яъни дастлаб тасодифан пайдо бўлган органик молекулалар (мисол учун – аминокислоталар) йирикрок тузилмаларга бирикадилар, сўнгра улар бирдан шундай янги тартиб ҳолати пайдо бўладик, натижада бутунлай янги сифатий функция ва юқорирак даражадаги структурага ўтиш содир бўлади”³. Шу боис синергетика тамойиллари билимлар-даги трансформация жараёнларини, бу жараённинг механизмини тушуниш ва тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹Ильин В.В. Философия. Т1. –Растов-на Дону: Феникс. 2006. -С-439

² Хакен Г. Синергетика 30 лет. Интервью с профессором Г. Хакеном // Вопросы философии, -М., 2000. №3. –С.55.

³ Хакен Г. Тайны природы. Синергетика наука о взаимодействии. Перевод с нем. Логунова. - М., Ижевск, 1997. –С.278; Лесков Л.В. Футуро синергетика. Универсальная теория систем. - М.: Экономика. 2005. - С.128.

Маълумки фан мураккаб тизим сифатида доимий ўзгариш, ривожланишдадир.

Фандаги ўзгариш ва ривожланиш натижасида фан асослари бўлган оламнинг илмий манзараси, идеал ва нормаларда трансформация жараёнлари содир бўлади. Бу жараён фан тизимининг ҳам трансформацияланушига олиб келади. Фандаги трансформация жараёнининг моҳитиятини сифатий, структуравий ўзгаришлар натижасида фаннинг бир тизимдан мураккаброғига ўтиш жараёни ташкил этади. Билимлардаги трансформация жараёнларининг синергетик таҳлилида ҳам трансформация жараёнлари билимнинг бир тизимдан иккинчисига ўтиши, янги сифат ва структура ҳосил қилиши сифатида таърифланади¹. Фандаги трансформация жараёнлари синергетикада фазали ўтиш, янги, мураккаб “метатизимли ўтиш” ёки кичик ўлчов-лиликдан юқори даражадаги ўлчовлиликка ўтиш – транс ўлчовли-ликка ўтиш сифатида тавсифланмоқда. Фазовий ўтиш - бу тизимнинг сакраш йўли билан тизим ҳолатининг ўзгаришидир².

Синергетиканинг эвристик имкониятлари билимлардаги трансформация жараёнларининг механизмини тадқиқ этиш имконини беради. Билимлардаги трансформация жараёнига инсонни ҳам ўз ичи-га олувчи мураккаб, ўз-ўзини ташкил этувчи объектларни ўрганиш сабаб бўлганлиги эътироф этилади. Синергетикада трансформация жараёни фаннинг ўзини ўзи ташкил этиш жараёни сифатида тавсифланади. Бунда турли фанларнинг барқарор чегаралари еми-рилади. Билим тизимида турли билим соҳаларининг ўзаро таъсири кучаяди. Буни бугунги кундаги фандаги интеграция жараёнлари мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек, синергетик тамойиллар билимларнинг ривожланишида инқилоб ва

1 Философия науки. Синергетика человекомерной реальности. 2002. №9, -С.3.

2 Добронравова И.С. Синергетика: становление нелинейного мышления. –М., –С.43.

эволюция жараёнларини бир–бирига қарама-қарши кўймайди, балки уларнинг бирлигини эътироф этади.

Синергетика маълумки мураккаб, ўзини ташкил этувчи, ноци-зиқли тизимларни ўрганади. Жумладан, билим ҳам мураккаб тизим сифатида ташқи таъсир даражаси ва характери (глобаллашув, ахбо-ротлашув, глобал экологик муаммолар) ва ички мантиқий қону-ниятлари таъсирида нисбатан барқарор ривожланиб боради ва маълум тартиб параметрига амал қилади. Фандаги трансформация жараёни-нинг моҳиятини тушунтиришда тартиб параметри тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Тартиб параметри тизимдаги унсурларни ўзаро монанд ҳаракатлари йўналишини белгилайди. Фан каби мураккаб тизимда тартиб фан элементларининг ўзаро муносабати ва тизим структу-расини белгилайди. Тартиб мураккаб тизимлардаги элементлар ўртасидаги муносабатда детерминациялашган хаос ва ўзаро ҳам-корлик (коперацияга) асосланади (Детерминациялашган хаос - бу тизимнинг мувозанатсиз, беқарор ҳолатидир). Бундай тизимнинг мик-родаражасидаги хаотик жараёнлари макродаражадаги тартибланишни келтириб чиқариши мумкин.

Мураккаб тизимлардаги янги даражага ўтиш энг аввало тартиб параметрларига флуктуацияларнинг таъсир этишидан бошланади. Фан тизимида бу таъсирлар турли янги ғоя, назариялар ёки маданий – ижтимоий омил бўлиши мумкин. Фаннинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ана шу тартиб параметрларининг ўзгариши орқали содир бўлади. Тартиб параметрларининг ўзгаришидан олдин фан тизимида турли ғоялар, турли илмий мактаб ва йўналишлар кўпайиб кетиши кузатилади. Натижада мавжуд фандаги тартиб параметри билан янги тартиб параметрлари орасида рақобат пайдо бўлади. Бунда фан тизимини эволюцион барқарор ҳолатга қисман қисқа йўл билан олиб ўтган ғоя янги тартиб параметрига айланади

(постноклассик фаннинг тартиб параметри гуманизация, дейиш мумкин)¹. Натижада фан тизими² структурасининг барча элементларини ўзига бўйсундирувчи янги параметр ва янги структура ҳосил бўлади. Бунга батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, фандаги мавжуд қонунлар, фан ривожланишининг маълум даврига келиб, илмий билиш мезонларини белгилашга ожизлик қилиб қолади. Бунга классик фан асосларининг инқирозини мисол қилиш мумкин. Яъни фан ривожланишининг маълум бир даврида беқарор вазият, детерминациялашган хаос ҳосил бўлади. Турли назария, ғоя, тасодифий кашфиётлар фандаги детерми-нациялашган хаоснинг аналоги бўлиши мумкин. Чунки янги ғоялар, кашфиётлар шу даражада радикал бўлиши мумкинки, натижада билимларда чуқур сифатий ўзгаришлар-трансформациялар юз беради. Фандаги бундай трансформация жараёнлари бир неча бор содир бўлган. Ана шундай фандаги трансформация жараёнлари натижасида классик, ноклассик ва постноклассик фан вужудга келди.

Фанда флуктациялар (умумий ҳолда таъсирлар) янги ғоя, янги эксперимент, янги ижтимоий – иқтисодий омиллар тарзида содир бўлади. Бундан кўриниб турибдики. Флуктацияларни икки туркумга бўлиш мумкин. Ташқи муҳит яратадиган ва фан тизимининг ўзида вужудга келадиган флуктациялар. Баъзан мавжуд флуктациялар жуда кучайиб, тизимни буткул эгаллаб олиши ва фан ҳам диссипатив тизимга айланиб қолиши мумкин. Фандаги бу ҳолат ўзининг ниҳоятда беқарор, мувозанатсизлиги билан ажралиб туради. Буни замонавий фандаги турли оқимлар, йўналишларнинг кенг тарқлишида кўри-шимиз мумкин. Фан бифуркация (бифуркация лотинча *bifurcus*-иккиланган, бўлинган) нуқтасига яқинашиб қолади. Натижада фан тизими учун унча аҳамиятли бўлмаган таъсир ёки флуктуация оқибатида ўз ҳолатини кескин ўзгартириши мумкин. Фанда янги тизимнинг шаклланиши, ўзини - ўзи ташкил этишида тартиб параметрларининг

1 Хакен Г., Хакен –Карелль М. Тайны восприятия. –М., Институт компьютерных исследований. 2002. –С-26.

2 Хакен Г. Тайны природы. –М., 1997. –С.26.

баъзилари рад этилиб, баъзилари эса бошқалари билан алмаштирилиши, ёки қабул қилиниши мумкин. Бу янги ғоялар билим тизимидаги “тартиб параметрлари”¹ бўлиб хизмат қилади. Натижада фанда янги макроскопик тартиб ҳосил қилади. Тартиб параметрлари фандаги янги билимларни яратиш йўналишларини белгилайди, ёки мавжуд тартиб параметрига хос илмий изланиш-ларнинг миқёсини кенгайтириб, кучайтириши мумкин. Яъни фан тизимининг элементлари “бўйсунуш принципига амал қилади”. Яъни янги эволюцион ривожланиш йўлига ўтган фан элементлари янги “мода”, яъни тартиб параметрларига амал қила бошлайдилар.

Фан соҳаларининг эркинлик даражаси минимал бўлиб боради, охир оқибат янги тартиб параметрига амал қила бошлайди. Масалан, синергетиканинг ўзини оладиган бўлсак, дастлаб ижтимоий гуманитар соҳаларда тарқалмади. Аммо ҳозирда замонавий фаннинг деярли барча соҳаларида амал қилмоқда. Демак, баъзи ҳолларда фандаги тартиб параметрлари янгиликларни қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Жамият ва фан инновацион ғояларни қабул қилишга тайёр бўлгунгача маълум муддат ҳам ўтиши мумкин. Тартиб параметрлари асосида бир илмий билиш ҳолатидан иккинчисига ўтиш содир бўлади. Билим-лардаги бундай ўзгаришлар тасодифан яратилган кашфиёт, ғоя натижасида ёки ижтимоий-маданий омиллар таъсирида ҳам содир бўлиши мумкин. Бу жараёнда аттракторлар муҳим аҳамият касб этади. Фандаги замонавий трансформация жараёнларида “анторопологик бурилиш” аттрактор вазифасини бажармоқда². Натижада янги тартиб параметрига билим тизимининг элементлари бўлган субъектлар – олимлар, илмий муассасалар ва ҳ.к амал қила бошлайдилар. Изланишимизга кўра айтиш мумкинки, фан тизимининг бир макроскопик ҳолатдан бошқасига ўтишини, яъни ундаги трансформация жараён-лари тартиб параметрлари билан белгиланади.

1Хакен Г.. Тайны природы. М.1997. С. 272

2 ФИЛОСОФИЯ НАУКИ Синергетика человекомерной реальности. 2002 №9, С.12.

Фандаги трансформация жараёнлари ўтиш даврлари, бифуркация нуқталари ва барқарорлик даврларини ўз ичига олади. Энг катта бифуркация нуқталари илмий революциялар ҳисобланади¹.

Фандаги замонавий – постноклассик трансформация жараёнлари натижасида янги фикрлаш макони амал қилади. Анъанавий фандаги асосий постулатлар бўлган ҳақиқатнинг мутлақлиги ва билимнинг мутлақ ишончлилиги, классик детерминизм, чизиқлилиқ концепцияси, редукционизм инкор этилади. Иккинчидан, синергетикага кўра фан тизимида янги эпистемологик тамойиллар амал қилади ва улар эволюцион макон ва замонда реалликнинг хилма-хиллиги; фан ривожланишининг постбифуркацион даврларида ривожланиш йўлларининг кўплиги; фанда плюрализмни эътироф этишдир. Шунингдек, фан ҳам ўз ўзини ташкиллаштириши, унда хаос ва тартиб амал қилиши; фандаги трансформация натижасида фаннинг мураккабланишининг содир бўлиши таъкидланади. Фанда бугунги кунда инқироз деб атаётган ҳолатлар, фаннинг янги тизимга ўтаётганлигини исботлайди.

Синергетик тамойилларга кўра, фаннинг тартиб параметрларга эга эканлиги, фан элементларининг бифуркация ҳолатларида бўйсиндириш принципига амал қилиши эътироф этилади.

Фан тизим сифатида турли соҳаларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Балки фан тизимидаги барча соҳалар бутуннинг бўлак-лари сифатида ўзаро ҳамкорликда бўладилар. Бутун билан қисмлар ўртасида янги мувофиқлик келиб чиқади. Натижада янги интегратив иттифоқ вужудга келади. Буни замонавий фандаги интегратив жараёнлар натижасида тобора соҳалараро фанларнинг вужудга келиши, табиий ва гуманитар фан соҳаларининг яқинлашуви, илмий тадқиқот-ларда қадриятларнинг амал қилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

¹ Лесков Л.В. Футуро синергетика. Универсальная теория систем. - М.: Экономика, 2005. –С.129.

Билимлардаги трансформация жараёнларини тушунишда синер-гетикада амал қилувчи фрактал тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Фрактал (лат. Fractus) тушунчасини фанга 1975 йилда математик Б. Мандельбро киритган. Фракталлик “объектнинг бўлинган, ягона ўлчовга эга бўлмаслигини”¹ ўзида ифода этади. Фрактал объектлар ўзига монандлик, ёки масштабни инвариантлик хоссалари билан ажралиб туради. Бугунги кунда фан ҳам фракталлик хоссаларига эга дейиш мумкин. Чунки ҳар бир фан соҳасида янги янги соҳалар вужудга келмоқда. Синергетикада ҳар қандай қисм бутунга ўхшайди, қисмнинг қисмлари ҳам ўзаро худди шундай муносабатда мавжуд бўлади. Бундай ўз ўзини такрорлаш жараёнини табиатда ҳам, жамиятда, шунингдек фанда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, фал-сафани олсак, бугунги кунда фалсафа фани тизимида жуда кўплаб соҳалар вужудга келмоқда, аммо улар фалсафанинг бир бўлими, қисми сифатида амал қилади.

Фалсафа фанини бутун деб тасаввур этсак, фалсафанинг бўлим-ларини қисм десак, бутун ва қисмларда фракталлик хусусиятининг мавжудлигини кўрамиз. Фракталлик асосида тизим ўзига монанд тизимга айланади, Фандаги трансформация жараёнларидан кейин фан янги тизимга ўтишини, аммо янги фан тизимида олдинги тизимга монандлик томонларининг мавжудлигини ифода қилади. Фандаги фрактал структуралар фандаги тартиб параметрлари ўзгарсада, фан структурасидаги ўз ўзига монандликни сақлайди. Яъни фанда классик, ноклассик, постноклассик трансформация жараёнлари содир бўлган бўлсада, фан билимлар тизими, ижтимоий институт сифатида амал қилмоқда. Фан трансформация жараёнлари натижасида янги тизимга ўтиши, янги структура ҳосил қилишга қарамасдан, ўзига монандлик сақланиб қолади. Синергетикага кўра билимлар ривожланиши, ундаги трансформация жараёнлари қайтмас характерге эга. Яъни фан тарақ-қиётини орқага қайтариб бўлмайди. Ночизиқли фан тизимида тасодиф ўз ўрнига эга.

1 Лесков Л.В. Футуро синергетика. Универсальная теория систем. - М.: Экономика. 2005. –С.39.

Яратилган янги бир кашфиёт, янги бир ғоя фан тизимини ўзгартириб юбориши мумкин.

Синергетикага кўра, фан кумулятив ривожланмайди, балки унда эволюцион ривожланиш даврлари, инқилоблар, бифуркация нуқта-лари мавжуддир. Замонавий мураккаб ижтимоий иқтисодий жараён-лар (глобаллашув, ахборотлашув, глобал муаммолар) фаннинг бифур-кацион нуқтага келиб қолганлигини кўрсатади. Фан эдиликда ўз келажагини танлаш олдида турибди дейишимиз мумкин. Фаннинг олдида гуманизациялашув, комерциялашув, ёки антропокосмик итти-фоққа айланиш танловлари турибди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, синергетика постноклассик фан ядроси сифатида бугунги кунда барча фанларнинг илмий усули сифатида амал қилмоқда. Унинг асосий тушунчалари ривожланиш механизмларини тўлароқ очиб беришда муҳимдир. Жумладан билим-лардаги трансформация жараёнларининг моҳиятини ҳам тавсифлашда муҳим методологик вазифани бажаради. Синергетика фанни очик, нозизиқли тизим сифатидида эътироф этади. Билимлардаги трансфор-мация жараёнининг моҳиятини тадқиқ этишда синергетиканинг асосий тушунчалари бўлган бўлган ўзини ташкил этиш, нозизиқ-лилиқ, тартиб параметрлари, фракталлик, атрактор каби тушунчалар муҳим аҳамият касб этади. Синергетик тамойиллар асосида билим-лардаги трансформация жараёнларини тадқиқ этиш мазкур жараён механизмини тўлароқ очиш имконини беради. Бу эса замонавий жамият тараққиётининг мезонларини белгилашда ҳам аҳамиятлидир.

III БОБ. ФАЛСАФАДА ЗАМОНАВИЙ ЭПИСТЕМОЛОГИЯ

ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС РИВОЖИ

3.1. Фан фалсафасида эпистемологик ёндашувларнинг роли

Фан фалсафаси – шундай мақсадли боғланган мажмуаки, унинг мақсад ва вазифалари фаннинг турли туман соҳаларида ишлаётган кишиларнинг билиш фаолиятларининг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам, одамларнинг бир бутун билиш фаолиятлари билан ҳам белгиланар экан. Маълумки, турли фанлар бор: табиётшунослик, математика, гуманитар ва ижтимоий фанлар, техника фанлари. Ҳар қандай илмий фандаги билимлар даражаси шу соҳанинг тарихий тараққиётига, жамият маданиятининг ҳолати, олим шахсининг ижодий имконига боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгариб боради. Илмий билимнинг ўзгаришида фан фалсафасидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Тобора дифференциацияланиб ва махсуслашиб бораётган ҳозирги замон фанида бундай ўзгаришлар айниқса сузиларли кўринади. Бундан айрим илмий фанларда билишнинг ўзига хос хусусиятларини фалсафий фикрлаш зарурияти келиб чиқади. Демак, фан фалсафаси илмий билишнинг умумий масалалари билан бир қаторда конкрет фанлардаги махсус масалаларни ҳам хал қилишга мажбур. Масалан, физиканинг фалсафаси, ёки физиканинг фалсафий масалалари, математиканинг фалсафий масалалари, биология фалсафаси ёки биологиянинг фалсафий масалалари тўғрисида гапириш мумкин. Ижтимоий ва гуманитар фанларнинг фалсафасига келсак, масалан, фалсафий антропология, ёки антропология циклидаги фанларнинг фалсафий масалалари, тил фалсафий, ёки тилшуносликнинг фалсафий масалалари, тарих фалсафаси, ёки тарих фанларининг фалсафий масалалари ва х.к. ларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Албатта, фан фалсафаси ва бирор конкрет фаннинг фалсафаси (фалсафий масалалари) орасида кескин бўлиниш йўқ.

Фаннинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш учун фанни икки жиҳатдан қараш мумкин. Бир томонидан, фан анчагина турли – туман билимлар ва бу

билимларни ҳосил қилиш жараёнлари, яъни билиш жараёниларининг мажмуи деб таърифланади. Иккинчи томондан, фан ижтимоий институтдир, яъни жамият ва маданият тарихий тараққиётининг конкрет даврида шаклланган муайян ташкилотдир. Фанни ташкил қилишнинг ижтимоий муассасалари жамиятда хилма – хилдир, масалан, университетлар, илмий – татқиқот институтлари, фанлар академиялари, кафедралар, лабораториялар ва ҳ.к. Бу ташкилотларда ишловчи илмий жамоалар фақат билимлар яратибгина қолмай, турли шаклдаги илмий мулоқотлар (баҳслар, анжуманлар, симпозиумлар)да қатнашадилар, илмий татқиқотлари натижаларини чоп эттирадилар (даврий нашрлар, монографиялар, дарсликлар), маърузалар ўқийдилар.

Фан фалсафасида эпистемологиянинг бир қанча йўналишлари муҳим ўринни эгалайди. Булар қуйидагилар:

Генетик эпистемология – предметни билиш жараёнини ташкил этади, бироқ бу ерда у ривожланишнинг қуйи босқичдан юқориқ босқичга ўтишини таъминловчи онтогенетик ривожланиш функцияси сифатида талқин қилинади. Генетик эпистемология ишора қилувчи ривожланишнинг асосий ички механизми сифатида конструктив генерализация ва рефлексив абстракция амал қилади. Генетик эпистемология асосчиси Ж.Пиаже когнитив ривожланишнинг изчил шаклланивчи қуйидаги тўрт асосий босқичини қайд этган: сенсор ривожланиш (2 ёшгача), интуитив ривожланиш (7 ёшгача), муайян операционал ривожланиш (12 ёшгача) ва формал операционал ривожланиш (15 ёшгача).

Натураллашган эпистемология – эмпирик психологиянинг таркибий қисми. У табиий ҳодисаларни, хусусан, инсонни моддий объектлар сифатида ўрганади. Қуайн натураллашган эпистемологиянинг кенг дастурини илгари суриб, эпистемологик тадқиқотларни файласуфларнинг хоналаридан илмий лабораториялар майдончаларига кўчиришга чақиради.

Эволюцион эпистемология – эпистемологиянинг бир йўналиши. Э.Э. билимни тирик табиат эволюциясининг бир лаҳзаси ва натижаси сифатида тадқиқ этади. Эволюцион эпистемология атамасини илк бор тадқиқотчи Д.Кемпбелл К.Поппернинг қарашларини таҳлил этишга бағишланган мақоласида қўллаган ва илмий муомалага киритган. Бу йўналиш турли биологик даражаларида билиш жараёни иерархияга эгалигини таъкидлаб, инсон билишининг ривожланиш механизмлари ва хусусиятларини эволюцион нуқтаи назардан ўрганади ва шу асосда фанни эволюцион назариясини яратишга интилади. Эволюцион эпистемологияни тор маънода билишнинг «генетик» назариясини ифодалаб, бу ерда асосий эътибор инсон ва б. мавжудотларнинг билиш фаоллигидаги ўхшашлик(бевоситалик, ҳатога йўл қўйиш, креативлик)ларга қаратилади. Эволюцион эпистемология йўналишининг кўзга кўринган вакиллари - Кэмбелл, Поппер ва Лоренцлар ҳисобланди. Аммо эволюцион эпистемология ғоялари илк бор Махх ва Бергсонларни фалсафий қарашларида учрайди.

Эволюцион эпистемология фан фалсафасини бир йўналиши сифатида эволюциянинг умумий моделини илмий билимларни ривожланиш жараёнига татбиқ этишга интилади. Эволюцион эпистемология асосий мақсади кўпгина гносеологик ва эпистемологик муаммоларни янгича ечимини берган ҳолда, фаннинг ривожланишини умумий назариясини яратишдан иборат.

Фан фалсафаси – фанни билиш фаолияти сифатида ўрганувчи фалсафа фанининг соҳаси ҳисобланади.Фан фалсафасининг предметини илмий билишнинг умумий қонуниятлари ва тенденциялари (интилишлари) ташкил этади.

Фан фалсафасида илмий билишга тарихий ривожланиш давомида илмий билимларни яратилиши ва ижтимоий – маданий ўзгариб боровчи шароитларда ўзига хос фаолият сифатида ёндошилади.

Фан фалсафасида илмий изланиш, «кашфиёт алгоритми», илмий билимнинг динамикаси тадқиқот фаолиятининг услублари каби муаммолар

тадқиқ этилади. Фан фалсафасининг бошқа фанлардан фарқи – у инсон интеллекти ёрдамида ҳақиқатга эршиш имкониятларини излашдир. Бошқа фанларнинг мақсади эса ҳақиқатни излашдир.

Фан фалсафаси алоҳида йўналиш сифатида илк бора У. Уэвелл ва Ж.С. Милль, О.Конт, Г.Спенсер, Ж.Гершел асарларида ўз ифодасини топди ва XIX асрда алоҳида йўналиш сифатида вужудга кела бошлади. Бунга сабаб XIX асрнинг ўрталарида фанинг ўз моҳиятини англаши кескин суръатда ошди. Чунки XIX асрда фан билан шуғулланувчи кишилар пайдо бўлди. Университетлар, саноат корхоналарда илмий лабораториялар ва тадқиқот марказлари пайдо бўла бошлади. Ана шундай ижтимоий муҳитда илмий изланишлар, унинг тарихи, илмий билимни жамиятдаги аҳамияти ўрганила бошланди. Олдин ҳам файласуфлар фан тўғрисида изланишлар олиб борганлар, аммо бу изланишлар умуман инсон тафаккурининг моҳияти, унинг кўринишларидан бири бўлган – илмий билиш тўғрисида эди.

Турли билиш ва ижтимоий-маданий шароитларда жорий бўладиган илмий билишнинг тартиблари ва асосларини танқидий баҳолаш вазифаси ҳам муҳим аҳамиятга айланди. Илмий билишнинг ўзига хос бир қатор системаини ёритиб беришга имкон берувчи математик мантиқнинг биринчи системалари пайдо бўла бошлади. Фан фалсафаси тараққиётининг иккита асосий вектори аниқлаб олинди. Унинг ривожланишини биринчи босқичида (XIX-асрнинг иккинчи ярми) авваламбор устунлигига кўра, амалий билишнинг психологик ва индуктив мантиқий жараёнлари тадқиқотлари билан боғлиқ бўлган муаммолари диққат марказида бўлди.

XX-аср бошлари ва унинг 30-йслларига келиб қуйидагилар фан фалсафасининг диққат марказида бўлди: а) илмий билишнинг умумилмий ғояси ва унга боғлиқ дунёни тўлиқ илмий манзарасини тузиш, детерминизм тушунчасини таҳлил қилиш, сабабият, динамик ва статистик қонуниятларнинг ўзаро муносабати, замон ва макон муаммолари вазифалари ва б. шу кабилар, б) илмий тадқиқотларнинг таркибий тавсифлари – анализ

ва синтез, индукция ва дедукция, логика ва интуиция, кашфиёт ва далил, назариялар ва далилларнинг ўзаро муносабати, в) чегараланиш муаммоси – фан ва метафизиканинг, математика ва табиий фанларнинг, ижтимоий гуманитар ва табиий-илмий билимларнинг ўзаро муносабати.

Фан фалсафаси ривожланишининг иккинчи босқичини мазмуни (XX-асрнинг 30-й.лари) асосан асрлар чегарасида фан негизларида юз бераётган инқилобий жараёнларни тушуниш орқали аниқланарди (Мах, М.Планк, Пуанкаре, Дюэм, Эйнштейн, Н.Бор). Бу ерда таҳлилнинг асосий доираси фаннинг сермазмун негизи бўлиб қолади. Таҳлил объекти сифатида белгилаш мумкин бўлган (XX-асрнинг 60-й.лари) фан фалсафаси тараққиётининг учинчи даврида классик неопозитивизм асос солган фан тилидаги таҳлил дастури ҳукмрон бўлди (Вена тўғараги ва Берлин гуруҳи, Шлик, Карнап, Рейхенбах, Гемпель). Фан фалсафасининг худди шу даврига Поппернинг илмий тадқиқотларини мантиқий концепциясини киритиш мумкин. Неопозитивизм фан фалсафаси ўзининг фан тилидаги «сохта илмий» даъволарни йўқ қилишда ва физика фани тили негизида бир шаклга келтирилган фаннинг юзага келишига имкон яратишда кўрди.

Фан фалсафаси ривожланишида ҳозирги замон постпозитив босқичи билишнинг ижтимоий маданий детерменанти (аниқловчиси) шиддат билан ўсиб келаётган қизиқиш ва илмнинг тарихий динамикага муносабати билан боғланган. Натижада, нафақат мантиқий имкониятларга, балки умуман билиш жараёнининг тартиб қоидаларида нисбатан ишончсизлик юзага келди. 70-й.ларга келиб фан фалсафасида илмий билиш фаолияти қоидалари релятивлик ғояси ҳукмрон бўлди (Полани, Тулмин, Н.Хансон, Кун, Лакатос, Агасси, Фейерабенд ва бошқалартадқиқотчиларнинг дунёқарашлари фан фалсафасида тарихий мактаблар ёки танқидий рационализмнинг услубий концепциялари билан ўзаро муносабатда боғланган бўлиши мумкин).

Фан фалсафасининг на бир муаммоларидан бири фанни эмпирик асослаш муаммосидир, яъни фанни соф эмпирик билимларга асосланиб

барпо этиш мумкинми, назарий терминларни – эмпиризмга олиб келиш мумкинми, уларнинг онтологик ва инструментал маъноси, тажрибанинг назария билан мустаҳкамланиши; билимни асосланиши – верификация, амалларнинг таҳлили, дедуктив- номологик тушунтириш, тасдиқлаш, фальсификация. 60- й.лардан бошлаб парадигма, илмий- текшириш дастур каби тушунчалар таҳлил қилинади. Методологик таҳлил эса илмий билимнинг структура муаммоларидан билимни ўсиш муаммоси, фан ривожини тушунтирадиган кумулятив ва эволюцион моделлар ўртасидаги баҳс мавзусига айланди. Илмий инилоблар моҳиятини тушунтириш учун умумий ўлчови йўқ тушунча киритилди. Илмий рационаллик тушунчаси янгича маъно касб этди.

Фан ва рационалликнинг ўзга шакллари ҳақида, илмий билишнинг ижтимоий детерминацияси, фаннинг жамият ривожини сифатида кўрилиши ва шунга ўхшашлар ҳақида муаммо кўтарилади. Ўзига хос долзарбликни фанни гуманитаризациялаш жараёнлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни қўлга киритди. Бунинг натижасида ижтимоий –гуманитар фанларда ҳам фалсафий – методологик таҳлил қўлланила бошланди. Фан фалсафаси ижтимоий – гуманитар билимларнинг (социология, психология, лингвистик, ижтимоий антропология, маданиятшунослик) методлари ва натижаларига кириб борди.

Фан фалсафасининг йирик вакиллари ҳам эпистемологик ёндашувларнинг ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Масалан, Лакатос Имре методологиясида фанлар назарияларининг ривожланишини дастурларнинг ўзгариб бориши назарияларнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланишида деб кўрсатди. Ҳар бир янги назария дастури мавжуд назарияларга қўшилган ёрдамчи гипотезалардир, дейди у. Дастурларнинг давомийлигига эса ўзига хос норматив қоидалар шартлари асос бўлади. Айрим ушбу қоидаларда келтирилишича, кейинги изланишлар давомида қайси йўллардан фойдаланиш зарурлиги («ижобий эвристика») деб, бошқалар эса қандай йўллардан фойдаланмаслик кераклигини («салбий

эвристика») уқтиришади. Ҳар бир изланишлар дастурларида асосий элемент «қаттиқ ядро» ҳисобланади, унинг фундаментал шарти бўлиб қамровли инкор этиб бўлмаслик ётади. «Салбий эвристика» эса *modus tollens* классик мантиғини «қаттиқ ядро»га дастурий изланишлар жараёнига қаратилишига қатъиян ман қилади. Бунинг ўрнига у ёрдамчи гипотезаларни кашф этишни ва улар ўз навбатида «қаттиқ ядро»нинг дастурий изланишларига «сақловчи камар» бўлиши кераклигини айтади. Ушбу сақловчи камар ўз шаклини ўзгартириши мумкин ёки бутунлай ўз шаклини дастурга бутунлай қарама қарши далиллар келтирилганда ўзгартириши мумкин. «Ижобий эвристика» ўз томонидан ғояларни ва рецептларни жамлайди, худди ўз кўринишини ўзгариши ёки назариянинг ривожлантирилиши каби эмпирик текширувларни кўтара олмайди.

Лакатос Имренинг ғоясига қараганда, дастурий тадқиқотларнинг асосий икки жиҳатини ажратиб олиш мумкин: прогрессивлик ва туғмалик. «Ижобий эвристика» прогрессивлик жараёнида дастурнинг эмперик ва назарий таркибини кенгайтирувчи ёрдамчи гипотезалар уни рағбатлантиришга қодир деб кўрсатади. Аммо кейинчалик тадқиқотлар дастури «бойиш пункти»га етганда кескин секинлашишга олиб келади. Бунинг натижаси сифатида айтиш мумкинки, *ad-hoc* гипотезалар сони ўсади, киритиб бўлмайдиган далил, унда ички концептуал қарама-қаршилиқлар, парадокслар ва б. пайдо бўлади. Шунга қарамасдан юқоридаги симптомлар мавжуд бўлиши дастурий тадқиқотларнинг тўхталишига асос бўла олмайди. Лакатос Имренинг фикрича бундай асос фақатгина дастурий тадқиқотларнинг рақобати асосида пайдо бўлади, қайсики ўзидан олдинги эмпирик муваффақиятини тушунтириб бера олса ҳамда аввалги ўзида аниқ бўлмаган назарий жумбоқларнинг эмпирик тасдиқларини жамловчи далиллар асосида башорат қила олсагина бўлиши мумкин, дейди.

Лакатос Имре назарий-илмий билимларнинг модулларини яратишда алоҳида ўринни тарихий илмий изланишларга қаратади. Унинг машхур

афоризмида, «Фалсафа илми тарих илмисиз бўм-бўш; тарих илми фалсафа илмисиз кўр», - дей.ади. Унинг фикрича, у ёки бу тадқиқотлар дастурларининг илмийлиги бўйича ўтказилаётган методологик анализ қуйидаги босқичлардан иборат деб ўйлайди: рационал реконструкцияни олға суриш, ушбу рационал реконструкцияни илмий-тарихий маълумотларнинг у ёки бу даврда илмнинг ривожланиши билан солиштириш, рационал реконструкцияни ҳақиқий ва назарий тарихи, рационал эмасликда танқид қилиш. Лакатос Имре концепцияси замонавий фалсафа ва илмий методологияда эришилган энг кўзга кўринарли концепция сифатида ажралиб туради. Унинг фалсафий қарашларидан кўриш мумкинки у рационализм тарафдорларидан бўлган. Буни биз 60-70-йиллардаги Кун, Фейерабенд ва б. файласуфлар билан олиб борган интенсив изланишларида кўришимиз мумкин.

Лакатос Имре фикрига кўра, “фан тарихисиз фан фалсафаси пучдир; фан фалсафасисиз фан тарихи кўрдир”. И.Кант сўзларини ўзгача ифодалаган Т.Кун ғоявий сафдоши постпозитивистлар учун умумий бўлган фан тарихини фалсафий асослари билан боғлиқ равишда ўрганиш тўғрисидаги кўрсатмасини муваффақиятли равишда ифодалайди. Лакатос Имрени фан тарихининг ички (ғоявий) ва ташқи (ижтимоий, институционал) жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги муҳим масала жуда қизиқтирган. Лакатос Имре учун, унинг ўқитувчиси Поппер каби, неопозитивизмнинг индуктивизм ва конвенционализм тамойиллари янглиш эди. Илмий кашфиёт мантиғи ва методологияси, деб ўқтирган Лакатос Имре аниқ белгиланган далиллар умумлашмаси ёки турли илмий қоидаларнинг конвенционал бирлашуви бўлиши мумкин эмас. Агар кимда-ким шундай деб ҳисобласа, унинг учун ҳар доим, нима учун олим умумлаштириш учун айнан ана шу далилларни олганлиги ва нима учун олимлар ўртасида баъзи келишувлар олдин, бошқалари эса кейин тузилиши каби саволлар ноаниқ бўлиб қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, илмийликнинг асосий мезони

сифатида индуктивизм ва конвенционализм мантиқ ва методологияга тўғри келмайди. Поппер далиллари ёрдамида неопозитивистик фан фалсафасини танқид қилган Лакатос Имре бу далилларни чуқурлаштириш ва янада ишончли бўлишига ҳаракат қилди. Лакатос Имре эътиборини қуйидаги нарсага қаратди: баъзи бир фаннинг предмет доирасида унинг ҳолатларини (қоидаларини) рад қилувчи далиллар пайдо бўлишидан сўнг, илмий жамоа томонидан у дарҳол йўқ қилинмасдан, аксарият ҳолларда модификациялашган ҳолда бўлса ҳам сақланиб қолади. Демак, Поппернинг фальсификационизми илмий билим ортиши жараёнини тушуниш учун етарли даражада ишонарли эмас экан.

Учинчи дунё ҳақидаги Поппернинг онтологик ғоясидан келиб чиқадиган, ҳар қандай олимнинг индивидуал онгида илмий билим тарихи албатта тўғри акс этмаслиги мумкин, деган хулосага таянган ҳолда Лакатос Имре фан тараққиётига доир ўзининг фалсафий концепциясини илгари суради. Унда фан тараққиёти илмий тадқиқот дастурлар (ИТД) рақобати ва алмаштирилиши ҳамда илмий ҳалоллик кодексида намоён бўлади.

ИТД бу – энг улкан илмий ютуқ, муайян илмий муаммоларни баҳолашда прогрессив ёки регрессив ўзгариш. Бир ИТД бошқаси билан алмаштирилиши Лакатос Имре учун илмий инқилоб мисолидир. ИТД тузилиши эътиборни жалб этувчи жиҳат бўлиб, унда уч элемент ажралиб туради: конвенционал равишда илмий жамоа томонидан қабул қилинган бикир ядро; салбий (негатив) ва ижобий (позитив) эвристикалар. Агар салбий (негатив) эвристика қандай бўлмасин ИТД бикир ядрони муҳофаза қилса, мас., Ньютон физикасини танқиддан, яъни унинг муҳофаза камари бўлса, ижобий (позитив) эвристика фан ривожланиш йўлларини аниқлайди. Муҳофаза камари бикир ядро ва ёрдамчи гипотезалар танқидига жавоблардан, ижобий (позитив) эвристика эса – янги ғояларни дадил илгари суришдан иборат. “ИТД”, “бикир ядро”, “муҳофаза камари” каби тушунчалар ёрдамида Лакатос Имре фан ривожланишини етарли даражада автоном жараён сифатида

намоён этади, ундан ташқи, ижтимоий шарт-шароитлар баъзи муаммоларнинг ҳақиқатда илмий ҳал этилиши орқали амалга ошади.

Лакатос Имре концепциясида икки турдаги ИТД фарқланади: тараққий этувчи (прогрессив) ва орқага қайтувчи (регрессив). Биринчиси маълум бўлган далилларни тушунтириш ва янги, аввал номаълум бўлган далилларни башорат қилишни уддалаши билан тавсифланади. Орқага қайтувчи (регрессив) турдаги ИТД эса, аксинча, баъзи далилларни тушунтириш вазифасини кечиктириш ва уддалай олмаслиги билан тавсифланади. Мазкур ИТД турлари ўртасида рақобат содир бўлади, фан ривожланишининг ўзи эса орқага қайтувчи (регрессив) турдаги ИТДларни тараққий этувчи (прогрессив) турдагиси билан алмаштирилишини ифодалайди. Илмий тараққиёт, деб таъкидларди Лакатос Имре “сохталаштириш (фалсификация) мисолларини топишдан кўра назариянинг қўшимча мазмунининг верификациясидан” иборатдир. Шунинг учун илмий ҳалоллик кодекси илмий тадқиқот дастурининг методологик йўналишининг конкрет ифодаси сифатида олимнинг қатъийлиги ва камтарлигига асосланиши, ўз таркибига қандай бўлмасин ИТД ни “охиригача ҳимоя қилиш” ҳамда рақиб ютуқларини диққат билан ва батафсил ўрганиш, ҳисобга олиш талабларини киритиши лозим.

Лакатос Имре фикрига биноан, фаннинг ички тарихи ташқи тарихига нисбатан бирламчи ва аниқловчидир. Биринчи тарих мантиққа мувофиқ ва мантиқсиз ҳолатларнинг мажмуасидан ёки илмий рационаллик стандартларининг алмаштирилишидан иборат сифатида маълум бўлди. Бу нуқтаи назарга биноан, илмий рационаллик илмий мантиқийлик ва тажрибада текширилиши мумкинлиги талабларига айнан тўғри келмай қолади. Рационаллик унда бир-бири билан чалкашиб кетган турли мантиқий, мантиқсиз, конвенционал ва ҳ.к. ҳолатлар бирикмаси бўлиб қолади.

Фан фалсафаси соҳасида Шпенглер илмий концепцияларнинг тарихий–маданий шартланганлигига урғу беради. Дунё манзарасини ҳаракатлантирувчи тарихий элементларни бўрттириб кўрсатади. XX асрнинг

бошида шаклланган дунёқараш манзарасининг динамикасини тушуниш учун табиий фанларнинг кашфиётлари аҳамиятини юқори баҳолайди.

Шпенглер концепциясида маънавий анъаналарнинг роли мутлоқлаштирилади, фан ортидаги мавжудликни объектив билиш вазифаси инкор қилинади. Шпенглер илмий тафаккурнинг антропоморф, илоҳий, ғайритабиий асосини таъкидлаб ўтади. Шу билан бир қаторда Шпенглер фанни ўз-ўзини англашда тарихийлик томон йўл олганлигини кўрсатади. Шпенглер ижтимоий-тарихий билим соҳасига энтропия назариясининг айрим хоссаларини қўллайди. Бу эса Ғарб маданиятининг апокалипсисини асословига олиб келади.

Неопозитивизм – позитивизмнинг замонавий шакли. XX асрнинг фалсафий оқимларидан бири. Илмий билим ва фал-ий.-методологик муаммоларнинг тахлили ва ечимини топишга қаратилган. Неопозитивизм оқимида илмий билишнинг верификация концепцияси таклиф этилди. Фалсафани назарий билиш ва дунёқараш имкониятларини рад этилади ва уни илмий билишнинг методологияси сифатида эътироф этади.

Вена тўғараги – мантиқий позитивизм ҳаракатининг вужудга келишидаги ғоявий ва ташкилий гуруҳ. Бу гуруҳ вужудга келишининг асосий сабабчиси – Австрия физиги ва файласуфи, Вена университетининг профессори Мориц Шликдир. 1992 й.да Шлик Вена университетининг фалсафа кафедрасида семинар ташкил этади. Бу семинар ўз бағрида асосан анъанавий фалсафага шубҳа билан қараган ёш олимларни йиғди. Улар ишлаб чиққан янги – "илмий фалсафани" ривожлантириш дастури мантиқий позитивизм йўналишини келтириб чиқарди. Лекин мантиқий позитивизм йўналиши икки оқим таъсири остида вужудга келган. Биринчидан, унга анъанавий "метафизика"га ва классик фалсафий муаммоларга салбий муносабатда бўлган, гносеологик ва методологик масалаларни тор сциентистик руҳда талқин қиладиган махизм оқими ўз таъсирини ўтказган бўлса, иккинчидан, Вена тўғараги фалсафанинг мантиқий тахлилининг

субъектив–идеалистик йўл–йўриқларини (хусусан Л.Витгенштейннинг), яъни фан фалсафасини тўғридан–тўғри фан тилининг мантиқий таҳлилига айлантириш концепциясини, шунингдек логика ҳамда математика фанларининг аналитик тусда эканлиги тўғрисидаги таълимотни ўзлаштирди. Хулоса қилиб айтганда, Вена тўғараги даги мантиқий позитивизм, бу – позитивизмга махистча ёндошиш ҳамда мантиқий таҳлил фалсафаси йўл–йўриқларининг синтези натижасида шаклланди.

Вена тўғараги вакиллари: Р.Карнап, Ф.Вайсман, Г.Фейгль, О.Нейрат, Г.Ган, В.Крафт, Ф.Кауфман, К.Гедель. В.т. билан Берлиндаги Х.Рейхенбах, Чехословакиядаги Ф.Франк, Финляндиядаги Э.Кайла, АҚШдаги А.Бламберг, Э.Нагель, Даниядаги Й.Йоргенсен, Буюк Британиядаги А.Айер гуруҳлари ҳамкорлик қилган.

1929 йилда Р.Карнап, Г.Ган, О.Нейрат "Дунёни илмий англаш. Вена тўғараги" манифести билан чиқдилар. Шу вақтнинг ўзида Вена тўғарагининг ташкилий шаклланиши якунланади. 1930 йилдан бошлаб қатор йиллар турли мамлакатларда халқаро конгресслар ташкил этилди. 1930–1939 йил Вена тўғараги томонидан мантиқий позитивизм ғояларини тарғиб қилувчи "Erkenntnis" журнали нашр қилинди. Аммо 1936 йилда Шликнинг фожияли ўлиmidан кейин Австриянинг Германия томонидан босиб олиниши ҳамда Вена тўғарагининг бир қатор вакилларининг чет элга кетиши натижасида Вена тўғараги ўз фаолиятини тугатди. АҚШда Вена тўғарагининг бевосита вориси сифатида эмпиризм оқими юзага келди.

Неопозитивизмга биноан, барча ҳақиқий фалсафий муаммолар фақат тил билан боғлиқ ҳамда ечимини мантиқ ва тажрибага мурожаат қилгандагина топади.

Неопозитивизмнинг фан фалсафаси ривожига қўшган ҳиссасини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1) тафаккур жараёни, билиш жараёнининг мантиқий тадқиқоти фақат тил (гап) шаклида амалга оширилиши мумкин. Тил шакллари ва мантиқ

шакллариининг айнанлиги билимни комплекс, шу жумладан, мантиқий-лингвистик таҳлил қилиш учун имконият яратиб берди;

2) тил шаклидан формал-мантиқий шаклга, шу билан бирга математик-мантиқ шаклидан умумийроқ бўлган мантиқий шаклларга ўтиш янги имкониятларни яратади;

3) шу асосда неопозитивистлар тил таҳлилининг янги осон формаллашувчи турларини яратдилар. Бунинг оқибатида гуманитар билимларнинг катта соҳаси формаллашуви учун асослар юзага келди, ушбу фанларда математик усул ва аппаратлар қўлланила бошланди. Бу дастлабки асослар структурализмда амалга ошди. Гуманитар фанлар ёки «руҳ ҳақидаги фанлар»нинг усулларини ўрганиш билан герменевтика шуғуллана бошлади.

Верификация тамойили (лот. *verificatio* – ҳақиқатни исботламоқ) мантиқий позитивизмнинг бошланғич тамойилларидан бири. Верификация тамойилига кўра олам тўғрисидаги ҳар қандай даъвонинг ҳақиқатлиги, пировард натижада уни ҳиссий маълумотлар билан таққослаб кўриш йўли билан аниқланиши лозим. Верификация тамойили асосида Вена тўғараги томонидан ифодалаб берилганидек билиш тамойили жиҳатдан ҳиссий тажриба доирасидан ташқарига чиқолмайди, деган ғоя ётади. Бунда тажриба маълумотларни, тўғридан–тўғри верификациялаштирувчи даъволарга мантиқий боғлаш йўли билан билвосита верификациялаштириш бир хил қилиб қаралади.

Шунингдек бевосита ва билвосита верификацияни фарқлаш зарур. Кузатиш ва экспериментал маълумотлари шаклланиши ўзида қайд этилишини тўғри тасдиқлаш (ёки бу маълумотлар ўртасида бўлган қарамлилик қайд этилишини тасдиқловчи) бевосита верификациядир. Билвосита верификация тамойили эса бевосита верификацияланувчи ва билвосита верификацияланувчи тасдиқларнинг назарий ва мантиқий муносабатларини ўрнатишдир. Тасдиқлаш, гипотеза ва назарияларни, яъни верификация имкониятлари ва уларнинг шароитлари ҳақида гапириш

мумкин. Айниқса, верификациялаш шароити ва схемасининг таҳлили одатда мантиқий–методологик изланиш предмети сифатида чиқади. Замонавий адабиётларда Верификация тамойили кўп сонли мусобақадос назариялар ва уларни экспериментал текшириш маълумотлари ўртасидаги муносабатлар натижалари сифатида кўрилади.

Кумулятив (лот. *cumulatio* – кўпайиш, тўплаш) – билиш назариясининг методологик тушунчаси. XX асрнинг ўрталарида америкалик олим Т.Кун томонидан фанга киритилган. Кумулятивизм (лот. *cumulatio* – кўпайиш, йиғилиш) – *фан фалсафасидаги* методологик концепция. Унга кўра, билимнинг ривожланиши ҳақиқий билимлар йиғиндисига аста-секин янги ҳолатларнинг кўшилиб бориши йўли билан содир бўлади. Билим ривожининг бундай соддалаштирилган тушунчаси ундаги узлуксизликни мутлақлаштиради, сифат ўзгаришларини, эскирган, рад этилган билимларнинг чиқариб ташланишини истисно этади. Кумулятивизм тавсифий табиатшунослик тажрибасини танқидсиз умумлаштириш ва дедуктив фикр юритиш идеали сифатида вужудга келади. Ривожланишнинг метафизик концепцияси билан боғлиқ бўлган билиш тажрибасининг узлуксизлиги ғояси ва адашишни билишнинг соф субъектив лаҳзаси сифатида тушунилиши – кумулятивизмнинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилади. Кумулятивизмнинг эмпиристик (тажрибавий) кўринишида билимнинг ортиши унинг эмпирик мазмунининг кўпайиши билан айнан (У.Уэвелл, *Лакатос*), деб тушунилади; рационалистик кўриниши эса - билим ривожининг тамойиллар ва назарий тушунтиришларнинг шундай кетма-кетлигики, унда ҳар бир кейинги таркибий қисм ўз ичига аввалгисини олади (неокантчилар, неопозитивистлар), деб талқин қилади. Ҳозирги замон фан методологиясида кумулятивизмга қарши бир-бири билан тенглаштириб бўлмайдиган назариялар ҳақидаги тезис, шунингдек, билим ривожланишининг диалектик концепцияси қўйилади.

3.2. Ғарб фалсафасида эпистемологик ёндашувларни ўрганишдаги муаммолар ва вазифалар

Эпистемология – билиш жараёнини амалда ҳақиқий билим олиш нуқтаи назаридан ўрганувчи изчил гносеология, деб айтиш мумкин. Эпистемологияга мантиқий таҳлил ёрдамида илмий билишнинг асосий принципларини аниқлаш мажбурияти юкланади. Шу маънода эпистемология муаммолари вақт оқимидан суғуриб олинган, деб қайд этиш мумкин. Р.Рорти билиш назарияси ва эпистемологияни қуйидагича фарқлашни таклиф қилади: «Билиш назарияси кашф этилгани заҳоти ақлни ўзига ишонишга мажбур қилувчи нарсалар ва ҳодисаларни излайди. Эпистемология билиш, ҳаёт ва маданиятни ўзида мужассамлаштирган нарсалар ва ҳодисаларни ўрганади»¹. Ёки, бошқача айтганда, эпистемология ҳақиқий билим учун масъул нарсалар ва ҳодисаларни излайди.

Эпистемология муаммолари замирида фанда мавжуд қонунлар чегарасидан четга чиқиш ҳоллари, илмий далиллар ва асосларнинг ҳар хиллиги ётади. Бундай шароитда билиш жараёнининг ҳақиқийлиги асосларини англаб етишга эҳтиёж туғилади. Эпистемология бир вақтнинг ўзида ҳам реалистик, ҳам рационалистик тилни талаб қилади. Унда жонли ифода ҳам, талқин ҳам муҳимдир. Эпистемологик ўрганиш йўли ҳақиқийликдан оқилоналик сари эмас, балки оқилоналикдан ҳақиқийлик сари ўтади.

¹ Рорти Р. Философия и зеркало природы. – Новосибирск, 1991. – 120-б.

Эпистемология XIX аср охирларидан онтологияга нисбатан устунрок мавқени эгаллай бошлади. У ишончлилик, изчиллик ва структура масалаларини очиқ-ойдин ва асосли равишда кўтариб, ақл-идрок кўринишида ҳакамни топишга ҳаракат қилди. Айни вақтда психологияни жалб қилиш ва аниқ-равшан фикр юритиш учун психология қандай ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаш орқали эпистемологиянинг «натураллашуви» юз берди.

«Ниманидир билади»ни «нималигини билади»дан фарқлаш ўринлидир, деган фикрга кўшилсак, билим инсон ва объект ўртасидаги муносабат сифатида ҳам, инсон ва мулоҳаза ўртасидаги муносабат сифатида ҳам қаралиши мумкин. Биринчи ёндашув перцептуал, иккинчиси – мулоҳазага оид деб аталиши мумкин. Тарихий-фалсафий анъанани ҳисобга олиб, биринчи ёндашувни Локк билан, иккинчи ёндашувни эса – Декарт билан боғлаш мумкин. Эпистемология шу икки чегара оралиқидаги майдонда шаклланган деб айтиш мумкин. Бир томондан, ҳақиқийлик сари интилиш «Мен ҳодисалар дунёсини қандай қилиб четлаб ўтишим мумкин?», деган саволга бориб тақалган. Бошқа томонда «Мен ғоялар пардасини қандай қилиб четлаб ўтишим мумкин?», деган яна бир оғир савол кутиб турган.

Шу нарса диққатга сазоворки, эпистемологик қарама-қаршилик ҳар бир фалсафий таълимот, масалан, эмпиризм ва рационализмнинг эркинлигини эмас, балки уларнинг бир-бирини тўлдирган ҳолдаги самарадорлигини мустаҳкамлаган. «Илмий фикрлаш назария ва амалиёт ўртасида, математика ва тажриба ўртасида ўзига хос оралиқ эпистемологик майдонни эгаллаш демакдир, - деб қайд этади француз эпистемологияси вакили Гастон Башляр. – Табиат қонунини илмий билиш уни ҳам феномен, ҳам ноумен сифатида англаб етишдир»². Демак, эпистемологик майдон – азалдан оралиқ ва шу маънода яхлит бўғин, унда таркибий қисмлар – эмпиризм, рационализм, мантиқийлик, тарихийлик ва ҳоказоларга бўлиниш

² Башляр Г. Новый рационализм. – М., 1987. – 163-б.

мавжуд эмас. Эпистемологик эволюция жараёнида айрим илмий билимнинг ривожланиши оқилоналик билан боғлиқ ҳолда юз берган. Билимнинг олға силжиши доим хулосаларнинг ўзаро мувофиқлик даражаси ошиши билан бирга кечади. Илмий ўрганишнинг эпистемологик ўзаги – ўзбошимчалик билан боғлиқ бўлмаган том маънода ҳақиқий ўзак. У ифодалашнинг аниқлиги муаммосидан бошланган. Билимлар тизимида объектни тушунчалар ёрдамида *аниқ ифодалаш* (яъни тасаввур қилиш) эпистемологиянинг ишидир.

Ифодалаш формал ва интуитив бўлиши мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолда объектларнинг асосий хусусиятлари ва қонуниятлари аниқланади, бунда қўшимча ёки дастлабки мантиқий амаллар бажарилмайди, яъни англаш интуиция даражасида юз беради. Формал ифодалаш тушунчаларни, уларнинг моҳияти ва мазмунини пухта аниқлаш ва асослашни талаб қилади. Шундай қилиб, формал ифодалаш ҳам, интуитив ифодалаш ҳам эпистемология фанининг таркибига киради. Эпистемологиянинг муаммолар доираси айни шу жиҳатдан гносеологиянинг муаммолар доирасидан ажралиб туради. Ифодалашнинг икки тури универсал тарихий контекстни таклиф қилади, яъни антик давр ва ўрта асрлар мутафаккирларини қизиқтирган муаммоларни оқилоналик ва нооқилоналик, мантиқийлик ва интуитивлик ўзаро нисбатининг ҳозирги муаммолари билан боғлайди.

Эпистемологларни ҳиссийликдан оқилоналикка, эмпиризмдан назарияга, сўздан нарсага шу жумладан символик мантиқ тили ёрдамида ўтиш имконияти қизиқтиради. Бу ерда индивидуал онг ёндашуви унча муҳим эмас. Классик гносеологияга эмпиризм ва назарияни фарқлаш хос бўлса, эпистемология бу муаммолар билан «аналитик» ва «синтетик» атамаларини жалб қилган ҳолда иш олиб боради. Р.Рорти эпистемология инсон ҳаёти ҳар қандай соҳасининг «формал» ёки «таркибий», «грамматик», «мантиқий» ёки «концептуал» хусусиятларини кашф этишга қодир энг муҳим фан, фалсафий

таълимот сифатида қаралишига айнан И.Кант имконият яратганини қайд этади³. Бунда билиш жараёни субъекти фош бўлади, обрўсизланади.

Умуман олганда, фанни тадқиқотчининг ички дунёси ҳам, кайфияти ҳам, унинг диний эътиқоди ва миллати ҳам эмас, балки илмий билимнинг ўсиш жараёни ва мантиқи қизиқтирган ҳолатлар доимо мавжуд бўлган. Илмий билиш субъекти илмий фаолият қутби ҳисобланган, бу фаолиятнинг иккинчи қутбидан объект ўрин олган.

Айни вақтда билиш назарияси учун энг анъанавий бўлган бу материал талқинида силжишлар мавжуд. Масалан, россиялик тадқиқотчи В.Порус эпистемологияга доир ҳозирги мулоҳазаларда субъект ўрнига «фикрлаш коллективи» тушунчасини қабул қилиш таклиф қилинишини қайд этади. Бу ёндашувда қонуниятни аниқлаш функциясига ишора айниқса муҳимдир, чунки фикрлашнинг ўзи доим изланиш билан боғлиқ фаолият сифатида тушунилган. Бинобарин, «фикрлаш коллективи» - бу қонуниятни ўзлаштираётган субстанция. В.Порус эпистемология тизимини тузиш учун кўшимчалилик принципига асосланишни таклиф қилади. Демак, «субъект» категорияси бир-бирини тўлдирувчи трансцендент, коллектив ва индивидуал тавсифлар нуқтаи назаридан ёритилиши мумкин экан. Бироқ бу тавсифлар алоҳида олинган тақдирда, уларнинг бирортаси ҳам ўзига тўқ эмас⁴. Постаналитик новациялар билиш жараёни анъанавий гносеология талаб қилганидек билиш субъекти ва объектини кўрсатиш йўли билан эмас, балки *икки суҳбатдош ва ситуацион контекстни ўз ичига олувчи уч томоннинг ўзаро муносабати* орқали ифодаланиши билан боғлиқ⁵.

Эпистемология марказидан фикрлаш услуби ўрин олгач, эпистемологияга маданий контекст, шунингдек ижтимоий-психологик мезонлар кириб келади. Бу ёндашув қабул қилиниши билан ҳақиқат фикрлаш

³ қаранг: Рорти Р. Философия и зеркало природы. – Новосибирск, 1991. – 102-б.

⁴ қаранг: Порус В. Эпистемология: некоторые тенденции // Вопросы философии. 1997. №2.

⁵ Қаранг: Американский философ Джованна Боррадори беседует с Куайном, Дэвидсоном, Патнэмом, Нозиком, Данто, Рорти, Кэйвллом. – М., 1998. – 25-б.

услугига боғлиқ деб қарала бошлайди. Бунда дунёнинг барқарор маънавий қиёфаси, «маънавий объективлик қонуни»ни объективлик ҳаками вазибаларини ўзлаштиришга уриниб эпистемология муаммолари соҳасига кириб келувчи маънавий эътиқодлар жабҳаси таъминлайди.

Эпистемология соҳасидаги ҳозирги тадқиқотларнинг муаммолар доираси ўзининг кенглиги билан ажралиб туради. Бу фақат ҳақиқийлик асослари ва шартлари, формал ва интуитив ифодалаш, перцептуал ва фалсафий мулоҳазалар, илмий тадқиқот мантиқи ва хулосалар мувофиқлик даражасининг ошиши эмас. Олимлар фикрига кўра, «фикрлаш коллективлари» доирасидаги интеллектуал алоқалар; фаннинг институционаллашуви, фанда ҳокимият ва бошқарув муаммолари; критицизмнинг ўсиш ва инқироз омиллари, фикрлаш коллективларидаги суггестивлик муаммолари ўз эпистемологик маъносини касб этади.

Тарихий-илмий тадқиқотлар ҳам эпистемологик тафаккурнинг ўзига хос тажрибахонасига айланади. Илмий мактаблар рақобати, илмий анъаналарнинг ворисийлиги муаммоси эпистемология муаммоларидаги жоизлик чегарасини кенгайтиради, чунки илгари эпистемологик даража аксеология (илмий билимнинг қиммати) ва фан этоси жабҳасига ҳеч қачон тааллуқли бўлмаган деб ҳисобланган. *Анъанавий эпистемологик конфликтлар*, масалан, «объективизм» ва «релятивизм» ўртасидаги, «конструктивизм» ва «инструментализм» ўртасидаги, «реализм», «рационализм» ва «иррационализм» ўртасидаги кураш ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Эпистемологияда фан ривожланишининг норматив ва танқидий-рефлексив моделлари, кумулятив ва антикумулятив мўлжаллар таҳлиliga дуч келиш, асослаш ва сабабий тушунтириш ўртасидаги чалкашликнинг бартараф этилишига эришиш мумкин.

Ҳозирги замон эпистемологияси таҳлил қилишнинг ўзи нима, муваффақиятли таҳлилни муваффақиятсиз таҳлилдан қандай қилиб фарқлаш мумкин, деган саволларга жавоб излайди. Инсон тафаккури фаолиятини

тушунтириш ва у билишга қўйган талабларни «асослаш»да ҳам барча умидлар эпистемология билан боғланади. Бу ерда тадқиқотнинг концептуал-эмпирик, аналитик-синтетик ва лисоний-фактик қатламлари аниқроқ фарқланади. Бу муаммолар доираси умумий заминга эга бўлиб, ҳақиқий билим олиш омили бўлиб хизмат қилади. Зеро нарса ёки ҳодисанинг мавжудлигини таърифлаш фикрнинг ҳақиқийлиги сўзсиз тасдиқланишига келишни англатади.

Бундай ранг-баранг муаммолар дунёсида мўлжал олиш учун ҳозирги замон эпистемологияси бурилишнинг йўналишини танлаб тўхтаганини тушуниш муҳимдир. Бу ё субъект ўзини коинот механикаси «устида турувчи» деб тасаввур қилиб, шу асосда ўзини ўзи четлантириши мумкин бўлган «трансцендентал бурилиш», ё асосан фалсафа ва фанни ажратиш устида ишнинг якунланишига олиб борган ва эпистемологияга *асосий ва иккинчи даражали мулоҳазалар ўртасидаги аниқ-равшан муносабатларни ўрганиш* сифатида ёндашган «лингвистик бурилиш» бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, уларнинг иккаласи эпистемология доирасида юз беради. Эпистемология доирасидан чиқиш эътиқоднинг формал ёки таркибий асосларига ўтиш, эътиқодни эгаллашни англатади.

Эпистемологиянинг янгиланиш жараёнида илмий билимнинг *«алоҳида эпистемологик мақоми» ҳақидаги тасаввур* бош мўлжаллардан бирига айланади. Бу мўлжал, биринчидан, илмий билим билимнинг бошқа барча турларидан (фалсафий, кундалик, нооқилона билимлардан) фарқ қилишини тан олиш, иккинчидан, ижтимоий ва қадрият сифатидаги нейтралликка айнан илмий билим эга, деган тасаввур билан боғлиқ. Фақат шундай асос фаннинг асосий мақсадига эришиш – объектив ва ҳақиқий билим олиш учун зарур омиллар мажмуини таъминлаши мумкин. Албатта, бунда табиат билан мулоқотга киришиб, унинг ўзи ҳақидаги сўзларини эшитишга ҳаракат қилувчи табиатшунослик андоза сифатида олинади.

Илмий билимнинг «алоҳида эпистемологик мақоми»га қараб мўлжал олиш катта масъулият ҳам юклайди. Биринчидан, олим илмий жараён субъекти сифатида ўзининг барча инсоний, субъектив хусусиятларидан маҳрум бўлиб, ўз шахсий ва субъективлик чегарасидан четга чиқувчи трансцендент субъект сифатида амал қилади. Иккинчидан, бу мўлжал замирида мантиқий-эмпиристик монизм қонуниятлари ётади, чунки нейтрал ва ҳақиқий билим фақат битта бўлиши мумкин. Учинчидан, бундай мўлжал экстерналистлар ва интерналистлар қарама-қаршилигини инкор этади. Ахир экстерналистлар ижтимоий борлиқ амалдаги муҳим эҳтиёжлар билан белгиланадиган тадқиқот предметини танлашга ҳам, фойдаланиладиган воситалар ва усуллар мажмуини аниқлашга ҳам, ҳозирги замон фанида илмий жамоалар мақоми ва уларнинг тадқиқотлари йўналишини белгиловчи давлат буюртмалари ва давлат дастурлари амал қилишини қайд этишга ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатишини тан оладилар. Тўртинчидан, мазкур мўлжал фанда рақобатдош ва қарама-қарши илмий назариялар мавжудлиги фактига мутлақо зиддир.

Кўрсатилган мўлжалнинг рад этилиши (социологик тадқиқотлар натижасида) олим хулқ-атворининг амбивалентлиги кашф этилиши билан боғлиқ. Бу, хусусан, Р.Мертон тадқиқотларида қайд этилган. Ёз навбатида, Т.Кун ва П.Фейерабенд ҳам илмий фаолиятни соф методологик нуқтаи назардан тавсифлаш ўринли эмас, бундай тавсифни социологик, психологик, культурологик тавсифлар билан тўлдириш лозим, деган хулосага келди. Бу илмий билимнинг умумий аҳамиятини соф методологик жиҳатдан тушунтириб бўлмаслигини англатар эди. Т.Кун учун коллектив гештальт-парадигма илмий билимнинг умумий аҳамиятини тушунтириш негизига айланди. П.Фейерабенд уни ҳамма нарсанинг мумкинлиги ва методологик анархизмда кўриб, плюрализмни XX аср охирининг энг муҳим эпистемологик категорияси деб эълон қилди. Ўзирги замон эпистемологияси ёки «охирги тўлқин» эпистемологиясининг плюралиزمи

оқилоналикнинг ҳар хил шакллари, маданий-тарихий детерминация, илмий институционаллашув ва анъаналарнинг ранг-баранглиги ўртасида муносабатлар толерантлигини қарор топтиради.

XX аср эпистемологияси турлари эпистемологиянинг эволюцион, генетик, натураллашган, гипотетик-дедуктив, кумулятивистик, антропологик, тарихий-эволюцион ва бошқа моделларини ўз ичига олади.

Эволюцион эпистемология билиш жараёнининг ривожланишини жонли табиат эволюцияси билан ўхшашлик бўйича ўрганеди ва унда ҳақиқийлик белгисини кўради. У турли биологик даражаларда билиш жараёнларининг иерархияларини аниқлаш ва инсон билими ривожланишининг хоссалари ва механизмларини эволюцияга боғлаб тушунтириш билан шуғулланади. «Эволюцион эпистемология» атамасини илмий муомалага Д.Кэмпбелл киритган. Уни К.Поппер ва С.Тулмин фаол ўрганган. Эпистемология ёки, бошқача айтганда, илмий тадқиқот мантиқини илмий метод назарияси билан тенглаштириш лозимлигига К.Поппернинг ишончи комил бўлган.

Генетик эпистемологиянинг предметини ҳам билиш жараёни ташкил этади, бироқ бу ерда у ривожланишнинг қуйи босқичидан юқорироқ босқичига ўтишни таъминловчи онтогенетик ривожланиш функцияси сифатида талқин қилинади. Генетик эпистемология ишора қилувчи ривожланишнинг асосий ички механизми сифатида конструктив генерализация ва рефлексив абстракция амал қилади. Генетик эпистемология асосчиси Ж.Пиаже когнитив ривожланишнинг изчил шаклланивчи қуйидаги тўрт асосий босқичини қайд этган: сенсор ривожланиш (2 ёшгача), интуитив ривожланиш (7 ёшгача), муайян операционал ривожланиш (12 ёшгача) ва формал операционал ривожланиш (15 ёшгача).

У.Куайн таклиф қилган *натураллашган эпистемология* эмпирик психологиянинг таркибий қисми, яъни табиий фан қисми сифатида қаралади. У табиий ҳодисаларни, хусусан, инсонни моддий объектлар сифатида

ўрганади. Куайян натураллашган эпистемологиянинг кенг дастурини илгари суриб, эпистемологик тадқиқотларни файласуфларнинг хоналаридан илмий лабораториялар майдончаларига кўчиришга чақиради.

Эпистемология моделларининг тавсифини давом эттириш мумкин. Бунда Т.Кун тарихий-эволюцион эпистемология тарафдори, М.Полани ўзининг шахсий билим концепцияси билан антропологик эпистемология тарафдори, Ж.Холтон эса тематик эпистемология тарафдори бўлади. Ўзирги вақтда аксарият эпистемологлар фаннинг инструментал вазифасидан келиб чиқмоқдалар, яъни илмий назарияларни ҳаракатларимизни самарали мувофиқлаштирувчи, ишончли прогноз ва режалаштиришни таъминловчи воситаларга боғламоқдалар. Демак, фаннинг асосий вазифаси прагматик хусусият касб этиши, яъни унга фойдалилик нуктаи назаридан ёндашилиши лозим.

Гносеология, эпистемология ва методологиянинг ўзаро нисбати куйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин. Эпистемологиядан фарқли ўлароқ, гносеология дастлабки шартлардан бошлаб натижаларгача бутун билиш жараёнини қамраб олувчи билиш назарияси сифатида талқин қилинади. Гносеологияни субъект-объект муносабатларидан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу ерда бир кутбда билиш ёки тафаккурда акс этувчи объект, иккинчи кутбда – уни акс эттирувчи субъект ўрин олади.

Умуман олганда, билиш субъекти деганда фаол ҳаракат қилувчи, онг ва хоҳиш-иродага эга бўлган индивид ёки индивидлар гуруҳи тушунилади. Объект деганда инсоннинг билиш борасидаги фаоллиги қаратилган табиий ёки ижтимоий борлиқнинг бир қисми тушунилади. Инсоннинг борлиқни билишини ўрганиш билан шуғулланувчи гносеология субъектда билиш жараёнининг иштирокчисини кўради. У муайян тарихий шароит ва ижтимоий-маданий омилларга жуда боғлиқ бўлиб, ижтимоий амалиёт имкониятлари билан кўп жиҳатдан чекланган.

«Билиш субъекти» тушунчасининг ҳозирги талқини Р.Декартдан бошланади. Унда субъект ва объектни қарама-қарши қўйиш билиш таҳлилининг таянч нуқтаси сифатида амал қилган. Навбатдаги муҳим кадамни И.Кант ташлади. У субъектнинг ички тузилиши қонунларини аниқлашга ҳаракат қилди, мулоҳаза шакллари сифатидаги категориялар ҳақидаги таълимотни, *априор ва апостериор* билим ҳақидаги тасаввурни ривожлантирди. Метафизик материализм субъект ва объектнинг ўзаро муносабати ҳақидаги масалани ҳал қилишга ожиз бўлиб чиқди. Субъект айрим, алоҳида индивид сифатида тушунилади. Субъектнинг моҳияти унинг табиий келиб чиқиши билан боғланди. Объект мустақил мавжуд бўлган объектив дунё сифатида талқин қилинди. Уларнинг муносабатлари фақат объектнинг субъектга таъсири билан белгиланди, субъект пассив қабул қилувчи, мақсад ва манфаатлардан маҳрум биологик мавжудот сифатида тушунилади. Л.Фейербах бизнинг Менимиз объектни фақат ундан таъсирланиш орқали билади, деб қайд этган бўлса, К.Маркс бу фикрга «объектга таъсир кўрсатиш орқали билади», деб аниқлик киритди. Субъектнинг билиш жараёнидаги бу фаол ролини идеализм жуда яхши тушунарди. Бироқ у шу даражада мутлақлаштирилган эдики, ҳатто объект ҳам субъектнинг фаоллигига боғлиқ деб талқин қилинарди. «Нарса менинг сезгиларим мажмуидир», деган тезис ҳукм сурувчи субъектив идеализмда объект амалда ўз аҳамиятини йўқотди.

Ўзирги замон гносеологияси субъект ва объектнинг мустақил мавжудлигини тан олиб, уларнинг боғланиши ва ўзаро таъсирига эътиборни қаратади. Объект борлиқнинг бўлагидан «жонли» объектга айланади ва бу ўзаро таъсир жараёнида ўзи ҳам ўзгаради. Субъект абстракт биологик индивид сифатида эмас, балки тарихан ривожланувчи ижтимоий мавжудот сифатида амал қилади. Уларнинг ўзаро таъсири фаол хусусият касб этади. Объект билан ўзаро алоқада фаол куч саналган инсон эркин ҳаракат қила

олмайди. Объектнинг ўзи, шунингдек муайян тарихий ривожланиш даражаси фаолиятнинг маълум чегараларини белгилайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон эпистемологиясида «субъект» категорияси борлиқнинг ментал жиҳати билан тенглаштирилмайди. Субъект – ақл ҳам, онг ҳам эмас. Эпистемология шунинг учун ҳам «субъектсиз» бўлиши мумкинки, унда субъектлар фақат референция тизимларидир. Уларнинг вазифаси – бирор нарсани қайд этиш ва ифодалаш. Шу маънода референциялар ё бир вариантли, ё ҳар хил ва релятив бўлиши мумкин⁶.

Методологиянинг мақсади илмий ва ижтимоий билимни ижтимоий жиҳатдан аниқ ва синашта ҳаракат қоидалари, методлари ва нормалари билан таъминлашдан иборат. Бу фаолият усуллари ҳамда фикрловчи субъектга қўйиладиган, борлиқ қонунлари асосида таърифланган талаблар мажмуидир. Методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш принциплари ва усуллари тизими, шунингдек бу тизим ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади. Методолог метод «сири»ни билади, фикрлаш технологиясини ўзлаштирган, деб фараз қилинади. Шу сабабли методология билимларнинг ҳозирги даражаси, дунёнинг шаклланган манзарасини ҳисобга олиб билиш жараёнини тартибга солади. Методологиянинг икки даражаси фарқланади. Биринчи – *инструментал* даража. Бу ерда фикрлаш ва амалий операцияларнинг ўтишини таъминловчи талаблар шакллантирилади, фикр ва ҳаракатнинг мазмуни эмас, балки йўналиши белгиланади. Иккинчи – *конструктив* даража. У билимни ривожлантириш, унинг янгича мазмун касб этишига эришишни назарда тутди.

Ўзирги босқичда методларнинг объектив ва субъектив томонларини фарқлашдан ташқари, уларнинг анча барқарор ва априор хусусиятга эга бўлган структураси ҳақида сўз юритилади. Методнинг объектив томони

⁶ қаранг: Лешкевич Т.Г. Возможна ли бессубъектная эпистемология? // Основы философии в вопросах и ответах. – Ростов-на-Дону, 1997.

аниқланган қонуниятлар билан, субъектив томони – муайян тадқиқот усуллари ва объектни ўзгартириш методлари билан боғланади. Гегель методни қурол сифатида ва субъект томонида туриб, уни объект билан боғловчи восита сифатида тушунган. Шунини таъкидлаш лозимки, билиш методида объектив қонуният субъектнинг ҳаракат қилиш қонидасига айланади. Методлар дунёнинг умумий манзарасига мувофиқ юзага келгани, англаб етилгани ва ривожланганига ишончи қомил бўлган методологлар ҳақ бўлса, ҳозирги номутаносиб, беқарор дунё полифундаментал методологик тадқиқотлар жабҳасига ҳам кўп сонли саволлар қўяди. Масалан, методнинг қайси элементи ёки компонентини ҳаракатчан, вақт ўтиши билан ўзгарувчи ва қайси бирини бир вариантли деб ҳисоблаш лозим? «Метод» атамаси қай даражада аниқ ёки ноаниқ ва унинг императивлик кучи қандай? У инсоннинг нуқтаи назарига қай даражада боғлиқ ва зарурият билан қай даражада белгиланади? Метод нимага мажбурлайди ва нимага йўл қўяди? Бу саволларнинг барчаси ўз жавобини кутади ва методология муаммоларининг янада ривожланишига туртки беради.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкинки, бу аввало, ҳозирги замон илмий билишида эпистемология методига турлича дефинициялар бериш тенденцияларининг кучайиши, мазкур методнинг гносеологик имкониятларини чегаралашини ҳисобга олиб, унинг гносеологик, методологик жиҳатларини таҳлил этганда қуйидаги хулосаларга келдик: бизнинг фикримизча эпистемология ўрганиётган объект-оригиналга нисбатан «иккиламчи тизим» ҳисобланиб, мазкур объект ҳолатининг функционаллашуви ва ривожланиши анча соддалаштирилган «иккиламчи тизим»га кўчириш ёки алмаштириш натижасида қайта ҳосил бўлган объектдир. Абстракция, идеализация, аналогия сингари ақлий операциялар фақат эпистемологиянинг шакилланишида хизмат қилади. Яъни мазкур операциялар эпистемология жараёнида гносеологик роли бажаради.

Эпистемология жараёнининг структурасини фалсафий таҳлил этиш масаласи, фикримизча, эпистемология методининг гносеологик табиатини ва методологик аҳамиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Мазкур масалани тадқиқ этиш нафақат фалсафада, шунингдек, ҳозирги замон фани ва амалиётидаги ҳар хил фаолитларни (масалан, менеджмент, иқтисод, экология, лойҳалаштириш ва ҳ.) амалга оширишда тадқиқотчига методологик восита сифатида ориентация ва установка ролини белгилайди ва хизмат этади. Шунингдек, эпистемологияда маълум бир талаблар бажарилиш тадқиқотчининг объект-оригиналнинг адекватли эпистемологияини қуришда методологик қўрол сифатида хизмат бажаради.

Эпистемология объект моҳиятини чуқурроқ билишга қаратилган узлуксиз характерге эга жараён сифатида ҳозирги замон илмий билишида гносеологик статуси катта. Шунингдек, объект эпистемологияини қуришда, унинг алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик томонлари муносабатининг нотўғри хал этиш билан эпистемологияини тўғри қуриш мумкин эмас ва бу уз

навбатида, назарий ва амалий хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, воқелиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг эпистемологияларини қуришда алоҳидалик, хусусийлик ва умумийликнинг муносабатини тўғри эътироб этиш, ва улар орқали, моҳият ва ҳодисани илмий билиш, мазкур категорияларнинг методологик ахамиятини эътиборга олишни талаб қилади.

Иккинчидан, янги фанларнинг, янги объектларнинг юзага келиши ва уларни акс эттирувчи эпистемологияларнинг мураккаб тус олиши ва хилма-хиллиги, шунингдек, уларни таснифлаш белгиларининг кўпвариантлилиги, эпистемологияларни таснифлашда янги муқобилли ёндашувни талаб этади. Шу сабабдан да, эпистемологияларни таснифлаш масаласин фалсафий тафаккур этиш ва таҳлил қилиш муаммоси урганилди ва қуйидаги хулосаларга келинди: Мазкур сабаблар, бизнинг фикримизча, объектларни таснифлашда янги муқобилли ёндашувни талаб этади. Мазкур муқобилли, бизнинг фикримизча, шартли турда чизиқли ёндашув ва ночизиқли ёндашув турларини ажратиш курсатик. Биз бу жойда янги методологик тамойил, янги мезон ёрдамида эпистемологияларни таснифлаш масаласида янги схемага эга бўлдик. Шунингдек, тадқиқотчи иқтисодий, биологик, географик, хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқада объектларни таснифлашда таснифлаш белгиларнинг кўпвариантлилигини, яъни тебраниши характерга эга эканлигини эътиборга олиши лозим. Мазкур чизиқли ёндашув ва ночизиқли ёндашув билан эпистемологиянинг барча турларини таснифлаш адекватлидир.

Учинчидан, ҳозирги замон илмий билишида нарса ва ҳодисаларга чизиқлилиқ билан бир қаторда ночизиқлилиқ атрибути ҳам хос бўлиб, тадқиқот объектларини обадекватли эпистемологияда субъектнинг чизиқли тафаккур этиши, ўрганиётган объектни бир томонлама ўрганиши бўлиб, объектни яхлит тизимли ўргана олмайди. Демак ночизиқли ёндашувда тадқиқот объектини полипарадигмавий ёндашиш билан ўрганилиб, уни ҳар томонлама яхлит тизимли ўрганишда ва билишда роли катта. Ушбу тамойил

ҳозирги замон илмий билишида илмий тадқиқотлар фаолиятида методологик тамойил, методологик установка сифатида ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

Олтинчидан, ўз-ўзича ташкилланувчи жараёнларни адекватли эпистемологияда замонавий математик методларнинг гносеологик имкониятлари катта бўлиб, фақат мазкур методлар комплексли тадбиқ этилиши керак;

Еттинчидан, юқорида кўрсатилган методологик тамойилларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини асослаб бериш орқали, янгича мезонларни ишлаб чиқилди ва қуйидагича белгиланди. Жамиятнинг цивилизацияон тараққиёти эпистемологияида инсон детерминати энг асосий мезон ҳисобланади. Яъни, инсон мақсад ва воситанинг бирлиги сифатидаги методологик тамойил жамият тараққиётини белгилайди. Бунинг учун:

- инсон шахс сифатида жамият ҳаётининг ҳар бир таркибий қисмининг мақсади бўлмоғи зарурдир;

- инсоннинг ҳар томонлама ривожига кенг имкониятларни яратиш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис қаноатландириш жамиятнинг олий мақсадига айланиши лозим;

- ҳар қандай сиёсатнинг, стратегиянинг, лойҳанинг, партияларнинг бош мақсади инсон-қадириятига қаратилиши лозим.

- инсон мақсад сифатида фақат назарий жиҳатдан мавқумлаштирилмасдан, балки унинг амалиётда реализацияланишига диққат марказига олинishi шарт.

- инсон яширинча мақсад сифатида қаралмаслиги лозим.

инсон жамиятнинг ҳар бир таркибий қисмида восита бўлиши лозимдир;

- инсон восита сифатида фақат назарий жиҳатдан мавқумлаштирилмасдан, балки унинг амалиётда реализацияланишига диққат марказига олинishi шарт.

- инсон яширинча мақсад сифатида қаралиб, унинг воситага айланиши мутлақлаштирилмаслиги зарур.

Бир сўз билан айтганда, инсоннинг барқарор тараққиёти концепциясини яратишда, ҳамма соҳа вакилларининг комплексли ёндашуви зарур эканлигини бугунги кунимиз тақоза этмоқда. Сабаби, инсоннинг барқарор тараққиёти, жамиятимизнинг барқарор тараққиётини белгилаб беради. Фақат шундагина Ўзбекистоннинг цивилизацион тараққиёти илгарилаб боради. Юқоридаги мезонларнинг амалиётда адекватли реаллашиши, мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши кечаётган даврда назарий-методологик аҳамият касб этади ва ориентацияси сифатида асос вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Китоб ва туркум нашрлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б. 364.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 382.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б. 367.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.–Б.349.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 384.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 534.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7.- Тошкент:Ўзбекистон, 1999. –Б. 410.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. Т.8. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000.–Б. 526.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
11. Анищенко В.С. Сложные колебания в простых системах. – М.: Наука, 1990. - 312 с.
12. Аршинов В.И. Синергетика как феномен постнеклассической науки. – М.: ИФРАН, 1999. – 203с.

13. Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. Серия "Синергетика: от прошлого к будущему" М.: Изд Едиториал УРСС. 2003. 141.
14. Буданов В.Г. Методология синергетики в постнеклассической науке и в образовании. Изд.3, доп. 2009. - 240 с.
15. Бергсон А. Творческая эволюция. М., СПб. 1994, с.21.
16. Винер Н. Кибернетика, или Управление и связь в животном и машине. / Пер. с англ. И.В. Соловьева и Г.Н. Поварова; Под ред. Г.Н. Поварова. – 2–е издание. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. – 344 с.
17. Губогло М.Н. Междисциплинарные исследования в контексте социально-культурной антропологии. 2004. 406 с.
18. Герасимова И.А. Визуальный образ (Междисциплинарные исследования). 2008. 248 с.
19. Дубнищева Т.Я. Концепции современного естествознания: учеб. пособие для студ. вузов / Татьяна Яковлевна Дубнищева. – 6–е изд., испр. и доп. – М.: Издательский центр "Академия", 2006. – 608 с.
20. Добронравова И.С. Синергетика: становление нелинейного мышления. – К.: Лыбидь, 1990. – 149 с.
21. Колесников А.А. Синергетические методы управления сложными системами: теория системного синтеза. 2006. - 240 с.
22. Коржув А.В., Самойленко П.И. Категория «сущность» в научном познании - междисциплинарный контекст: физика, математика, биофизика. 2000. –144 с.
23. Красиков В. И. Экстрим. Междисциплинарное философское исследование причин, форм и паттернов экстремистского сознания. М.: Водолей Publishers, 2006. - 496 с
24. Носов Н. Виртуальная психология. Междисциплинарные исследования. 2000. - 432 с.

25. Гирко Л.В. Социальное пространство: Междисциплинарные исследования. 2003. - 200 с.
26. Мирский Э.М. Междисциплинарные исследования и дисциплинарная организация науки. 1980. - 304 с.
27. Томпсон П. Голос прошлого. Устная история. 2003. - 368 с.
28. Зеленов Л.А., Владимиров А.А., Степанов Е.И. Современная глобализация: Состояние и перспективы. 2010. - 304 с.
29. Хакен Г. Синергетика. – М.: Мир, 1980. 404 с.
30. Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М.: Мир, 1985. 423 с.
31. Хакен Г. Информация и самоорганизация: Макроскопический подход к сложным системам. – М.: КомКнига, 2005. 248 с.
32. Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М.: Ижевск: Институт компьютерных исследований, 2003. – 320 с.
33. Хакен Г. Тайны восприятия. Синергетика как ключ к мозгу. – М.: Ижевск: Институт компьютерных исследований, 2002.
34. Егоров В.С. Рационализм и синергизм. – М.: Изд-во “Советский спорт”, 1996. – 308 с.
35. Шустер Г. Детерминированный хаос. Введение: Пер. с англ. – М.: Мир, 1988. – 240 с.
36. Евин И.А. Искусство и синергетика. – М.: Едиториал УРСС, 2004 – 164 с.

б) бутун манбага ҳавола:

1. Фалсафа асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.–Б.382.
2. Фалсафа. Қомусий луғат. - Тошкент: Шарқ, 2004.–Б.494.
3. Методологические проблемы истории философии и

общественной мысли.– Москва, 1977. – 358 с.

4. Социокультурное пограничье как феномен мировых и российских трансформаций. Междисциплинарное исследование. – М.: Либроком, 2008. - 504 с.

5. Классика и классики в социальном и гуманитарном знании. М. НЛО 2009г. 536 с.

6. Этнос науки. `Ин-т философии РАН, Ин-т истории естествознания и техники им. С.И. Вавилова. Отв. ред. Л.П. Киященко и Е.З. Мирская.` М. Academia 2008. 544 с.

в) икки муаллифли:

1. Аршинов В.И., Буданов В.Г. Синергетика на рубеже XX — XXI веков /Под ред. А.И.Панченко. - М., 2006. - 217 с.
2. Гленсдорф П., Пригожин И. Термодинамическая теория структуры устойчивости и флуктуаций. Пер. с англ./ Под ред. Чизмаджева Ю.А. – М.: Мир, 1973. – 280 с.
3. Сарвилина И., Каркищенко В., Горшкова Ю. Междисциплинарные исследования в медицине. 2007. - 368 с.
4. Старостенков Н.В., Шилова Г.Ф. Российская цивилизация в социальном измерении: Методология социально-гуманитарного знания. 2008. - 200 с.
5. Назаров М.М., Папантиму М.А. Визуальные образы в социальной и маркетинговой коммуникации: Опыт междисциплинарного исследования. 2009. - 216 с.
6. Малинецкий Г.Г., Коротаев А.В. Проблемы математической истории: Основания, информационные ресурсы, анализ данных. 2009. - 256 с.
7. Мосейко А.Н., Следзевский И.В. Социокультурное пограничье как феномен мировых и российских трансформаций: Междисциплинарное исследование. 2008. - 504 с.

г) уч муаллифли:

1. Алиева К.М., Тишин А.И., Иманакунов Б.И. Философия, химия, синергетика: к исследованию проблемы сложности / ИФиП НАН КР им. Ж. Баласагына. – Б.: Илим, 2002. 99 с.

2. Безручко Б.П., Короновский А.А., Трубецков Д.И., Храмов А.Е. Путь в синергетику. Экскурс в десяти лекциях. Серия "Синергетика: от прошлого к будущему". 2005. - 304 с.

3. Владимиров В.А., Воробьев Ю.Л., Малинецкий Г.Г. и др. Управление риском. Риск, устойчивое развитие, синергетика. – М.: Наука, 2000.

4. Капица С.П., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогнозы будущего. Серия "Синергетика: от прошлого к будущему". Изд.3 2003. 288 с.

5. Геловани В.А., Башлыков А.А., Бритков В.Б., Вязилов Е.Д. Интеллектуальные системы поддержки принятия решений в нештатных ситуациях с использованием информации о состоянии природной среды. 2001. - 304 с.

6.

2. Диссертация ва диссертация автореферати:

1. Файзуллаев А.Ф. С простейших проявлениях самодвижения материи. Автореф. исс...к.филос.н. Ташкент, 1963.
2. Шермухамедова Н.А. Социально–философские аспекты формирования стиля научного мышления: Автореф. Дисс...докт.филос.наук. - Тошкент: Университет, 2002.

3. Тураев Б. Филосовское обоснование концепции о развитии пространство–временной структуры бытия (онтологические и гносеологические аспекты). Автореф. Дис. д–ра филос.н. –Т., 1994;
4. Кадыров Э.Р. Диалектика категорий «элемент» и «структура» в процессе научного познания. Дис. кан. филос.н. –Т., 1996;
5. Давронов З. Принцип детерминизма и его роль в научном познании. Автореф. Дис. д–ра филос.н. –Т., 1999;
6. Иззетова Э.М. Проблема взаимоотношения научного знания и гуманистических идеалов. Автореф. дис. ... докт. филос. наук. – Тошкент: нашриёт. 2002;
7. Бурнашев Р.Р. Методологические проблемы изменения идеалов и норм научного познания. Автореф. дис. .. канд. филос. наук. –Тошкент: нашриёт. 1997.
8. Азизкулов А.А. Илмий ижодиётда рационаллик ва нораціоналлик: концептуал таҳлил ва ёндашувлар. Дис. ... фалсафа фан. Номзоди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, И.М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2006.
9. Қурбонова Л. Ижодий тафаккурнинг фалсафий методологик таҳлили. Дис. ... фалсафа фан. Номзоди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, И.М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2007.

1. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар:

1. Григорьева Т.П. Синергетика и Восток. // Вопросы философии. 1997, 3, 90–102.
2. Князева Е.Н. Саморефлективная синергетика. // Вопросы философии. 2001, 10, 99–113.
3. Кудрявцев И.К., Лебедев С.А. Синергетика как парадигма нелинейности. // Вопросы философии. 2002, 12, 55–63.

4. Гоготишвили Л.А. Мифология хаоса (о социально–исторической концепции А.Ф.Лосева). // Вопросы философии. 1993, 9, 39–51.
5. Майнцер К. (ФРГ). Сложность и самоорганизация. // Вопросы философии. 1997, 3, 48–61.
6. Ровинский Р.Е. Самоорганизация как фактор направленного развития. // Вопросы философии. 2002, 5, 67–77.
7. Рузавин Г.И. Эволюционная эпистемология и самоорганизация. // Вопросы философии. 1999, 11, 90–101.
8. Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Антропный принцип в синергетике. // Вопросы философии. 1997, 3, 62–79.
9. Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Интуиция как самодообраивание. // Вопросы философии. 1994, 2, 110–122.
10. Казютинский В.В., Степин В.С. Междисциплинарный синтез и развитие современной научной картины мира.// Вопросы философии. – М., 1988. – №4. –С.31–42.
11. Готт В.С., Жог В.И. Материальное единство мира и единство линейности и нелинейности физических процессов. // Вопросы философии. 1984, 12, 43–53.
12. Баранцев Р.В. Имманентные проблемы синергетики. // Вопросы философии. 2002, 9, 91–101.
13. Бранский В.П. Теоретические основания социальной синергетики. // Вопросы философии. 2000, 4, 112–129.
14. Хакен Г. Синергетике – 30 лет. // Вопросы философии. 2000, 3, 53–61.
15. Пригожин И. (Бельгия). Переоткрытие времени. // Вопросы философии. 1989, 8, 3–19.
16. Пригожин И. Переоткрытие времени. Пер. с англ.// Вопросы философии. – М., 1989. – №8. – С.3–19.

17. Пригожин И. Постигание реальности. Пер. с англ.// Природа. – М., 1998. – №6. – С.3–11.
18. Из переписки И.Р.Пригожина и А.И.Петрухина по поводу книги Н.Н.Моисеева "Быть или не быть... человечеству". // Вопросы философии. 2003, 1, 102–104.
19. Князева Е.Н. Сложные системы и нелинейная динамика в природе и обществе. // Вопросы философии. 1998. № 4.
20. Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Нелинейная динамика будущего. //Вестник РАН. 2001, №3.
21. Малинецкий Г.Г. Новый облик нелинейной динамики// Природа. 2001, №3.

2. Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар:

1. Аршинов В.И., Свирский Я.И. Проблема языка в постнеклассической науке.// Физика в системе культуры./ Отв. ред. Сачков Ю.В. – М.: ИФРАН, 1996. – С.292–307.
2. Курдюмов С.П. Собственные функции горения нелинейной среды и конструктивные законы построения ее организации // Современные проблемы математической физики и вычислительной математики. М.: Наука, 1982. С.235–236.
3. Князева Е.Н. Приключения научного разума: Синергетическое видение научного прогресса.// Когнитивная эволюция и творчество. – М.: ИФРАН, 1995. – С.55–75.
4. Фалсафанинг назарий – методологик масалалари. (илмий мақолалар тўплами), Тошкент, 2003 й 42–45 бетлар.
5. Иванов, А.В. Социодинамика общества риска в условиях глобальной неопределенности [Текст] / А.В. Иванов // Общество риска:

цивилизационный вызов и ответы человечества: сб. науч. тр. – Саратов: Научная книга, 2006. – С. 45 – 51.

6. Ванчикова А.В. Роль современных абстрактных структур в применении к новейшим отраслям науки / А.В. Ванчикова, Д.Ш. Цырендоржиева // Межвузовский сборник научных трудов по прикладной математике. – Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 1994. –С. 74 –79.

7. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар:

1. Булдакова Е.И. Особенности межкультурной коммуникации на современном этапе // Обеспечение экономического роста России в условиях глобализации. Материалы межвузовской научно–практической конференции преподавателей, аспирантов и студентов. – Ростов–на–Дону: ПИ ЮФУ, 2007.

2. Ванчикова А.В. Социальная дифференциация современного российского общества: множественность форм / А.В. Ванчикова, Д.Ш. Цырендоржиева // Социально–стратификационная дифференциация российского общества: Материалы Международной научной конференции (25–26 мая 2006 г.): В 2 т. – Т.1. – М. – Улан–Удэ: Изд-во Бурятского госуниверситета, 2006. – С. 123– 128

3. Филоненко В.А. Проблемы подготовки социальных педагогов в условиях педагогического колледжа // Социально–педагогическая работа в современных условиях: Материалы межрегиональной научно–практической конференции – Армавир: Издательский центр АГПИ, 2002г. – С.39–41.

4. Черепанов А. А. Проблема социального кризиса в условиях глобализации: философский аспект // 9–е Вавиловские чтения: Материалы постоянно действующей Всероссийской

междисциплинарной научной конференции с международным участием / Под общ. ред. проф. В. П. Шалаева. М.; Йошкар–Ола, 2005. Ч. 1. С. 88 – 90.

5. Сидорович Н. А. Черты национального государства: парадигма XXI века // Власть и управление в современном мире: материалы совместной междисциплинарной аспирантской конференции РАГС – СЗАГС. Вып. 5. – СПб.: СЗАГС, 2005.

6. Галимов Б.С., Шарипов М.Р. Мораль и нравственность в системе волевого восприятия//Материалы международной научно–практической конференции , посвящённой 60–летию ЮНЕСКО. РИО БашГУ, Уфа– 2007. – С. 54–57.